

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АСҚАР ЗУННУНОВ, УЛФАТ МАҲКАМОВ

ДИДАКТИКА

(Таълим назарияси)

Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

Тақризчилар:

Марғуба Мирқосимова — педагогика фанлари доктори,
профессор;

Эдим Сайтхалилов — педагогика фанлари доктори,
профессор.

Ушбу уқув қўлланмада ифодаланган «Дидактиканинг методологик асослари», «Таълим методлари, дидактикада таълим методлари назариясининг ривожини» бўлимларини А. Зуннунов, «Илова»ни А. Зуннунов ва У. Маҳкамов, таълим принципларининг XVIII—XIX ва XX асрда, мустақиллик даврида шакллантирилиши қисмларини Ш. Қурбонов, «Таълим назарияси», «Педагогик тизимнинг фалсафий асоси» қисмлари М. Куронов, «Таълимнинг воситалари», «Таълим шакллари, турлари ва йўллари», «Ўқувчи ва талабалар билими баҳоси» бўлимлари У. Маҳкамов томонидан тайёрланди. Қўлланма «Фан ва техника» марказининг П—5.53 рақами остида грант ишларининг якуни сифатида тақдим этилди.

СЎЗ БОШИ

Президент Ислом Каримов Республика Олий Мажлиси сессиясида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусида сўзлаган нутқида: «Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди», — деган кўрсатмалари асосида Ўзбекистонда жорий этилаётган таълим тизими бўйича ёшларда мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялашда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларини тубдан ўзгартириш, яъни ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш масаласи ўта муҳимдир. Чунки бу бевосита ёшларимизнинг тафаккурига, онгига, руҳиятига таъсир этиш билан амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, янги педагогик технологияларни жорий этишни талаб этади. Бундай ижодий муҳит ўқитувчи билан ўқувчи орасида бир-бирига ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирини шахс сифатида тан олиш ҳисси пайдо бўлгандагина намоён бўлади. Мазкур вазифа дарс ўтиш, суҳбат, мулоқот каби усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳада бўлгани каби таълимдаги ислоҳотлар, ўзгаришлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амалга оширилди: умумий ўрта таълим тизими мазмуни, мақсади белгиланди, таълим демократлаштирилди, инсонпарварлаштирилди ва ижтимоийлаштирилди. Бунда асосий эътибор дидактик таълимга, яъни таълим мақсади, мазмуни, вазифалари, назарияси, методлари, принциплари, воситалари, шакллари, дарс турлари масалаларига қаратилади.

Таълимни бошқариш, илмий тадқиқот ва усуллари йўналишида муассаса ва ташкилотларнинг вазифаларини белгилаб берувчи меъёрий асос яратилди. Давлат

таълим стандартларини, янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этиш тартиблари белгиланди.

Маълумки, дидактика ўргатиш, таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмун вазифалари, уларни ташкил қилиш, эришилган натижалар ҳақидаги фандир.

Дидактиканинг бу туркумлари ҳақида IX—XVIII асрларда Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Баҳовуддин Нақшбандий, XIX аср ва XX аср бошларида яшаган Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов каби аҳли донишлар ҳам ўз асарларида бу ҳақда билдирган фикрлари ёш авлоднинг шахс сифатида шаклланиши, камол топишида муҳим аҳамият касб этган.

Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган ушбу «Дидактика» ўқув қўлланмани яратишда асрлар давомида синовдан ўтган, улуғ адждола-римиздан мерос бўлиб қолган дидактик қадриятларни замонавий — умумбашарий дидактик фикр билан уйғунлаштиришга эътибор берилди. Уни яратишда таълим-тарбия, педагогика-дидактик таълим ривожиди эришилган ютуқлар, амалий тажрибаларга таянилди. Шунингдек, Россияда нашр этилган «Дидактика»¹ китобидан ижобий фойдаланишди. Асардаги айрим дидактик олимларнинг фикрлари қўлланмада айнан келтирилди.

Қўлланмада «Дидактиканинг методологик асослари», «Таълим принциплари», «Таълим методлари», «Таълим воситалари», «Таълим шакллари, турлари ва йўллари», «Дарсга талаб», «Баҳо» ва «Баҳо меъёри» баён этилди.

Ўйлаймизки, дидактика фанини ўқитишда ҳурматли ўқитувчилар ундан ижодий фойдаланадилар. Зеро, ижоднинг ўзи — ўқитувчининг идроклилиги, ижодкорлиги эса тилак-орзусидир.

*Асқар Зуннунов,
педагогика фанлари доктори, профессор.*

¹ В. С. Кукушин. «Дидактика». Москва — Ростов-на-Дону. изд. Центр «Март», 2003.

1. ДИДАКТИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Таълим тушунчаси. Дидактика (грекча «didaktikos» — ўқитувчи, «didako» ўрганувчи) педагогиканинг таълим муаммоларини ишлаб чиқувчи қисми.

Дидактика сўзи илк бор немис педагоги Волфган Ратке (Ратихия) (1571—1635) асарларида ўқитиш санъати сифатида ифодаланди. Ян Амос Коменский бу сўзни «ҳаммани барча нарсага ўқитиш универсал санъати» шаклида ифодалади. Ратке (Ратихия) дидактиканинг асосий вазифаси нимага ўргатиш ва қандай ўргатиш» муаммосини ишлаб чиқди, ҳозирги замон фанида «қачон, қаерда, кимни ва нима учун ўқитиш» муаммосини тадқиқ этиш, деб таъкидланмоқда.

Дидактиканинг асосий туркумлари ўқитиш, ўрганиш, ўргатиш, таълим бериш, билим, билиш, кўникма, шунингдек мақсад, мазмун, ташкил қилиш, турлар, шакллар, методлар, воситалар, ўқитишдан иборат бўлиб, дидактика — ўргатиш ва таълимнинг мақсади, мазмуни, методлари, вазифалари, таълимни ташкил қилиш, эришилган натижалар тўғрисидаги фандир.

Таълим англаш, машқ ва тажрибалар асосида хулқ ва фаолият шакларининг юзага келиш, олдин эгалланган билимнинг ўзгариш жараёни, демак.

Таълимда, ўқитувчи олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун ўқувчи билан ўзаро алоқасини тартибга солади.

Таълимий (дидактик) жараён — ўзаро узвийликда бўлган қуйидаги асосий қисмларнинг мажмуидир:

Ўқитувчининг фаолияти	Ўқувчининг фаолияти
1. Ўқувчиларга таълим мақсади ва вазифасини тушунтириш. 2. Ўқувчиларни янги билим (воқеа, ҳодиса, фан қонунлари) билан таништириш.	1. Ўрганишнинг ижобий асосларини ташкил этишда шахсий фаолият кўрсатиш. 2. Янги билим, билишни эгаллаш.

<p>3. Тушунишни, билим ва билишни эгаллаш жараёнларини бошқариш.</p> <p>4. Илмий қонун-қоидаларни англаш жараёнини бошқариш.</p> <p>5. Назариядан тажрибага ўтиш жараёнини бошқариш.</p> <p>6. Изланиш ва тадқиқотчилик фаолиятни ташкил этиш.</p> <p>7. Ўқитишдаги ўзгариш ва ўқувчилар ривожини текшириш, баҳолаш.</p>	<p>3. Таҳлил, хулоса, таққослаш, солиштириш, тартибга солиш.</p> <p>4. Қонун-қоидаларни англаш ва ўзаро алоқада бўлиш сабабларини билиш.</p> <p>5. Билиш ва кўникмаларни тартибга солиш.</p> <p>6. Юзага келган муаммоларни мустақил ҳал қилиш.</p> <p>7. Ютуқларни мустақил баҳолаш.</p>
--	---

Дидактика фан сифатида, ўз предмети қонуниятларини ўрганади, ўқитиш жараёни натижалари билан жараённинг бир-бирига боғлиқлигини таҳлил қилади, режалаштирилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишни таъминлайдиган шакл ва воситаларни аниқлайди. Шунга кўра, у:

- назарий (асосан, аниқлаш усулларини);
- амалий (меъёр, қурол) вазифаларни бажаради.

Дидактика ўз таркибига барча ўқув фанларни ва барча даражадаги ўқитиш фаолиятларни, барча таълим тизимини қамраб олади.

Таълим жараёнида ўқитувчи:

- ўқувчиларнинг ўқув-англаш фаолиятини рағбатлантириш;
- илмий билим ва билишни эгаллаш, англаш фаолиятини ташкил қилиш;
- уларда фикрлаш, тушуниш ва назарий қобилиятни ривожлантириш;
- ўқишни билишларини ва малакаларини такомиллаштириш;
- уларда илмий дунёқарашни ва эстетик маданиятни ҳосил қилиш вазифаларини бажаради.

Таълимни ташкил қилишда ўқитувчи:

- ўқувчиларни ўқув машғулотига тайёрлайди;
- уларда янги материални эгаллаш эҳтиёжини шакллантиради;

- ўзлаштириладиган материал мазмунини аниқлайди;
- ўқув-англаш фаолиятни яратади;
- бу фаолиятга ҳаяжонланиш, ижобий хусусият бахш этади;
- ўқувчилар фаолиятини тартибга солиди ва назорат қилади;
- фаолият натижасини баҳолайди ва якунлайди.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ТУЗИЛИШИ — МАНТИҚИЙ ЖАДВАЛИ



Таълим — билим фаолияти. Бу фаолият ўйин, бадий тасвир, меҳнат фаолиятларидан фарқ қилади. Таълим фаолияти икки хислатга эга. Биринчи хислати — у инсон руҳияти қонуниятлари ва унинг ижтимоий ривожда ташкил топади. Иккинчи хислати — у инсоннинг билиш фаолиятини ўзгартиради. Махсус тарзда ташкил топган билиш фаолияти — ўз мақсад, вазифа, мазмун, метод ва шаклларига эга.

Таълим алоҳида ташкил топган фаолият сифатида, биологик, психологик, ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланган инсон ривожини тезлаштиради. Бола таълим жараёнида атроф борлиқни, таълим жараёнидагига нисбатан, чуқурроқ ҳис қилади, англайди. Инсоннинг ижтимоий-тарихий қонуниятлар ривожини англашига, меҳнат жараёнидаги фаолиятига ёрдам беради. Инсон шахси ривожини таълим жараёнида англаб олинади.

Бола мустақил ҳолда илмий билим тизимини англаши учун, у бу тизимни ўзлаштириши керак. Шунинг учун ҳам, таълимда инсон тажрибаси акс эттирилган ўқув қўлланмаси, дарслик алоҳида ўрин тутади.

Таълим — ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаолияти. Белгиланган мақсад, мазмун ва дастур ўқитувчининг фаолияти орқали амалга оширилади. Ўқишни бошқариш кутилган натижани ҳосил қилади.

Ўқиш — ўқувчининг фаолияти. Ўқувчи ўқитувчининг ёрдамида таълим вазифаларини бажаради, инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларини ўзлаштиради.

Барча турдаги фаолият уч қисмдан ташкил топади:

- мулжаллаш — асослаш;
- мулоқот — бажариш;
- фикрлаш — баҳолаш;

Шунга кўра, ўқувчи фаолияти шу уч қисмдан ташкил топади, таълимнинг муҳим вазифаси — ўқувчилар фаолиятидаги бу уч қисмнинг бирликда бўлишига эътибор беришдир.

ТАЪЛИМ МАҚСАДИ

Таълимнинг мақсади педагогик фаолиятда тартибли вазифани бажариш. Мақсадни белгилашда таълим-тарбия мазмуни, метод ва воситалар ҳисобга олинади. Талаба билим, билиш малакаси қандай вазифалар ёрдамида ҳал қилинишини билиши керак.

Педагог Л. М. Фридман, А. К. Марков, И. А. Васильеваларнинг фикрича, ўқитувчи ўқувчи таълим оладиган жойдаги шароитни асосли равишда ўрганиши, тарбия мақсади ва вазифаларини тўғри ифодалаш, уларни аниқлаш йўллари ва баҳолашга қўйилган талабларни билиши керак.

Мақсад қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- у аниқ белгиланган бўлиши;
- белгилашга доир далиллар аниқ бўлиши;
- натижалар маълум мактабга тегишли бўлиши.

Мақсад даражаси умумий кўрсатма асосида белгиланади. Бу:

- жамият талаби;
- таълим тизими вазифалари;
- мактаблар қўйган педагогик талаб, вазифалар асосида бўлади.

Педагогик технологияда таълимий мақсадни аниқлаш йўли, таълим таъсирининг йўналиши ва натижаси аниқланади.

Мақсадни қўйиш йўллари:

— таълимнинг ўқувчига таъсир этиш йўлларини ва яратилган шароитни аниқлаш;

— ўқувчида шакллантириладиган қобилият ва имкониятни аниқлаш;

— таълим жараёнида ўқувчи эришадиган натижани аниқлаш.

Мақсадни белгилаш йўллари:

1. Мақсад ўрганиладиган матн мазмуни асосида аниқланади.

Масалан: «Таълим мақсадини ўрганиш»да.

2. Мақсад ўқитувчи фаолияти асосида аниқланади.

Масалан: «Ўқувчиларни таълим принциплари билан таништириш»да.

3. Мақсад ўқувчининг ахлоқ-одоби, руҳияти ва шахсий ривож асосида аниқланади.

Масалан: «Ўқувчиларда ифодали ўқиш қобилиятини ривожлантириш»да.


4. Мақсад ўқувчиларнинг фаолияти асосида аниқланади.

Масалан: «Ўқувчининг шахс сифатида шаклланишини тадқиқ этиш» (ўрганиш)да

Педагогик технологияда тавсия этилган йўлнинг (усулнинг) моҳияти шундаки, мақсаднинг ўқувчи фаолиятида ифодаланган таълим натижалари орқали шаклланишини таъминлайди.

2-жадвал

Педагог олим М. В. Кларина таълим мақсадини қуйдаги тарзда аниқлади



ТАЪЛИМ ВАЗИФАЛАРИ

Энг қадимги даврда жамоа аъзолари ижтимоий ҳаётда орттирган тажрибалари асосида катталарнинг меҳнат фаолияти намунасида турли йўллар билан ёш авлодни тарбияладилар, таълим вазифаларини бажардилар.

Давр ўтиши билан инсоният ҳар бир одам ижтимоий ҳаётда ўз ижодий фаолияти, табиий борлиқни ўзлаштиришда фаол иштирок этиши кераклигини англаб етди.

Ҳозирда ижтимоий ҳаёт ҳар бир одам олдига кент қамровли улуг вазифаларни қўйиб, уларни амалга оширишни, натижаларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этмоқда.

Бу вазифалардан энг муҳими қуйидагилар:

— ақлий ривожланиш вазифалари — болаларда билим, билиш ва кўникмаларни, яъни ақлий ривожланишни, мустақил фикрлашни, ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишни ривожлантириш;

— руҳий (эмоционал) ривожланиш вазифалари — болаларда санъат ва ташқи оламга эмоционал, эстетик муносабатни ривожлантириш;

— ахлоқий ривожланиш вазифалари — болаларда ахлоқий фазилатларни, маънавий гўзалликни, масъулик ҳиссини ривожлантириш;

— жисмоний ривожланиш вазифалари — болаларда мустаҳкам, куч-қудратни ривожлантириш;

— шахсий ривожланиш вазифалари — таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир болада табиат инъом этган қадриятларни аниқлаш ҳиссини ривожлантириш;

— маданий тарбия вазифалари — болаларда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида бадиий маданиятни ривожлантириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш ва ижобий ҳал қилиш, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш — педагогик жараённинг мақсади.

ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Дастурий курс мазмуни ва уларни ўқитиш усуллари аниқлашда ҳар бир билимда ўзаро боғлиқ бўлган

илмий, мантиқий, психологик хусусиятни болалар биллиб олиши керак.

Бу масалалар хусусида таниқли тадқиқотчи олимлар П. Я. Гальперина, В. Л. Данилова, Н. Ф. Гальзина, И. Я. Лернер, М. Н. Скаткин, Б. Т. Лихачевлар ўз фикрларини баён этдилар.

Мактаб таълими мазмунини шакллантириш принциплари орасида қуйидаги ўқув фанлари мазмуни принциплари алоҳида ажралиб туради:

— ўқув матнидинг ҳозирги давр фани ривож билан боғлиқлиги принципи;

— политехник принцип;

— мантиқнинг фан ва ўқув фанлари билан бирлиги принципи. Санъат мазмунининг шаклланиш принциплари:

— гоёвий мазмун ва бадиий шакл бирлиги принципи;

— шахснинг маданий ривож билан уйғунлиги принципи;

— гоё ва санъатнинг ўзаро бирлиги принципи;

— ёш хусусиятини ҳисобга олиш принципи.

Жисмоний ривожланиш ва меҳнат мазмунини шакллантириш принциплари:

— бола меҳнатининг ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлиқлиги принципи;

— меҳнатнинг фан билан узвийлиги принципи;

— бола меҳнатининг ҳозирги давр касбий талабларга мувофиқ бўлиши принципи.

Юқорида қайд қилинган барча принциплар қуйидаги уч асосий принципларда тўлиқ ўз ифодасини топади:

— таълим мазмуни қисмларининг тузилиши ҳозирги замон фанининг ишлаб чиқариш ва жамият талаблари даражасида бўлиши принципида;

— таълим методларининг шаклланиши ва тузилиш принципида;

— мўлжалланган мазмунни ҳаётга тадбиқ этиш йўлларининг инсоният фаолиятида ва ўқув фанларининг ўзаро боғлиқлиги принципида;

— таълим мазмуни қисмларининг ўзаро уйғунликда ва шахснинг ривожини ҳисобга олган ҳолда шаклланиши, тузилишининг узвийлиги принципида.

Таниқли олимлардан Ю. К. Бабанский, И. Я. Лернер,

М. Н. Скаткин мактаб таълими мазмунининг умумий дидактик мезонини ишлаб чиқдилар. Бу мезонлар қуйидагилар:

1. Мактаб таълими мазмунида эркин жамиятда мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш вазифаси ва методларнинг умумий таълим нуқтаи назаридан, ўқувчига мослиги;

2. Таълим матни, мазмуни ва амалий моҳияти;

3. Таълим матни мазмунининг ҳажм жиҳатдан мактаб ўқувчиси ёшига мувофиқлиги;

4. Мазмун ҳажмининг ўрганиладиган ўқув фанига ажратилган вақтга мослиги;

5. Умумий ўрта мактаб таълими мазмуни тузилишини белгилашда халқаро тажрибани инobatга олиш мезони;

6. Таълимнинг ҳозирги давр мактаблари ўқув-методик негизига мослиги мезони.

Мактаб таълими мазмунини шакллантирувчи асосий манбалар, бу — фан ва моддий ҳамда маънавий бойлик, ижтимоий мулоқот тажрибаси, маънавий қадриятлар, ижтимоий тушунча шакллари, инсон фаолияти турларидир. Таълим мазмунини бу манбалар асосида шакллантиришда тарихий ва психологик талаблар ҳисобга олинади.

Қуйидаги турлар таълим мазмунининг ўзига хос махсус турлари ҳисобланади:

— табиат, жамият, техника, фикр ва фаолият қобилияти ҳақидаги билим. Бу билимларни ўзлаштириш ўқувчи онгида дунёнинг ҳақиқий кўринишини шакллантиради, фаолиятга онгли ва амалий жиҳатдан тўғри ёндашишга хизмат қилади;

— маълум фаолиятни амалга оширишдаги тажриба, бу — шахснинг билим, билиш ва маликасини бирлаштирувчи тажриба;

— жамиятда содир бўладиган янги муаммоларни ҳал қилиш бўйича ижодий, изланувчан фаолият тажрибаси. Бу тажриба мустақил равишда ўзлаштирилган билим ва билишни янги шароитда амалга оширишни, фаолиятнинг янги усулларини шакллантиришни талаб этади;

— объект ёки инсон фаолияти воситаларига бўлган муносабат тажрибаси. Бу тажриба ташқи оламга, одамларга муносабатда намоён бўлади.

Шундай қилиб, умумий таълим мазмуни, бир томондан, ўқувчининг ўқиш-билиш фаолиятининг муҳим шарти бўлиб, жамиятнинг ҳозирги ва келгусидаги талабини акс эттиради, иккинчи томондан, ўқувчи фаолиятини амалга оширишда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади ва шу орқали ўқишда шахсий талаб мазмуни бўлади.

ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

Педагогик тизимнинг фалсафий асоси

Ҳозирги давр педагогик тузилишнинг негизи ва узвий қисми қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий тузум ва педагогик фикр;
- педагогик, психологик, ижтимоий фанлар;
- илғор педагогик тажриба;
- халқ педагогикаси.

Ҳар бир умумий педагогик таълимий технология аниқ фалсафий негизга асосланади. Методология таркибига кирган бу фалсафий ҳолат педагогик технологияни тартибга солиб туради.

Таълим назариясига мувофиқ дидактик принциплар шакллантирилган, бир неча таълим методлари ишлаб чиқилган. Таълимнинг ассоциатив — рефлектор асосида И. М. Сеченов ва И. П. Павлов аниқлаган одам бош мияси фаолиятидаги рефлектор қонунияти туради. Уларнинг таъкидлашича, одам миясида доимий равишда таълим жараёни давом этади.

Улар билдирган фикрни қисқача қуйидагича баён этиш мумкин:

1. Билимни ўзлаштириш, малака ва билишнинг шаклланиши, инсон шахсий хислатининг ривожланиши, бу таълим жараёнининг инсон онгида оддий ва мураккаб тарзда бажарилиш (ассоциацияси) жараёнидир.

2. Билимни эгаллаш, малака ва билишнинг шаклланиши, қобилиятнинг ривожланиши, яъни билиш жараёни қуйидаги изчиллик ва босқичлардан иборат:

- ўқув материални идрок этиш;
- ундаги ички алоқа ва қарама-қаршиликни ҳис қилиш, тушуниш;

— ўрганилган материални эслаш ва хотирада сақлаш;

— ўзлаштирилган билимни амалий фаолиятда қўллаш.

3. Таълим жараёнининг асосий босқичи назарий ва амалий ўқув вазифаларини ҳал қилишда ақлий фаолиятдир.

4. Таълимда, шароитга риоя қилинган ҳолда, юксак натижага эришилади:

— ўқувчида таълимга фаол муносабат шаклланишида;

— ўқув материални маълум узвийликда ўрганишда;

— ақлий ва амалий фаолиятда турли усулларни қўллаш ва мустақкамлашда;

— билимни ўқув ва меҳнат жараёнига тадбиқ этишда.

Бу назарий фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, ўқув материални эгаллаш уни қабул қилишдан бошланади. Ўқув ахборотни қабул қилишга кўриш, эшитиш, ҳаракатлантирувчи ва бошқа сезги аъзолари жалб қилинади.

Сезги аъзолари ўқув ахборотни қабул қилишда қанча кўп иштирок этса, ўқув ахбороти шунча осон ва чуқур қабул қилинади.

Иккинчидан, онгда тушунча, тасаввур, далиллар маълум ҳажмда бўлган тақдирдагина фикр иш бошлайди.

Ўқув материални тасаввур қилиш жараёнини фаоллаштириш учун материал:

— тушунарли;

— мантиқан ўзаро узвийликда;

— тушунарли;

— муҳимлиги аниқланган бўлиши керак.

Бу жараён жадвал, расм, мисолларда ёрқин ва аниқ ифодаланади.

Учинчидан, таълим жараёнида ўқув материални, фақат қабул қилиш ва фикрлаш эмас, балки уни онгда мустақкамлаш муҳим ўринда туради.

Ўқувчининг ахборотни қайта эслашида муҳим воқита уни онгда қайта тиклашдир. Бунинг учун:

— ўрганилган ахборот бўйича конспект тузиш;

- такрорлаш;
- ҳимоя қилиш;
- тушунтириш;
- ўзлаштирилганни ўртоқларга сўзлаб бериш, кўрсатиш;
- эсланган билимни амалий фаолиятда тadbқиқ этиш лозим.

Тўртинчидан, билимни эгаллашдаги асосий жараён уларни амалиётга тadbқиқ этишдир. Тadbқиқ этиш барча ўқув фаолиятида амалга оширилади.


Ўқитувчи шунини унутмаслиги керакки билимни амалиётга тadbқиқ этиш самарали бўлиши учун, ўқувчи бу ишни онгли равишда бажариши, билимни назарий жиҳатдан яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Таълимни бир шаклга келтириш соҳасида олимлар узоқ даврлардан буён ўқув моделини тузиш устида иш олиб бордилар. Бу вазифани ҳал қилиш учун эса, физиологик, психологик, кибернетик, умумий назария тизими ахборот, лингвистик методлардан фойдаланиш керак эди. Кейинги ўн йиллар бу фанлар соҳасида муваффақиятларга эришиш натижасида янги концепция яратилди.

М. И. Потеев томонидан ишлаб чиқилган таълим жараёни қуйидаги жадвалда ифодаланган:

3-жадвал.

Таълимни ташкил этган асосий ютуқнинг ўзаро таъсири



Модел олти асосий босқич — билиш, малакалар ва ижодий фаолият тажрибасидан ташкил топди. Бу босқичларга такрорлаш, умумлаштириш киради. Моделнинг еттинчи қисми — ўрганиш керак бўлган ўқув материалидир. Модель таълимда барча босқичларда эришилган ютуқни таъминлайди.

Дидактик билим хусусияти Туркистон заминида яшаб, илм-фан билан чуқур шуғулланган ва ўзларидан кейинги авлодга қолдирган мерослари билан жаҳонга машҳур бўлган алломалар ўз асарларида ёш авлодни тарбиялашнинг шакл ва усуллари, таълимнинг жамият равнақи, халқ фаровонлиги, меҳнат тарбиясининг инсонлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўз фикрларини баён этдилар. Бу VIII асрдан XX аср бошларига қадар яшаган Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби алломалар яратган асарларда ёрқин ифодасини топган. Уларнинг асарларида дидактик фикрлар ҳам баён этилди, аммо, дидактик таълим, унинг хусусияти ҳақида бир бутун асар яратилмади.

Бу ҳолат Россия ва бошқа Европа педагогикасида ҳам давом этди. Таниқли педагог В. С. Кукушин ўзининг «Дидактика» номли ўқув қўлланмасида айтганидек, Ям Амос Коменский «Буюк дидактика» асарини ёзганидан буён 300 йил ўтган бўлса ҳам, ҳақиқий борлиқ қонуниятлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ифодаланган таълим ва билиш назарияси ҳақида асар яратилмади. Кукушин ўз асарида ярим аср илгари Д. Д. Оконнар, Л. В. Занков, Л. С. Выготский, А. И. Рахимов, И. Т. Карсавин томонидан яратилган асарларни тадбиқ этиб, дидактик билим маънавий-амалий билимга киритилганини айтади.

XVI аср ўрталаридан XIX аср охиригача дидактик фикр ривожини шундай тарзда давом этади. Бу «турғунлик» ҳақида П. Ф. Комтерев ўзининг педагогик асарлар тўпламида фикр билдириб, дидактик масалани педагогик изланишлар давридаги унга мос шароитда қўйиш керак эди, деди. Бу фикрнинг тўғрилиги Россияда XX аср бошларидаги ҳаётда кўрилди. 20-йилларда, масалан, умумий мактаб ўқув дастури Давлат ўқув кенгаши (ГУС)да атрофлича муҳокама қилиниб, қабул қилинди. Биринчи бошланғич таълим мазмуни қури-

лиши белгиланди. Дастурда «Табиат», «Меҳнат», «Жамият» мавзуларини ўзаро узвийликда комплекс тарзда ўрганиш тавсия этилди. Таълимда «Меҳнат» мавзуи марказий ўринга қўйилди. Бунда меҳнат ва табиат, меҳнат ва жамиятнинг ўзаро узвийликда бўлиши инсон шахсининг шаклланишида муҳим омил эканлиги қайд қилинди.

Ўқиш усуллари. Ўзбекистон Республикасида ҳаётга тадбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонунда давлат сиёсатининг асосий принциплари:

— таълимнинг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устуворлиги;

— инсонпарварлик характердалиги;

— таълимнинг узлуксиз ва изчиллиги;

— таълим олиш мажбурлиги;

— таълим тизимининг дунёвийлиги;

— билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

— таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш кўрсатиб берилган.

Ҳозирги даврда асосий эътибор мактабларда таълим ва тарбияни шу принципларга амал қилган ҳолда, болаларда мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Таълимнинг юқори синфда сифатли ва самарали бўлиши учун, ўқитувчи ўқувчиларнинг шахсий хусусияти, фикрлаш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг англаш фаолиятини фаоллаштиришни таъминлайдиган таълим методларини ишлаб чиқади, таълимни педагогик технология асосида амалга оширади.

Илмий тадқиқотларда ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги билиш фаолиятлари жараёнида қуйидаги қисмлардан ташкил топган билиш амалга оширилади:

— далил (муаммо);

— фараз (келажакни айтиш);

— экспериментал текшириш;

— назарий хулосалаш.

Маълумки, ҳар бир фаннинг вазифаси объектив борлиқни ўрганиш, билиш, ҳақиқийликни аниқлашдир. Объектив борлиқнинг ҳақиқийлиги ҳодисаларни

Nizomiy nomli

T D P U

kutubxonasi

кузатиш ва тажриба орқали аниқланади. Ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақида фараз — тахмин юзага келади, ҳодиса хусусида аниқ тасаввурга эга бўлиш йўллари белгиланади. Фараз объектив воқеа ва ҳодисаларнинг номаълум қирралари ҳақидаги илм сифатида инсон фаолиятида муҳим ўринда туради.

Фараз ҳодисанинг юз бериши сабабини аниқлашдаги тахмин бўлиб, назарий фикрнинг юзага келишида алоҳида аҳамиятга эга. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Менделеев каби алломаларнинг таъкидлашича, фараз ҳодисалар орасидаги боғланишларни тушунишга, аниқлашга хизмат қилувчи методдир.

Фаразда янги билимлар ва билим тизими, ҳодисалар хусусияти ҳамда ҳодисанинг юзага келиш сабабини ўрганиш, аниқлаш ҳақида аниқ мақсад юзага келади. Тажриба асосида ҳодисаларнинг ўзаро узвийлиги ва содир бўлиш қонуниятларига эътибор берилади.

Тажриба, кузатиш, эксперимент жараёнида юзага келган янги фикр, гоё инсон тафаккурини фаоллаштириш, тажрибада аниқланган далиллар фараз учун асосий омил бўлади. Далиллар тадқиқ ва таҳлил қилинади, натижа умумлаштирилади. Фараз тўғри, аниқ ва назарий асосланган бўлиши керак. Фараз илм-фан ютуқларига таянган ҳолда, унинг ривожланиб боришига хизмат қилиши лозим.

Демак, фараз — объектив воқелик қонуниятларини билишда муҳим восита бўлиб, унда кузатишлар йўли билан тўпланган материаллар таҳлил қилинади.

Фараз объектив воқелик, ҳодисаларнинг юзага келиши сабабларини ўрганиш, аниқлаш билан илм-фан ривожиди алоҳида аҳамият касб этади. Фаразнинг илмийлиги, ҳақиқийлиги узлуксиз амалга ошириладиган тажриба, эксперимент асосида аниқланади. Илмий, ҳақиқий фаразда назариялар намоён бўлади. Илмий фаразнинг мақсади илм-фаннинг ривожланиш қонуниятларини очиш, аниқлаш, назариянинг шаклланиши учун зарурий замин яратишдир.

Мақтаб бола учун, аммо у, фақат унинг иши, меҳнати эмас, балки келгуси ҳаётининг муҳим қисмидир. Ўйин, билим, ўрганиш, меҳнат — болалар фаолиятининг муҳим турларидан бўлиб, онгли фаолияти уларни ҳаётда татбиқ этишга имконият яратади.

Ўқиш — аввало, катта меҳнат. Бошқа меҳнат турлари каби, у ҳам энг яхши тарбиячи ҳисобланади. Ҳамма ерда, ҳамма вақт, ҳамма даврда ҳам, агар у эркин, ижодга чорловчи бўлса, инсонга шодлик бахш этади.

Меҳнат — инсоннинг, ўсиб камол топиши ва эстетик ҳис-туйғуси, эришган моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, инсоният ҳаётининг асоси ҳисобланади.

Меҳнат жараёнида ўқувчиларнинг эстетик дид ва қарашларини ривожлантириш тарбиявий ишнинг муҳим томони ҳисобланади. Эстетик диди юксак бўлган инсон яхши фазилатлар эгаси бўлади.

К. Д. Ушинскийнинг таъкидлашича, ҳақиқий ва эркин меҳнат инсон ҳаёти учун шундай аҳамиятга эгаки, меҳнатсиз инсон ҳаёти ўзининг бутун қимматини ва бутун фазилатини йўқотади. Меҳнат фақат инсоннинг камол топиши учунгина эмас, балки, ҳатто, у эришган инсонлик хислатларини мазкур даражада сақлаб туриш учун ҳам зарурий шароитдир, инсон меҳнат қилмай туриб илгари бора олмайди, у орқага қараб кетишга мажбур бўлади.

Меҳнат гўзаллиги эрк, ижтимоий тенглик, инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган гўзалликдир. Инсон ҳар жиҳатдан озод, эркин бўлмоғи керак. Шундагина у ўз ҳаётини, жамиятни фаровонлик омили сифатида юқори баҳолаб, инсонларни она Ватанни, ўз ҳаётини гўзаллаштиришга чорлайди. Ғофур Ғуломнинг уқтиришича, ҳалол меҳнат ақл, билим, шижоат, виждон самарасидир. Меҳнат, бу ижоддир. Меҳнатни севиб, ғайрат ва матонат билан ишлаш, бу тан саломатлиги, кўнгили роҳати, зеҳннинг ортиши ҳамдир.

Меҳнатнинг эстетик хусусияти — инсон ҳиссиётига, ҳиссиёти орқали онги ва хулқига таъсир этишдир. Меҳнатнинг эстетик хусусиятларини эса, меҳнат жараёни гўзаллиги, меҳнат шароити гўзаллиги, меҳнат натижалари ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган инсон гўзаллиги ташкил этади. Таълимда ана шу масалаларга, яъни меҳнат жараёнининг, шароитининг ва меҳнат натижаларининг эстетик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишига эътибор берилади. Шундагина тарбия ўқувчини турмуш меҳнатига тайёрлайди, унда меҳнатни одат қилиб олиш ва меҳнатни севиш хислатларини ўстиради, унга турмушда ўзига муносиб,

ўзи истаган касбни, меҳнатни аниқлаб олиш имконини беради.

Демак, меҳнат қилиш жараёнида пайдо бўлган гўзал ҳиссиёт меҳнат қилиш, меҳнатга эҳтиёжни ўстиради. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларда эстетик ҳиссиётни тарбиялашда меҳнат уларнинг энг зарур маънавий эҳтиёжига айланишига алоҳида эътибор берилади.

Тажрибага асосланган физика, кимё фанларини ўрганишда ўқувчилар табиат ҳодисалари, қонуниятлари ҳақида кенг даражада тасаввурга эга бўладилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топадилар. Шу асосда уларда табиатни ўрганишга қизиқиш ортади.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ТИЗИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Педагогик жараённинг бир бутунлиги

Педагогик жараён тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг белгиланган мақсадга эришишларига ва аввал белгиланган ҳолатни, тарбияланувчининг сифатини ўзгартиришга йўналтирилган ривожланувчи ўзаро таъсиридир. Бу жараён тарбия, таълим ва ривожланиш жараёнларининг сунъий йиғиндиси эмас, балки янги сифатга эга бўлган таълимдир.

Бир бутунлик, умумийлик ва бирлик — педагогик жараённинг муҳим, асосий хусусияти саналади.

Демак, бир бутунлик ўқув жараённинг қонуний хусусиятидир. Жамиятда мактаб, ўқитиш жараёни бор экан, у объектив равишда доимо мавжуд бўлади. Масалан, реал педагогик тажриба учун, ривожланувчи таълим ва тарбиявий бир бутунлик бўлади. Бу жараён умумий таълим жараёнида бир бутунликда кечадиган фаолиятлардир. Тарбия фақат тарбиялашгагина хизмат қилмасдан балки ривожланувчи ва зарур бўлган вазифани ҳам амалга оширишни таъминлайди.

Таълимни тарбиясиз ва ривожланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу узвийлик таълим жараёнида мақсад, вазифа, шакл ва методлар ўртасида ўзаро алоқани вужудга келтиради.

Масалан, таълим жараёнида шахсни ривожлантириш ва тарбиялашга таъсир этувчи илмий тасаввур,

тушунча, қонун, назария ва тамойилларни шакллантириш назарда тутилади.

Тарбия жараёнида эътиқод, ахлоқий меъёр, қоида, идеал ва қадриятларга эътибор бериш билан бирга, тасаввур, билим ва кўникмалар ҳам шакллантирилади. Демак, бу икки жараёндаги асосий мақсад шахсни тарбиялашдир. Аммо мақсадга эришишда уларнинг ҳар бирига хос бўлган воситалардан фойдаланилади.

Педагогик тажрибада, шунингдек педагогик назарияда ҳам, таълим жараёнининг бир бутунлигида, унинг вазифа ва воситаларини комплекс тарзда ҳаётга татбиқ этилишида, таълим, билиш ва малакаларнинг бир тартибда бирлашувида, жамият ва унинг ўзгариш йўллари ҳақида қилинадиган тасаввур бирлигида ўз ифодасини топади.

Педагогик жараён фанлар тизими ҳисобланади ва қуйидаги асосий қисмларга бўлинади:

- умумий асослар;
- тарбия назарияси;
- дидактика;
- таълим назарияси;
- мактабшунослик (таълим тизимини бошқариш).

Буларнинг ҳар бири бир-бирига боғлиқ бўлган ўз вазифасини бажаради. Тузилиш — бу тизимда қисмларнинг жойлашишидир. Тизим тузилиши маълум мезон бўйича ажралган қисмлар ёки компьютерлар тартиби, шунингдек улар ўртасидаги алоқа.

Педагогик тизимдаги муносабатлар (алоқалар) бошқа динамик тизимдаги муносабатлардан фарқ қилади. Жараённинг натижаси педагог, қўлланилаётган технология ва ўқувчининг ўзаро муносабатига тўғридан-тўғри боғлиқ. Педагог ва тарбияланувчининг ўзаро фаоллиги педагогик жараёнда «педагогик ўзаро муносабат» деган атама билан номланади ва ўз ичига педагогик таъсир, уни фаол қабул қилиш, объект томонидан ўзлаштирилиши, тарбияланувчининг шахсий фаоллиги, яъни ўзига-ўзи таъсир этиши (ўз-ўзини тарбиялаш) кабиларни олади. Педагогик муносабат давомида субъект ва объектлар ўртасида турли алоқалар намоён бўлади.

Педагогик жараёнда бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришнинг ўзаро боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ўзаро тўғри боғланишда бўлиши барча жараённинг муваффақиятли бўлишига боғлиқ.

Бошқаришдаги ўзаро алоқа ахборотли, ташкилий — фаолиятли ва бошқа турдаги алоқаларга ҳам тааллуқлидир.

Инсоннинг ривожланиши икки ўзаро боғланган жараён — таълим ва тарбияни ташкил қилишни талаб этади. Бу икки жараёнда турлича вазифа бажарилади. Чунки, айрим ҳолларда бу икки жараёнда икки вазифани бажаришга тўғри келганда, ҳар иккисига мос метод қўлланади, шакл яратилади. Шунга кўра, амалга ошириладиган икки вазифа бир-биридан фарқ қилади.

Тарбия — нисбатан мустақил жараён бўлиб, бир неча хусусиятларга эга:

Биринчидан, тарбия — аниқ бир мақсадга қаратилган жараён. Ўқитувчи ўз олдига аниқ мақсадни қўйса, тарбия самарали бўлади. Агар бу мақсад тарбияланувчига ҳам маълум, тушунарли бўлса ва у қабул қилишга рози бўлса, самарадорлик яна ҳам юқори бўлади.

Иккинчидан, бу кўп омиллик жараён. Уни амалга ошираётган ўқитувчи кўп объектив, субъектив омилларни ҳисобга олиши ва улардан фойдаланиши керак. Бола шахси кўп омиллик, яъни фақат ижобий эмас, балки таҳрир — тузатиш талаб этадиган салбий таъсирга ҳам дуч келиши мумкин. Демак, кўп омиллик тарбия натижалари бир хил эмас.

Учинчидан, тарбия жараёнида ўқитувчи шахси — унинг педагогик фикри, хусусияти, фазилатлари, қадриятларга муносабати муҳим ўринда туради.

Тўртинчидан, тарбия жараёнига хос хусусият унинг тарбиявий таъсир этиш вақтидан йироқдалигидир. Унинг натижаси таълим жараёни натижаси каби тезда сезилмайди.

Бешинчидан, педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти унинг узлуксизлигидир. Педагогик жараёнда амалга ошириладиган тарбия — бу тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида бўладиган мунтазам ўзаро таъсирдир.


Тарбиявий жараён узлуксиз бўлади.

Таълим бир бутун тизим сифатида ўзида мақсад, ўқув ахбороти, ўқитувчи ва ўқувчининг педагогик мулоқот воситалари, уларнинг фаолият шакллари ва ўқувчининг ўқиш ва бошқа фаолиятига, хулқига раҳбарлик қилиш усуллари мужассамлантиради.

Таълим жараёнини, бир бутун тизим сифатида, қуйидаги тарзда намоён этиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ўқув жараёнининг тузилиш модели



Таълим жараёни тартибга (tizimga) солувчи тushuncha сифатида таълим мақсади, ўқитувчи фаолиятида ва унинг натижасида кўринади. Бу жараённинг ўзгаришини пайдо этувчи бошқариш воситалари юзага келади. Мазкур воситалар ўз ичига ўқув материалнинг мазмунини, ўқитиш усуллари, моддий ўқитиш воситаларини (кўргазмали техник ва ўқув воситаларини), ўқитиш шакллари ташкил қилиш жараёнини ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини қамраб олади. Бу қисмлар ўзаро мустақкам бирликда бўлади ва тарбиянинг умумий мақсадига бўйсунди — хизмат қилади. Бу қисмлар бирлигининг асоси ўқитиш ва ўқишнинг бирлик фаолиятидир.

Дидактикада таълим жараёни фаолият сифатида тushunилади ва шунинг учун унда қуйидагилар кўриб чиқилади:

- бошланғич вазият (ҳолат) таҳлили;
- ишни режалаштириш, мақсад-мазмуни ва мақсадга эришишни таъминлайдиган воситаларини тан-

лаш — ўқув материалидан парча ажратиш ва уни турли йўллар билан қабул қилиш;

— ўқувчиларнинг бажариши, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлиги, ишни биргаликда ташкил этиши;

— материал мазмунини ўзлаштириш ва ўз-ўзини назорат қилиш бўйича қилинадиган ишни кузатиб бориш ва таҳлил қилиш;

— таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил қилиш, таълим натижаларини баҳолаш;

— ўқувчиларнинг тайёрланишини ва мактабдан ташқари ишларини кузатиб бориш.

Таълим жараёнининг назарий жиҳатдан тузилиши ана шу замида бўлади.

Барча педагогик жараёнлар ривожига турли босқичлар бўлиши мумкин. Босқич — бу таркибий қисм эмас, балки жараён ривожининг узлуксизлиги. Тайёргарликни ва хулосани бош босқич дейиш мумкин.

Педагогик жараёнга тайёрланиш босқичида жараённинг зарур тезликда бориши учун тегишли шароит яратилади. Бу босқичда мақсадни асослаш ва илгари суриш, шароит яратиш, лойиҳалаш, режалаштириш вазифалари амалга оширилади.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ҚАТНАШЧИЛАРИ

Бир бутун педагогик жараённинг ривожланиш ва такомиллашиш кучи объектив ва субъектив қарама-қаршилиқдир.

Объектив қарама-қаршилиқ

Боланинг ривожланиш даражаси, билим, билиш ва қўникмаларининг ҳолати ҳамда ҳаётнинг ортиб боруви талаблари ўртасидаги зиддиятлардир. Бу зиддиятлар узлуксиз таълим, ўқитишни тезлаштириш, меҳнат, жисмоний, ахлоқий тарбиялар орқали бартараф этилади.

Жамият ҳаётининг мураккаблашиши, болалар эгаллаши зарур бўлган ахборотлар, билим ва қўникмалар сифати ва ҳажмига бўлган талабнинг доимий ортиб бориши, ўрганиш керак бўлган фанлар, ўқув, меҳнат, жисмоний ва бошқа фаолиятлар сонининг ортиб бориши бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради. Вақтнинг етишмаслиги натижасида муқаррар равишда ақлий, жисмоний ва руҳий зўриқишлар юзага келади.

Педагогик жараённинг ички ҳаракатланувчи кучи, бу — англаш, меҳнат, амалиёт, ижтимоий фойдали меҳнат билан боглиқ талаблар ва уларни амалга оширувчи аниқ имкониятлар ўртасидаги зиддиятлардан иборат.

Бу қарама-қаршилик — умумий мақсадга олиб борувчи йўл (тартиб), илгари сурилган талаб ривожга замин, негиз бўлади.

Демак, ўқитувчи ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасини, унинг ҳар бир аъзосини яхши ўрганиши ва келгуси истиқболларни лойиҳалаш маҳоратига эга бўлиши керак.

Субъектив зиддиятлар

Бу — айрим ижодий жараён билан педагогик жараённинг оммавий ахборот хусусиятига эгаллиги ўртасидаги:

— бола фаоллиги билан ҳаётдаги ижтимоий-педагогик шароитлар ўртасидаги;

— инсоннинг шаклланишида ижтимоий-гуманитар фанлар мавқеининг ошиб бориши билан педагогик жараённинг техник хусусият касб этиши ўртасидаги зиддиятлардир.

Бу зиддиятларни бартараф этиш учун педагогик жараён самарадорлигини тўлиқ таъминлаш, асосий мазмунли қисмларнинг фаолияти сифатини ошириш зарур.

Яъни:

— болалар меҳнатини, тарбияловчи жамоа, турли ижтимоий ташкилотлар фаолиятини ошириш;

— таълим сифатини ошириш;

— ўқитувчи фаолияти педагогик жараённинг асосий қисми бўлишига эришиш;

— ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш ва меҳнат тарбиянинг асоси бўлишига эришиш;

— ўқишдан ташқари (синфдан, мактабдан ташқари) ижодий фаолиятларни юксалтириш орқали эришилади.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ҚОНУНИЯТЛАРИ

Ҳар бир фан ўз соҳасининг қонун ва қонуниятларини кашф этиш ва тадқиқ қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Бу қонуниятларда ҳодисаларнинг моҳия-

ти, муносабат ва боғланишлар акс этади. Бир бутун педагогик жараён қонуниятларини аниқлаш учун, боғланишлар (алоқалар) таҳлил қилиниши керак:

— педагогик жараённинг жамият жараёнлари ва шароитлар билан боғлиқлиги;

— педагогик жараённинг ички алоқалари;

— ўқитиш, таълим, тарбия ва ривожланиш жараёнлари ўртасидаги алоқалар;

— педагогик раҳбарлик билан тарбияланувчилар фаолияти ўртасидаги алоқа;

— тарбиянинг барча субъектлари ўртасидаги тарбиявий таъсир жараёни (тарбиячилар, болалар ташкилотлари, оила ижтимоий ва бошқ);

— педагогик жараённи ташкил этишнинг вазифалари, мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари ўртасидаги алоқалар.

Бу барча фаолият турлари ўртасидаги алоқани таҳлил қилиш натижасида педагогик жараённинг қуйидаги қонуниятлари содир бўлади:

1. Педагогик жараён мақсади, мазмуни ва усуллари ижтимоий жиҳатдан шартлилиги. Бу қонун ижтимоий муносабатлар, ижтимоий тузумнинг тарбия ва таълимий қисмларининг шаклланишига ва таълимга кўрсатадиган аниқ таъсирининг объектив жараёнини ёритиб беради.

2. Таълим, тарбия ва ўқувчилар фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги қонун. Бу қонун педагогик раҳбарият ва ўқувчи шахси фаолиятининг ривожланиши, таълимни ташкил қилиш йўллари ва унинг натижалари ўртасидаги алоқани очиб беради.

3. Педагогик жараённинг бир бутунлиги ва бирлиги қонуни. Бу қонун педагогик жараён қисмлари, педагогик жараёндаги бир бутунлик ўртасидаги муносабатни очиб беради, таълимда мақсадга мувофиқ равишда эмоционал, ахборот берувчи ва изланувчан, мазмун ва асослаш каби қисмлар бўлиши зарурлигини шарт қилиб қўяди.

4. Назария ва амалиёт бирлиги ва ўзаро алоқа қонуни.

5. Педагогик жараённинг динамиклик қонуни. Бу навбатдаги барча ўзгаришлар ҳажмининг аввалги босқичдаги ўзгаришлар ҳажмига боғлиқлиги. Бу — педагогик жараён ривожланувчи сифатида, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсир аста-секинлик билан ривожланиш хусусиятига эга демакдир.

6. Педагогик жараёнда шахснинг ривожланиш қонунияти.

Суръат ва шахс эришган ривожланиш даражаси қуйидагиларга боғлиқ:

- ирсиятга;
- таълимий ва тарбиявий муҳитга;
- қўлланадиган восита ва педагогик таъсир этиш усулларига.

7. Таълим-тарбия жараёнини бошқариш қонуниятлари. Педагогик таъсирнинг самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ:

— ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқанинг тезлик хусусиятига;

— ўқувчиларга кўрсатиладиган таъсирнинг меъёри, хусусиятини тартибга солиш билан кўрсатиладиган таъсирнинг асосли бўлишига.

8. Рағбатлантириш қонунияти. Педагогик жараённинг самарали бўлиши қуйидагиларга боғлиқ:

— педагогик фаолиятнинг ички рағбатлантириш таъсирига;

— ташқи (ижтимоий, ахлоқий, моддий ва бошқалар) рағбатлантиришнинг тезлик хусусиятига ва тезликнинг кечишига.

9. Педагогик жараёнда сезги, мантиқийлик ва тажриба бирлиги қонунияти. Педагогик жараённинг самарали бўлиши қуйидагиларга боғлиқ:

— сезиш ва қабул қилиш тезлиги сифатига;

— қабул қилинган ахборот ҳақида мантиқан фикр юритишига;

— бир фикрга келганни фикрни амалда қўллашга.

10. Ташқи (педагогик) ва ички (билиш) фаолиятнинг бирлиги қонунияти. Ушбу қонунга кўра, педагогик жараён самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ:

— педагогик фаолият сифатига;

— ўқитувчининг шахсий ўқув-тарбия фаолияти сифатига.

11. Педагогик жараённинг шартлилик қонунияти. Педагогик жараённинг бориши ва натижаси қуйидагиларга боғлиқ:

— жамият ва шахс эҳтиёжларига;

— жамият имкониятларига (моддий-техник, иқтисодий ва бошқ.);

— жараённинг бориш ҳолати (ахлоқий-психологик (руҳий), эстетик ва бошқ.).

Таълим жараёни ташқи ва ички қонуниятларга аж-ралади.

Ташқи қонуниятлар ташқи жараён ва шароит қону-ниятларидан (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазият, маданият даражаси, жамиятнинг маълум турдаги шахсга эҳтиёжи ва таълим даражаси) иборат.

Ички қонуниятларга педагогик жараён қисмлари ўртасидаги алоқалар: мақсад, мазмун, усул, шакл ва воситалар ўртасидаги боғланишлар киради.

12. Таълим ва тарбия ўртасида қонуний боғлиқлик мавжуд. Яъни, ўқитувчининг билим бериш фаолияти тарбиявий хусусиятга ҳам эга. Тарбиявий таъсир педаго-гик жараёнда бўладиган бир неча шароитларга боғлиқ.

13. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсир қону-ниятлари. Бу қонуниятларга биноан, таълим жараёни-да иштирок этувчилар ўртасида ўзаро келишилган фа-олият бўлиши керак.

14. Фақат таълим жараёнининг барча қисмлари ўрта-сидаги ўзаро таъсир қўйилган мақсадларга мувофиқ натижаларга эришишни таъминлайди.

IX—XII асрлар давомида Ўрта Осиё жаҳонга Хораз-мий, Фарғоний, Исмоил Бухорий, Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беру-ний, Исмоил Жиржоний, Марғилоний, Замаҳшарий, Маҳмуд Қошғарий каби улкан олимларни тақдим этди. Бу алломалар ўз ижодлари, асарлари билан ўз халқла-рининг, умуман, Ўрта Осиёнинг шуҳратини оламга ёйдилар.

Бу даврда яшаган мутафаккир олим, шоир ва дин-шуносларнинг асарларида таълим, тарбия ва ахлоқ-одобга оид педагогик фикрлар, ижтимоий тараққиёт учун муҳим бўлган инсонпарварлик, билимга эъти-қод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, маънавиятини улуглаш, комил инсон ва етук жамоага эришиш каби масалалар ёритилди.

Ўрта аср Шарқнинг машҳур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчиси Абу Наср Форобий (873—910) «Иде-ал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарларида инсон онги, ақли, сезиш аъзолари туфай-ли оламни ҳар томонлама ўрганиш, ўз ақли ёрдамида

Ўзини ўраб олган мавжудотнинг моҳиятини тушуниш қобилиятига эғалигини айтади. У «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида таълим-тарбия инсон шахсини камол топтиришнинг йўл-йўриқлари, илм-маърифатга эришувнинг усуллари, ижтимоий муаммоларни ечиш масалалари хусусида фикр билдирди.

Форобий, Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқда илғор педагогик таълимотларнинг асосчиларидан бири сифатида, ўз асарларида дидактика, таълим-тарбиянинг психологик асосларини, ахлоқ, эстетиканинг муҳим назарий масалаларини ўз фалсафасининг ажралмас қисми тарзида таҳлил этади. Инсон билимининг ривожидан илм-фанни ҳал этувчи омил деб билади, ташқи оламни ўрганиш, табиат сирларини билишда табиий билимларнинг моҳиятини алоҳида қайд қилади.

Форобийнинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш икки усул ёрдамида олиб борилиши мумкин. Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий хислатларни билимли бўлишга, тўғрилиқни, ҳақиқатни севишга, жасур дўстларга салоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интилиши керак.

Демак, Форобий педагогик масалаларни ва узвийликда бўлган психологик, физиологик муаммоларни фалсафанинг муҳим қисми сифатида талқин этади.

Форобий ўз асарларида билишнинг икки босқичи — ҳиссий билиш ва ақлий билиш ҳақида фикр билдириб, ҳиссий билишнинг даражалари, келиб чиқиши, ривожланиши ҳақида фикр билдиради, билимларнинг келиб чиқиши ҳақида шундай дейди:

«Инсон билимларни ақл ва сезиш аъзолари орқали қўлга киритади... Сезилувчи образлар ҳис этиш орқали, ақлий образлар эса сезилувчи образлар орқали билинади»¹.

Форобийнинг таълимотича, инсоннинг беш сезги аъзоси беш турли вазифани бажаришга мувофиқлашган бўлиб, улар ташқи муҳитдан олинган хабарларни бир ягона марказга олиб келади ва бу биринчи марказда барча хабарлар — образлар умумлашади. Одам аъзоларининг маркази бўлган юрак тана ва унинг аъзоларини қон билан таъминлайди, қон юрак орқали бутун аъзоларга тарқалади. Иккинчи марказ — мия қон

¹ Мажмуар Расоил ал-Ҳукамо. 255-б.

билан тирик бўлганлиги сабабли, юракка бўйсунди, лекин шу билан бирга, у бутун аъзоларга раҳбарлик қилади, ўз буйруғига бўйсундиради, уларни маълум муътадилликда ушлаб туради.

Форобийнинг фикрича, биринчидан, инсондаги руҳий жараёнлар билан физиологик-анатомик жараёнлар руҳий аъзо билан боғлиқ, иккинчидан, юрак инсоннинг биологик ҳаётини, мия эса, руҳий-маънавий ҳаётини бошқариб туради.

Форобий ўз асарларида сезгилар ва ақлий билиш, фикрлаш каби жараёнларга жуда катта эътибор беради ва улар ҳақида бошқа руҳий жараёнлар, масалан, хотира, тасаввур, диққат, ҳис-туйғу, ирода, қобилият, малака каби шахсий хислатларни билиш жараёни билан боғлиқ ҳолда сўз юритади.

Инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи тафаккур ва нутқнинг ривожланиши таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи муҳим жараёндир.

Форобийнинг фикрича, инсонни тарбиялаш ва унга таълим бериш узвий бирликда олиб қаралади, аммо улар ўз хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

«Бахт-саодатга эришув ҳақида» номли рисоласида билимларни ўрганиш тартиби бирма-бир санаб ўтилади: билиш зарур бўлган илм, бу — олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўрганиш, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги илмларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг, умуман, жонли табиат — ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади.

Форобий инсон фаолиятини баҳолаш учун қўлланиладиган ахлоқий мезонлар — яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги тафовутлар ҳақида фикр юритар экан, уларни инсоннинг руҳий ҳолати ва тарбия натижасида вужудга келадиган маълум маънавий хислатлари билан боғлиқлигини айтади. Форобий «Бахт — саодатга эришув ҳақида» номли рисоласида таълим-тарбиянинг вазифа ва методларига оид фикрлар баён этар экан, таълим фақат сўз ва ўрганиш билангина бўлишини, тарбия эса, амалий иш, тажриба билан амалга оширилишини айтади.

Демак, Форобий таълим бериш ва тарбия беришни бир-биридан фарқ қилади. Таълим сўз билан, бир нарса-ни уқтириш, ўргатиш билан амалга оширилади, ёшлар назарий билимларни шу таълим ёрдамида эгаллайдилар.

Тарбия эса, амалий фаолиятда намоён бўлади. У маълум иш-ҳаракат, касб-хунар, одоб орқали сингдирилади.

Таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат — одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашув даражасига қараб юзага келади.

Форобийнинг таъбирича, тарбия беришда, ёшларни назарий билимларга, фалсафий илмларга ўргатиш, улар ақлини барча фанларнинг асослари билан бойитиш керак. Тарбиялашда эса, ёшларга маънавий-ахлоқий қоидалар, хулқ — одоб меъёрлари, амалий санъат, яъни турли хунар ўргатилади, улар онгига фаолият тартибларини сингдириш асосий мақсад қилиб қўйилади. Таълим ҳам, тарбия ҳам ёшларнинг ҳақиқий инсон бўлиб етишуви учун ниҳоятда зарурдир.

Форобий таълим-тарбия беришнинг методлари устида тўхтаб, шундай ёзади: «Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб-хунар) ва уларни бажаришга одатлантириш масаласига келганда, бу одат икки турли йўл билан ҳосил қилинади: биринчи йўл — қанотбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлатувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади. Одамдаги ғайрат, касб-интилиш ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи йўл (усул) — мажбур этиш йўлидир. Аммо улардан қайси бирики, назарий билимларни ўрганишга астойдил киришса ҳамда фазилати яхши бўлиб, касб-хунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиши бўлса, бундай ёшларни мажбур этмаслик керак, мақсад уларни фазилат эгаси қилиш ва касб-хунар аҳилларига айлантиришдир»¹.

Форобий ўз асарларида тарбиянинг барча турлари, инсон етуклигининг барча томон ва белгилари тўғрисида, яъни жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия тўғрисида ҳам фикр юритади.

Масалан, Форобий билимдон, маърифатли, етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди:

«Ҳар кимки илм-ҳикматини ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотиқ бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-

¹ Ўша китоб, 198-бет.

дунёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар тўғри-сида билимга эга бўлсин»¹.

Бу фикрлардан Форобийнинг таълим-тарбияда, ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда, ақлий тарбиялашда ақли тарбияга алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безалмоғи лозим, акс ҳолда, қутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди. Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан яқунланади.

Форобийнинг ижодида таълим-тарбиянинг умумий методологик масалалари, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабати, ўқувчига ижтимоий муҳит орқали таъсир кўрсатиш йўллари, ўқувчининг хислатлари каби масалалар билан бирга, методик масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Абу Али ибн Сино (910—1037) таълим-тарбия, мантиқ, ақл-тафаккур, аниқ фанларнинг бола тарбиясида тутган ўрни, уларни ўқитиш усуллари ҳақидаги таълимотларини «Тиб илмлари қонуни», «Нажот китоби», «Инсоф китоби», «Донишманд» асарларида ҳам баён этган.

«Тиб қонунлари» асарида инсон танасини бошқариб турувчи табиий қонуниятларни, инсон танаси билан муҳит, табиатнинг узвий бирлиги, рухий жараёнларнинг танага таъсири, асаб ва танадаги касалликларнинг пайдо бўлиши ва уларни тузатиш йўлларини баён этди.

Ибн Сино ўз асарида инсон тарбияси, унинг турли шакллари, вазифалари ва мақсадларини ёритишга ҳам эътибор берди. Инсон ёш жиҳатдан ўсиб бориши билан таълим-тарбия вазифаси ҳам ўзгариб боришини таъкидлади.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида ёш болаларни туғилганидан бошлаб оёққа тургунча маълум тартибда тарбиялаб бориш лозимлигини айтади. Мактабда болаларни қандай ўқитиш ва нималарга ўқитиш ҳақида, унинг усуллари устида ҳам муҳим фикрларни олға суради. У болаларни битта-битта, алоҳида ўқитишдан кўра жамоа тартибда ўқитишни афзал деб билади ва унинг

¹ Ўша китоб, 198-бет.

устунлиги ҳақида ёзади: «Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўз билимлари билан гурурланадилар, бир-бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Фурур ва ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди.

Ўқувчилар бирга бўлганда, доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар»¹.

Ибн Синонинг уқтиришича, жамоа тартибида ўқитишнинг яна бир ижтимоий фойдаси шундаки: ўқувчилар бир-бирлари билан дўст бўладилар, бир-бирларини ҳурмат қила бошлайдилар, ўзаро фикр алмашадилар, мусобақалашадилар, вазифа ва ҳуқуқлари ҳақида мулоҳаза юритадилар. Булар ҳаммаси намунали хулқ ва ахлоқ қоидаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Айрим бола тилни ўрганади, айримлари шоир бўлиб етишади ёки нотиклик санъатини эгаллайди. Илмларнинг турли соҳаларидан кимдир тилни ўрганиш, кимдир бошқа илмни ўрганишга киришганидан сўнг, баъзиларининг тиббий фанни, баъзиларининг геометрия илмини танлагани маълум бўлади.

Демак, ўқитувчи болаларга таълим беришга киришишдан аввал, ўқувчининг хулқ-атворини ўрганиш ва билимларини текшириб кўриши керак бўлади. Аввало, у ўқувчининг нимага эътибор беришини текшириб кўриши, сўнгра унга ҳунар ёки илм турини тавсия этиш керак.

Ибн Синонинг ўз кузатишларида ўқувчининг шахсий хислатларига, руҳиятига эътибор беради. У ўқувчининг ақлий хусусиятлари, руҳиятига, меҳнатсеварлиги, билими, иродасига асосланган ҳолда таълим-тарбия ишини олиб бориш кераклигини айтади.

Аллома «Тиб илмлари қонуни» асарига бола катта бўлган чоғида жисмоний тарбияга аҳамият бериш зарурлигини айтади. Унинг уқтиришича, одамнинг йигитлик, етуклик ёшида ҳамда улғайган ёшида соғлиқ-саломатлигини сақлаш учун зарур бўлган жисмоний машғулот билан шуғулланиши керак.

Жисмоний машғулот инсон руҳини ҳам тетиклаштиради. Аммо жисмоний машғулотлар ортиқча бўлмаслиги керак. Акс ҳолда баданнинг тезда чарчаб қоли-

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб илми қонуни. Т., 1985 й., 112-бет.

шига олиб келади. Жисмоний машғулотларни бутунлай ташлаб юбориш эса, баданнинг қариб, тезда ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Ибн Сино ўз асарида ақл ва ақлий тарбиянинг табиий ва психологик асосларини аниқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳаёт, ҳаётий қувват уч шаклда: ўсимлик, ҳайвонот ва инсон шаклида намоён бўлади. Инсонда ҳар уч ҳаётий қувват ва инсонгагина хос бўлган ақлий қувват мавжуддир. Инсонда ташқи муҳит таъсирига ақлий жараёнларнинг ўзи ҳам турли руҳий, ҳиссий туйғуларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, инсон ёшлик чоғларини эслар экан, унда хурсандлик кайфияти қўзғалади.

Олимнинг таъкидлашича, мангик, яъни тўғри фикр юритиш ақлдан тўғри фойдаланиш, хатолардан сақланиш қоидасини ўргатади, маълум билимлардан номаълум билимларга ўтиш йўлини кўрсатади.

Ибн Сино боланинг илм-фан ёки ҳунар эгаллашга интилиши, ўқитувчининг унга билим, ҳунар ўргатиши зарурлигини уқтиради.

Илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий ҳаракатларидандир. Чунки илм одамни маънавий юксакликка кўтаради, жамият равнақининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Мирзо Улуғбек (1394—1449) ўзининг педагогик фаолиятида талабаларнинг эркин ва ҳар томонлама камол топишига эътибор берди. У ўқитувчилардан ҳам машғулотларни юқори савияда ўтказишни, талабаларнинг ҳар бир дарсда бирор янгиликни билиб олишларига аҳамият беришни талаб этди.

Олимнинг фикрича, ёшлар олган билимларининг аҳамиятини, бу билимлардан мақсад нима эканини аниқ англаб, билимларини такомиллаштириб боришлари, уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари билишлари, жамият ва халқ фаровонлиги йўлида зарур ҳунарларни эгаллаб олишлари керак. Шу боис Улуғбек билимларни нафақат китоблардан, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишни тавсия этди.

Улуғбек мактаб ва мадрасаларда берилган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида мудarrisлар — ўқитувчилардан ўқувчилар билан расадхонада амалий машғулотлар ўтказишни талаб этди, бунга ўзи раҳбарлик қилди. У ўқувчининг эркин ва ҳар то-

монлама ривожланишига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб, ўқитувчиларни етукликка, фаол, билимдон ва чуқур савияли инсонларни шакллантиришга даъват этди.

Улуғбекнинг фикрича, ўқувчи ҳаётида дарслик муҳим ўринда туради. Шунга кўра, у ҳар бир фан бўйича яратиладиган дарсликда воқеа, ҳодиса ёритилишидан қатъий назар, унда ҳаётий ҳақиқат, асосий фикр, мақсад ўз ифодасини топиши кераклигини таъкидлади. У дарслик содда, тили равон, мантиқий изчилликда, ўқимишли бўлишини талаб этади. Аммо дарслик қанчалик яхши бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туриши, ўз педагогик маҳорати, яхши инсоний фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши керак. Ўқувчилар билимнинг аҳамиятини, билим эгаллашдан мақсад нима эканлигини, ўрганган билимларини ҳаётга татбиқ этиш йўллари билишлари, халқ ва жамият фаровонлиги учун зарур ҳунарларни эгаллашлари лозим.

Жалолиддин ад-Давоний (1427—1502) «Ахлоқи Жалолий» асарида бола тарбияси ҳақида фикр билдиради. Унинг фикрича, бола дастлабки вақтда шакли бир хил нарсаларни бир-биридан ажрата олмайди. Лекин у улғайган сари мураккаб нарсаларнинг фарқига боради. Секин-аста ўсиб, умумий тушунчаларни идрок қилади. Ёшликда боланинг зеҳни ўткир бўлиб, нарса ва ҳодисаларни тез қабул қилиш қобилиятига эга бўлади. Бола қалби тоза тахтага ўхшайди, унга ҳар қандай тасвири осонликча чизиш мумкин.

Давоний илм-фан болаларни тарбиялашда, уларни гўзал хулқли қилиб ўстиришда, софдил, меҳр-шафқатли, инсонпарвар, камтар бўлиб етишувига ёрдам беришини айтади. Унинг фикрича, билим одамларга тўғри йўл кўрсатади.

Донолик инсоннинг ақлий билими билан чамбарчас боғлиқ. Донолик умумий ахлоқий тушунча бўлиб, унга:

- зукколик;
- фаҳм тезлиги;
- зеҳн ўткирлиги;
- тез идрок қилиш қобилияти;
- хотира кабилар киради.

Ушбу ақлий малакалар инсондан муҳим масалаларга эътибор беришни, масалан:

- масаланинг моҳиятини чуқур англаб олишни;
- илғор ўзлаштирилган билим билан воқеа ва ҳодисаларни хотирада сақлаб қолишни талаб қилади. Ақлий камолот ёшлиқдан бошланади ва илм-фан сирларини эгаллашда намоён бўлади.

Давоний шижоатни ёшлар эгаллаши зарур бўлган хислатлардан бири деб ҳисоблайди ва унинг таркибига қуйидагиларни киритади:

- камтарликни;
- меҳр-шафқатлилиқни;
- вазминликни;
- чидамлилиқни;
- хушфёъллилиқни;
- руҳан тегикликни.

Давоний бу ахлоқий қоидаларни шижоатлилиқнинг муҳим хусусияти деб билади. Лекин, унинг таъкидлашича, шижоаткорликда меъёрга, муътадилликка амал қилиш ва унинг инсон ақлий фаолияти билан боғлиқлигига эътибор бериш керак. Зеро, «Шижоат ақл фармойиши билан амалга ошганда ва мақсади ижобий шижоатни қўлга киритиш бўлгандагина ҳақиқий бўлади». Инсон фақат ақл ҳукми билан ва зарурат туфайли шижоаткорлик кўрсатиши мумкин.

2. ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛАРИ

ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Принцип — раҳбар ғоя, асосий қоида, фаолиятга, хулққа нисбатан қўйилган асосий талаб.

Таълим принципи — таълим жараёнига нисбатан асосий талаб. Таълим принципи — таълим жараёнига қўйиладиган асосий дидактик талаб.

Таълим принципи асосида таълим жараёнига қўйиладиган дидактик талаб тизими аниқланади.

Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарида айтилишича, таълим ўқитувчининг ўқувчиларга берадиган билими ва уни ўзлаштириш жараёни бирлигидир.

Коменский таълимдаги фаолият шаклининг ўқувчи фаолияти шаклидан фарқ қилишини айтиб, таълим жараёнида ўқитувчи қўлайдиган ҳар бир метод ўқувчиларнинг билимни ўзлаштиришига ёрдам берадиган бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Олимнинг фикрича, таълим ва билим давомли, бирликда бўлиши керак. «Билим ва меҳнат», «Идрок ва қўл» мақсадга мос таълимни юзага келтиради. Таълим — меҳнат турларидан бири. Шу маънода мактаб меҳнат соҳаси бўлиши керак.

Коменскийнинг бу соҳадаги буюк хизмати шундаки, у дидактиканинг ривожланиш йўлини белгилаб берди. У таълим ва маърифатни яратувчи таянч, халқ фаровонлигининг замини сифатида баҳолади. Ўқувчиларга билим бериш жараёни бўлиши билан, таълимнинг ўзи таълим мазмуни бўлади. Демак, ўқитиш таълим бериш жараёни ва, айти пайтда, таълимнинг ўзи ўқитиш мазмунидир. Бу таълимда Коменскийнинг ўқитиш мазмунига алоҳида аҳамият берганлиги, ўқитишнинг мазмуни бўлиши етакчилик хусусиятига эга бўлиши кераклиги яққол кўринади.

Коменский таълим боланинг осонлик билан ўзлаштирадиган бўлишига ҳам алоҳида эътибор беради ва бунга тўртта талаб асосида эришиш мумкинлигини айтади. У қўйган талаблар қуйидагилардан иборат:

- муваффақиятлилик;
- енгиллик;
- осонлик;
- қисқа йўллик.

Коменскийнинг таъкидлашича, ўқитиш қуйидаги ҳолатларда муваффақиятли бўлади;

- болаларни ўз вақтида ўқитиш;
- сўздан олдин уларни нарсага ўргатиш;
- мактабда давомли ўқитиш;
- вақтнинг ҳар бир дақиқасини фақат бир фанни ўрганишга йўналтириш;
- нарсани англаши учун, болада, аввало идрок, кейин хотира ҳосил қилиш;
- оддийдан мураккабга ўтиш;
- машғулот ва тартибни белгилаш;
- мазкур синф учун белгиланган китоб бўйича ўқитиш.

Коменскийнинг фикрича, таълим ва билимнинг енгиллигига қуйидаги ҳолатда эришилади:

- таълим олдин бошланса;
- бунинг учун, болада идрок, зеҳн тайёрланган бўлса;

- енгилдан оғирга ўтилса;
- умумийдан хусусийга ўтилса;
- ҳеч ким фанлар билан ҳаддан зиёд банд қилиб қўйилмаса;

- ўқувчилар ўқув фанлари маъносини пухта англаб олишлари мажбурий ёдлаш бўлмаса;

- барча билим ҳаётга тадбиқ этилиши ўргатилса;

- барчаси бир метод бўйича ўқитилса.

Таълим ва билимнинг асослиги:

- фойдали нарса билан шуғулланилса;

- барчаси мустақкам асосга қўйилса;

- навбатдагига шу асосга суянилса;

- барча ўзаро алоқада бўлиб, доимий машқ билан таълим мустақкамланса.

Таълимда тезликка эришилади, агарда:

- бир мактаб ёки бир синфни бир ўқитувчи бошқарса;

- бир ўқув фани бир муаллиф китоби орқали ўрганилса;

- бутун синфга бир турдаги иш топширилса;

- барча фан унга хос метод асосида ўқитилса.

Коменский ишлаб чиққан бу талаб ва ҳолатлар, у яратган дидактик таълимотнинг асосидир. Олимпнинг бу соҳадаги буюк хизмати шундаки, у ўқитиш жараёнини дидактик жиҳатдан кўрсатиб берди ва ўқитишни борлиқни акс эттирувчи ўзига хос жараён деб ҳисоблади, бу жараён ва қонуниятни билимни англаш қонуниятлари негизи, замини эканлигини айтди.

Коменский дидактик фикр тарихида биринчи бор ўқитиш босқичлари ҳақида фикр билдириш билан бирга, бу босқичларни ташкил қилишни ҳам кўрсатди, назариясини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, ўқитишда учта босқич — бошланиш, давом этиш ва охириги босқич бор. Бу босқичлар бир-бири билан изчилликда боғланиши шарт.

Коменский ўқитишнинг бошланиши — уни ҳиссий қабул қилиш, ҳиссий ўқитиш, олдин нарса ва у билан бир йўналишдаги сўздир. Бу ҳолат ўқитишнинг бебаҳо қондасидир. Сизирлик — ҳиссий қабул қилиш ҳам ўқитишнинг биринчи босқичидир.

Коменскийнинг таъкидлашича, билим давомли машқда ва амалда мустақкам ўрин олса, истаган

вақтда ўқувчилар уни эслай олса ва баён этса, ундан фойдалана олса, у тўлиқ ва ҳақиқий билим ҳисобланади.

Бу учинчи босқични Коменский машқ босқичи деб атади ва унга жиддий эътибор берди, қуйидаги воситалар ёрдамида бу машғулотнинг самарали бўлишини айтди:

— ўқув фанларини доимий суратда тушуниш ва сўзнинг узвийлиги воситасида;

— билиш, тушуниш, тадбиқ воситасида;

— мисол, қоида, машқлар воситасида.

Коменский ўз дидактик таълимотида таълимнинг амалиёт билан алоқада бўлишини чуқур асослаш билан бирга, ўқитиш жараёнининг тузилиши ва босқичларини ҳам белгилади. Улар:

— сезиш орқали қабул қилиш;

— тушунтириш;

— машқдан иборат.

Ўқитишнинг биринчи босқичида — ташқи сезиш (кўриш, эшитиш, сезиш, дилбарлик) хизмат қилади;

Иккинчи босқичида — ақл, идрок-нарсани пухта эгаллаш; учинчи босқичда хотира, яъни барча яхши нарсани ўзлаштириш, тип — тушунчаларни айтиб бериш, қўл — керакли нарсани кўрсатиш.

Олимнинг таъкидлашича, педагогик, жумладан дидактик таълимотни учта принцип ташкил этади:

— ўқитишнинг тарбияловчилик хусусиятига эгаллиги;

— ўқитишнинг ҳаёт, борлиқ билан алоқадалиги;

— ўқитишнинг ўқувчилар ёшига мувофиқ бўлиши.

Тарбиялаш хусусиятига эга бўлган ўқитиш жараёнида инсоннинг ақлий сифати шаклланади. Коменскийнинг фикрича, «Ҳеч ким тарбиясиз ёки кунт билан ўқимасдан ўқимишли бўла олмайди».

Коменскийнинг тарбиялаш хусусиятига эга бўлган ўқитиш ғояси ҳалқчиллик ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган, унда фақат бадавлат эмас, балки учинчи табақалар талаби ҳам ифодаланган. Унинг бу ғояси ҳозирги давр дидактикасида ҳам асосий ўринда туради.

Зеро, Коменскийнинг бу ғояси ўқитишнинг ҳаёт билан боғлиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги талаби билан мустаҳкам боғланган.

Коменский бу талаб бўйича ўз даври учун қуйидаги илғор тавсияларни ишлаб чиқди:

1. Келгусидаги катта одам ҳам, иш билан эмас, фақат сўз билан гаплашади.

2. Илғор ва табиат талабини эгаллаган мактаб назарияни, амалиётни, барча яхши ва фойдали нарсаларни қўллашни ўқитиши керак.

3. Ёшларга бирор хабарни етказиш керак бўлса, бу хабар ҳаётий ва ҳозирги ҳаётга халақит бермайдиган, фақат фойда келтирадиган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, ҳаётни асраб, нима биландир уни бойитиш керак. Ёшлар билан жиддий шуғулланиш мактабнинг асосий вазифасидир.

Ҳозирги, шунингдек келгуси ҳаёт учун асосли фойда келтирадиган нарсани ўқитиш, ўқувчиларда, аввало, ўқув фанига муҳаббат уйғотиш, уларга фан моҳиятини тушунтириш, сўнг машғулотни бошлаш керак.

Мактабда ўрганиладиган нарсага онгли муносабатда бўлишлари учун, ўқувчилар билиши, унга томон йўналтирилиши лозим.

Барча иш назария, тажриба ва тадбиқ воситасида амалга оширилиши керак, яъни ҳар бир ўқувчи ўз сезги аъзолари воситасида ишни ўзи мустақил ўргансин, талаффуз қилсин ва ҳаётга тадбиқ этсин.

Коменский ўқитишни ҳаёт билан боғлаш бўйича талаблар қўйиб, болаларга ўйин учун ёғочдан стол-стул, куракча беришни, улардан фойдаланиш йўлларини ўргатишни тавсия қилди. У болаларга одамлар билан мулоқотда бўлишни, уларга меҳнатни севиш туйғусини тарбиялашни талаб қилди.

Коменский ўқитишни меҳнат билан боғлашни, инсоний донишмандлик кундалик оддий иш билан чегараланмаслигини таъкидлади.

Коменскийнинг таъкидлашича, ҳар бир болага алоҳида (индивидуал) ёндошиш керак. Шундагина ҳар бир бола ўқишдаги қийинчиликни енгиши мумкин. Қобилиятли бола фақат битта ўқув фани билан шуғулланиб қолмасин. У барча ўқув фанларни тушуниб олиши керак. Бунинг учун, унга ҳам, якка тарзда ёндашиш лозим.

Жан-Жак Руссо (1712—1778) таъкидлашича, тарбияни табиатга боғлиқ ҳолда амалга ошириш — боланинг табиий ривожланиб боришига риоя қилиш де-

мақдир. Руссонинг фикрича, бола табиат ҳақидаги фанлар — география, астрономия, физика, табиатшунослик фанларини ўрганиши лозим. Тарбиянинг мақсади болада фанларга қизиқиш уйғотишдан, унга билимларни эгаллаш усуллариини ўргатишдан иборат бўлиши керак. Бунинг учун боланинг мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантириш асосида таълим мазмуни ва ўқитиш усуллариини тубдан ўзгартириш лозим. Бола ўзи яшаётган жой, қишлоқ ва шаҳар билан танишиб, географияга оид билимларни эгаллайди, юлдузлар ҳаракати, қуёшнинг чиқиши ва ботишини кузатиб астрономияни ўрганади, тажрибалар ўтказиб физикани билли олади. Тарбияланувчи илмий тадқиқотларни кашф этадиган, билимларни тарбиячи орқали эмас, балки ўз кучи билан эгаллаши, фанларни қуруқ ёд олмасдан, уларни ўзи ихтиро қилиши керак.

Руссо меҳнатни боланинг ақлий ривожланиши учун амалий восита деб билди. Болани яхши фазилатли, иродали қилиб тарбиялашни талаб этади, ижобий ҳис-туйғуларни ривожлантиришни биринчи ўринга қўяди. Руссонинг фикрича, бу ҳис — туйғуни ривожлантириш болада катталарга инсоний муносабатда бўлиш туйғусини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Йоганн Генрих Песталоцци (1746—1827) тарбиянинг мақсади болаларда «ҳақиқий инсонийликни» намоеън эттиришдан иборатлигини айтади. Бунинг учун ҳар бир болада унинг табиий кучи ва қобилиятларини изчил ривожлантириб бориш керак. Песталоццининг таъкидлашича, тарбия уйғун тарзда, яъни боланинг табиати, руҳиятига уйғун ҳолда амалга оширилиши керак. Кўз, — дейди Песталоцци, — кўришни, қулоқ эшитишни, оёқ юришни, қўл ушлашни истаиди. Шунингдек, қалб ҳам ишонишни ва севишни истаиди. Ақл — фикрлашни истаиди. Тарбиячининг вазифаси — тўғри ташкил этилган машқлар тизими билан уларнинг истагини ривожлантиришдан иборатдир.

Песталоцци таълим аниқ ҳаётий кузатишларга асосланишини тавсия қилади, кўргазмалиликни таълимнинг олий шарти ҳисоблайди. Таълимда болаларда аниқ тушунчалар ҳосил қилиш керак. Тарбиячи болаларда кузатувчанлик қобилиятини ўстириб, уларни ҳаёт ҳодисаларини, таълим жараёнини кузатишга ўргатиш лозим. Песталоцци бошланғич таълимни осондан мурак-

кабга, яъни индуктив усул асосида ташкил этишни тавсия этиб, бунда узлуксизликка эътибор берди. У ана шу дидактик қоидага асосланиб, таълимда биринчи бор болаларни она тили, санаш ва ўлчашига ўргатиш усулини ишлаб чиқди.

Песталоцци болага она тилини ўргатишда, аввал, унинг оғзаки нутқини ўстириш, сўнгра ўқишни ўргатишни тавсия қилди. Унинг таъкидлашича, нутқни ўстириш товушларин машқ қилишдан бошланади: кичик ёшдаги бола онаси нутқига тақлид қилиб, аввал унли товушларни, сўнгра ҳарфларни ўрганадилар ва тева-рак-атрофдаги нарсаларнинг номини, шунингдек табиатшунослик, география ва тарих соҳасига оид бўлган ҳодисалар (расмлар орқали) ифодаланган бўгин ва сўзларни ўқишни бошлайди. Ҳар бир нарсанинг номини, сифатини белгилловчи сифатларни қўшиш ва аксинча, муайян сифатларга эга бўлган отларни топиш машқлари болалар нутқини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Песталоцци ўз фаолиятида таълим жараёнида болалар қобилиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳаётда фаолият кўрсатишига алоҳида эътибор берди. У билдирган дидактик фикрлар ҳозирда ҳам тарбияда қўлланади.

К. Д. Ушинский (1824—1870) ўзининг «Инсон тарбия предмети сифатида» номли асарига ифодаланган дидактик қарашларида диққат, ирода, хотира, ҳиссиёт ва психологик қонуниятларни таълимга татбиқ этиш йўллари тўғрисида кўрсатмалар берган. Унинг фикрича, «Диққат ягона эшик бўлиб, инсон онгида акс этадиган ҳамма нарса, албатта, шу «эшик» орқали ўтиб киради. Ўқитувчи болаларни ўз диққатини идора эта билишга одатлантириши керак. Шундагина болалар илгари идрок қилган нарса ва ҳодисаларни эсда сақлаб қоладилар. Болаларга билимни эсда қолдириш кераклигини ўқитиришдан аввал, улар онгида билимни эсда сақлаш зарурлиги ҳақида тушунча, мақсад ҳосил қилиш керак».

Ушинский таълимда такрорлаш бўлиши кераклигини таъкидлайди. Унинг ўқитиришича: «Такрорлаш — одатларни мустаҳкамлаш учун, ҳар бир нарсанинг хотирада мустаҳкам сақланиб қолиши учун ҳам умумий қонундир».

Олим таълимни ирода билан боғланган, ихтиёрий жараён деб таърифлаб, бу жараённинг асоси мақсадга интилиш эканини айтади. Ушинский ўз дидактик таълимотида таълим жараёни кўргазмалилик асосида бўлишига ҳам алоҳида эътибор берди. Ўқитиш қуруқ сўзлар асосида қурилмай, бола бевосита идрок этадиган аниқ образлар асосига қурилиши кераклигини таъкидлайди.

Ушинскийнинг фикрича, кўргазмалилик тушунчаси расмлар, моделлар, жадвалларни, шунингдек болалар турмуш тажрибаси ва бадий асарларда яратилган образлар акс эттирилган суратларни намойиш этишдан иборатдир. Ушинский кўргазма воситалардан фойдаланганда, уларда ифодаланган мазмун ҳақида суҳбатлар ўтказилиши кераклигини ҳам тавсия этади.

Унинг фикрича, бадий образлар акс эттирилган суратлардан дарсда кўргазмали қурол сифатида фойдаланиш болаларнинг уларни узоқ вақт эсда сақлаб юришларига ёрдам беради.

Ушинский бошлангич таълим учун қуйидаги ўқув режани тавсия қилади. Режа таркиби кўргазмали ўқитиш, ёзув, расм, ўқиш, санок, ҳикоя қилиш, ашула, гимнастика машғулотларидан иборат. Бошлангич таълим жараёнида она тили алоҳида аҳамиятга эга бўлади, она тилини ўқитиш Ватан тарихи, географияси ва табиат ҳақида қисқача маълумот берилади, маълумотлар она тили дарсида изоҳли ўқиш билан баён қилинади.

Аҳмад Донишнинг (1827—1897) таъкидлашича, бола билимларни бевосита кузатиш йўли билан:

— онгли равишда эгаллаши, ўз фикри ва билимининг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши керак;

— ўрганиладиган ҳодисанинг моҳиятини билиб олиб, энг асосий масалага эътибор бериши лозим;

— ҳар бир одам билимни шундай эгаллаши керакки, ҳар қандай қаршилиқ ва эътирозлар унинг ўз билимига бўлган ишончини йўққа чиқара олмасин;

— фикри ҳақиқатан тўғри бўлса, одамларнинг келиши олмаслигидан хафа бўлмасин.

Маълумки, ҳар бир одам у ёки бу ҳодисани ва бир хил маънодаги фикрни турлича тушунади ва талқин қилади. Бу, албатта, одамларнинг турмуш тажрибаси

қанчалик бой, ҳодиса ва билимга қизиқиши қанчалик кучли бўлса, билимни шунчалик чуқур ўзлаштиради, ҳодисани тўлиқ ва тўғри қабул қилади.

Абдурауф Фитратнинг (1886—1938) дидактик таълимотида комил инсон масаласи алоҳида ўринда туради. У инсоннинг комил ақл эгаси бўлишида муҳокама муҳим ўрин эгаллашини таъкидлаб, уни икки қисмга бўлади:

Биринчиси, маълум бўлган ҳукм, воқеа ва ҳодисалар.

Иккинчиси, номаълум воқеа ва ҳодисалардан хулоса чиқариш.

Масалан, «Ватан хизмати вожибдир». Бу ҳукм номаълум. Бу ҳукмга яна бошқа икки маълум ҳукм лозимдир, яъни «Ватан бизнинг валинеъматимиз» (саховатмандимиз, неъматлар билан таъминловчимиз)дир. Ҳар бир валинеъмат (олий ҳиммат инсон)нинг Ватан учун хизмати вожибдир. Бас, «Ватан хизмати вожибдир» — деган ҳукм юқоридаги икки маълум вазиятлар билан очилади.

Фитрат муҳокаманинг аниқ ва равшан бўлиши учун уч нарса зарур деб ҳисоблайди:

1. Исбот (ҳукмнинг тўғрилиги, бехатолиги);
2. Истиқомат (ҳукмнинг барқарорлиги);
3. Суръат (ҳукмга тўхтовсиз, тезлик билан тартиб берилиши).

Фитрат Ватаннинг равнақ топиши учун дунёвий илмларни эгаллашга даъват этади, бу йўлда ўзи фидойилик намунаси бўлади.

Абдулла Авлони (1879—1934) ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ақл, илм, фикр, дарс, ахлоқ ҳақидаги дидактик қарашларини ҳам баён этди.

Авлонийнинг таъкидлашича, «Инсонни» камолга етказишда бош омил бўлган ақл илм ва тажриба тўфайли ривожланади. Илм олиш риёзат чекишни, саъй-ҳайратни талаб этади. Ҳар бир киши бирор илм, ҳунарни эгаллар экан, уни ҳаётда қўллай билиши даркор, ана шундагина илм, ҳунарнинг жамиятга фойдаси тегади. Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдирлаб қилинган муаллимларнинг диққатларига суянган муқаддас бир вазифадир.

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса

ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, ахлоқ — бу хулқлар мажмуи. Хулқ эса, кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Виждон — бу руҳимиз, фикримизга таъсир қиладиган ҳиссиёт, яъни сезувдан иборат маънавий қувватдир. Биз ҳар вақт феъл ва ҳаракатимизнинг яхши ва ёмонлигини виждонимиз воситасида биламиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрининг ҳақиқий мезонидир.

Виждон яхши хулқларнинг манбаи бўлгани туфайли ҳар бир инсон ишни беғараз, холис ният билан бажаради. Шу сабабли у одамлар назарида мақбул, севимли.

Авлонийнинг фикрича, ҳар бир кишининг ҳаёти муайян интизом асосида кечади. Интизом инсон хулқини тарбияловчи, мукаммаллаштирувчи манба, шу туфайли ҳам, унга доимий равишда риоя қилиш керак. Интизом жамият учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, ўқувчилар учун ҳам шунчалик зарур, аҳамиятга эга.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида яратилган давлат стандартларида таълимнинг мақсадни ифода этувчи бўлишига эътибор берилди, унда мустақиллик даври талаб этаётган таълим мазмуни, усул ва шакллари белгиланди.

Таълимда қўлланган текст усули иқтидорли болаларни аниқлашга, уларнинг илм-фан асосларини эгаллашларида муҳим усул сифатида хизмат қилмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида республикада амалга оширилаётган таълим-тарбияда тубдан, кескин ўзгариш бўла бошлади.

Қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари аниқ кўрсатилди, таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор эканлиги қайд қилинган ҳолда, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатлиги қайд этилган:

— таълим-тарбиянинг инсонпарварлик, демократик характерда эгаллиги;

— таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

— умумий ўрта, шунингдек ўрта-махсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлиги;

— ўрта-махсус, касб-хунар таълимнинг йўналиши: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқиш-ни танлашнинг ихтиёрийлиги;

— таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

— давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;

— таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

— билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

— таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш. Таълим тизимини инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда:

— ўқувчиларнинг билим ва қобилиятларини ўстиришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга эътиқодли бўлиш руҳида тарбиялашга, шахс ва жамият, жамоа ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга, ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатининг «Устоз ва шогирди» асосида бўлишига;

— ўқувчиларда юксак эстетик ҳис-туйғуни, билим олиш маданиятини шакллантириш, шахсий ва ижтимоий фаолиятни ривожлантириш, тарбиялашнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган таълим-тарбия дастурларини такомиллаштиришга;

— узлуксиз таълим тизимида таълимни таркибий қисмларга ажратиш принципини жорий этишга;

— ўқувчилар, умуман, ёшларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришга, бунинг миллий ва умуминсоний қадриятлар акс эттирилган ўқув қўлланмалар, бадиий асарлар яратишга;

— таълим-тарбияда санъат асарлари — адабиёт ва тасвирий, амалий санъат намуналаридан фойдаланишга аҳамият берилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда таълим турлари: мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий ўқув юртидан кейинги, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат қилиб белгиланди.

Умумий ўрта таълим — бошланғич таълим (I—IV синфлар); умумий ўрта таълим (I—IX синфлар)дан иборат бўлди.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилди. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинди. Умумий ўрта таълимда ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажми берилди, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмалари ривожлантирилди, касбга йўналтиришга, таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам берди.

Республикада тарбия мазмуни, шакли ўзгарди, тарбиявий ишлар аниқ мақсад томон йўналтирилди, бу жараёнда субъектларнинг ўзаро самарали ҳамкорликда бўлишлари учун узвийликда бўлган тарбия шакли, восита ва усуллари ишлаб чиқилди, амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Таълимни инсонпарварлаштиришда унинг объекти бўлган онгни инсонпарварлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Зеро, инсонпарварлик иборасининг мазмуни билмасдан туриб, инсонпарвар бўлиш мумкин эмас.

Инсонпарварлик — башариятнинг қадимий таомили бўлиб, кейинчалик унинг тарихий ифодаси ўзгарди, жамиятдаги ўрни ва мавқеи ошди. Унинг асл моҳияти эса, инсонни улуғлаш, унинг қадр-қимматини, эркинлигини ҳимоя қилишдан иборат бўлди.

Ҳозирги вақда инсонпарварликнинг ғоявий асосларини шахсни ривожлантириш, унинг дунёқарашини шакллантириш усули сифатида ўрганиш талаб этилмоқда. Инсоннинг ўз имкониятлари ортиб бораётгани, яъни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойилини, шахснинг қобилияти эҳтиёжларини ҳисобга олишни тақозо этмоқда. Зеро, бу талаб ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Ҳозир мустақиллик даврда, истиқлол мафкураси маънавий ҳаёт ва жамиятдаги янгича муносабатлар моҳиятини англаш, уларнинг ечимини топиш, таҳлил қилиш ва тўғри йўлни танлаш қобилиятига эга бўлган комил инсонни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйди. Комил инсон маънавий ҳаётни яхлит ҳолда кўра олиши, ҳаётда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни тасаввур этишининг моҳиятини тушуниши, билиши лозим.

Таълим жараёнида шахс сифатида шаклланаётган ўқувчилар маънавият, инсонпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқ-одоб тушунчаларининг мазмуни ва тар-

кибини билиб олишлари керак. Шундагина улар бу тушунчаларининг моҳиятини пухта англаб, бу фази-латларни эгаллашга онгли равишда ҳаракат қилади-лар.

Таълимни инсонпарварлаштириш ўқувчиларнинг билимга бўлган интилишларини, шахсий ташаббуслари-ни рағбатлантиради. Шу орқали ўқувчиларда билим-га нисбатан ҳурмат шакллантирилади, шахс онгли ра-вишда ўз қобилияти ва имкониятларини ривожланти-ради.

Инсонпарварликка асосланган таълим ижтимоий фанлар ва ёндош фанларнинг вазифаларини кенгайти-ради, таълим жараёни, мутахассис шахснинг дунёқар-рашини мукаммаллаштиради, талабалар ўз табиий-ил-мий ва ижтимоий тафаккурларини уйғунликда ривож-лантириш имкониятига эга бўладилар.

Таълимни инсонпарварлаштиришдан кўзланган асо-сий мақсад ёшларга билим, кўникма, малака бериш, уларда инсоний дунёқарашини шакллантиришдан иборат.

Таълимни демократлаштириш принципи таълим ти-зимининг мослашувчан бўлишини, яъни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойилини, шахснинг қоби-лияти, эҳтиёжларини ҳисобга олишни тақозо этади. Бу талаб ёшларнинг ижтимоий фаолиятини оширишга ёрдам беради.

Таълимни демократлаштиришда умумий ва касбий маданиятни ошириш мақсадида оммавий хусусиятга эга бўлган маданий-маърифий ишлар сифати янги бос-қичга кўтарилади. Бунда оммавий ахборот воситала-рининг маърифат борасидаги ишларини фаоллашти-ришга алоҳида эътибор бериледи, телевидения, радио эшиттиришлардан фойдаланилади. Ишни бу зайлда таш-кил қилиш билан ўқувчиларнинг ақлий, маънавий са-вияси ошишига эришилади.

Таълимни ижтимоийлаштириш принципи ўқувчида эстетик дунёқараш, маънавият ва ижодий тафаккур салоҳиятини шакллантиришни, шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтиришни таъминлайдиган касб-хунар дастури таълими мазмунини тақозо этади. Бунда ўқувчи шахсида билимга нисбатан ҳурмат, қизи-қиш ҳиссини шакллантиришга алоҳида аҳамият бери-лади.

Ижтимоийлашган таълим икки инсон ўртасидаги муомала маданиятини оширади, ҳаётнинг маъноси ва йўналишларини аниқлашга, инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топишига, ўз имкониятларини чамалаб кўришга имкон беради. Табиий-илмий таълимда инсон билан табиат ўртасидаги муносабати, инсон унинг табиий ривожланиш тамойиллари ва қонуниятларини ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ усуллари ҳақида тасаввур, тушунчага эга бўлади.

Таълимни ижтимоийлаштириш ўқитиш субъекти — ўқувчига, ўз қобилияти ва ички имкониятларини очишга ёрдам беради.

Маълумки, принциплар ва таълим қонуниятлари узвийликда мавжуддир. Қонуниятлар таълим принципларининг айрим томонларини ёритади ва ўқитувчининг уларни ҳаётга татбиқ этишда тутган ўрнини аниқлаб беради.

Принцип умумийлик хусусиятига эга бўлиб, таълимда барча ўқув фанларини ўқитиш босқичларида қўлланади. Қоида эса, маълум даражада ҳаракатда бўлиб, таълим жараёнининг аниқ бир шароитида ўқитувчига таълим принципларини талбиқ этиш йўллари кўрсатади.

Юқорида номлари қайд қилинган олим-педагоглар ўз асарларида дидактик принциплар ҳақида куйидаги фикрларни билдирдилар:

1. Таълимни ривожлантирувчи ва тарбияловчи принцип ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган.

2. Мазмуннинг илмийлиги ва педагогик методлар жараёни принципи даврнинг илмий асосдаги билими ва жамиятнинг демократик тузилиши билан ўзаро боғланишини акс эттиради.

3. Фан, маданият ютуқларини эгаллашда тартиб ва узлуксизлик принципида ўқувчилар ўқув фаолиятни, назарий ва амалий билимни эгаллайдилар.

4. Ўқувчининг онгли, назарий фаолияти ва мустақиллигида ўқитувчининг тутган мавқеи принципи.

5. Кўргазмалилик аниқ ва фаразий, репродуктив ва самарадорликнинг бирликда бўлиш принципи таълимга комплекс ёндашиш ифодаси сифатида бўлиш.

6. Таълим тушунарли бўлиши принципи.

7. Таълим натижасининг мустаҳкам бўлиши принципи.

8. Таълимнинг ҳаёт билан, тажриба билан боғлиқ бўлиши принципи.

9. Бирликда ва якка ҳолда амалга ошириладиган ўқув ишларнинг мақсадга мувофиқ бўлиши йўллари принципи.

10. Ўқитувчиларнинг онлиги ва фаоллиги принципи — педагогик жараён билимни пассив (бўш) ўзлаштиришга айлантирилмаслиги керак.

11. Педагогик бошқарув билан ўқувчилар ташаббуси ва мустақиллиги ўртасида уйғунлик принципи.

12. Ўқитувчининг шахсий ҳурмати унда бўлган онгли талабчанлик билан уйғунликда бўлиши принципи.

13. Мактаб, оила ва жамоа талабларининг келишилган ҳолда бўлиши принципи.

14. Ўқувчининг ёши ва ўзига хослигини ҳисобга олиш принципи.

Табиийки, бу принципларнинг барчаси етакчи асосий принципга, яъни тарбияловчи ва таълимни ривожлантирувчи маънавий-ахлоқий, умумий инсоний қадриятлар принципларига тобеъдир.

Бу принципларнинг таълимда тутган ўрни, моҳияти шундай изоҳланади:

Таълим хусусиятини ривожлантирувчи ва тарбияловчи маънавий-ахлоқий принципда асосий эътибор шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, билим ва билишни, ҳаётий идеал ва ижтимоий хулқни билиб олишга хизмат қиладиган ахлоқий, эстетик сифатларни шакллантириш мақсади томон йўналтирилади.

Бу принципда таълим ва тарбия жараёни бирликда бўлади. Бу бирликнинг асосий мақсади — ҳар томонлама ривожланган одамни шакллантиришдир. Таълимда ўқувчилар англаш қудратини ва ижодий қобилиятни эгаллайдилар, уларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятларида мустақамлик ривожланади, улар билимга интилиш, уни эгаллаш имкониятига эга бўладилар.

Ўқитувчи таълим давомида ўқитилаётган фаннинг тарбиявий қудратидан самарали фойдаланиши керак. Ўқув машғулотини тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш методларини тўғри танлаш орқали ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатади. Таълимда бир ўқувчи ва барча ўқитувчилар билан машғулот ташкил қилиш шакли ўқувчиларнинг билим, билиш ва малакани эгаллашларига ёрдам беради. Бу шакл тури ўқувчиларда ўзаро

ёрдамлашиш, кўпчилик олдида жавобгарлик ҳиссини тарбиялашга имконият яратади.

Таълим давомидаги доимий назорат ўқувчиларда жиддийлик, қийинчиликларни енгиш, ишни охирига етказиш, хизматлилик, фаоллик, тўғрилиқ сифатларини шакллантиришда алоҳида ўринда туради.

Таълимда шахсий намуна кўрсатиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шунга кўра ўқитувчи олдида юксак даражадаги талаб қўйилади: ўқитувчи ўзининг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракати, одамларга яхши муносабати, юксак маданийлиги, ёқимли муомаласи — гўзал фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши керак. У ўз фазилатлари орқали уларга ижобий таъсир кўрсатади.

Илмийлик принципи таълим мазмунининг объектив илмий далиллар, назарий қонунлар асосида бўлиб, у давр фани ривожини акс эттириш даражасида бўлишини талаб этади. Бу принцип ўқув дастурларида ва дарсликларда намоён бўлади.

Илмийлик принципида ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишда уларнинг эътиборини турли кузатишларга, ўрганилган ҳодиса ва жараёнга жалб қилган ҳолда, улардан ўз кузатувлари натижасини таҳлил қилишни, чиқарган хулосаларини исботлаб беришни талаб этади.

Илмийлик принципида илмий билимни эгаллаш жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқараш шаклланади, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади.

Таълимнинг тажриба билан алоқаси принципида таълим жараёнида эгалланган билим бўйича вазифани ҳал қилишда ўқувчиларнинг шахсий қарашлари асосида атроф борлиқни таҳлил қилиш назарда тутилади.

Бу принципни амалиётга тадбиқ этиш йўлларида бири ўқувчиларни мактабда ва мактабдан ташқарида ташкил этиладиган фойдали фаолиятга жалб қилишдир. Уни ҳаётга тадбиқ этишда асосий восита таълимни ўқувчиларнинг амалий фаолияти ва меҳнати билан бирлаштиришдан иборат. Ўз фаолиятларида меҳнатга иштирок этишлари билан ўқувчиларда илмга талаб ҳосил бўлади, улар тажриба, билимни эгаллаш учун амалий фаолиятда раҳбарлик зарурлигига ишонч ҳосил қиладилар.

Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш назарий

билимни эгаллаш жараёнидан бошланади, лаборатория ва амалий машғулотларда давом этади.

Назарий билимнинг амалий фаолият билан узвийлиги турли йўллар билан амалга оширилади:

— назарий машғулотда умумлаштирувчи хулосалар чиқаришда ва назарияни амалиётга татбиқ этишда амалий маълумот ва далиллардан фойдаланиш;

— назариянинг моҳияти ва қонуниятларидан ўқувчилар бажарган меҳнат жараёнини асослаш учун фойдаланиш;

— ўқувчилар турли хилдаги меҳнатни бажариш жараёнида олган топшириқларни бажариш;

— лаборатория ва амалий машғулотда ўқувчилар кузатиши ва тажрибаларини ташкил қилиш; кузатиш ва тажриба, назарий машғулот натижаларини яқунлаш, умумлаштириш;

— ўқувчиларни техник жараён, меҳнат шароити, тартиби, ускуналар билан таништириш мақсадида идора, корхона, завод, фабрикаларга экскурсия уюштириш. Олинган маълумот, тушунчалардан амалий машғулотларда фойдаланиш;

— ўқувчиларни ишлаб чиқаришда, далаalarda хизмат қилаётган, янгилик яратаётганлар, уларнинг меҳнат фаолияти билан таништириш;

— машғулотга тайёргарлик кўраётганда, машғулот жараёнида илмий маълумотлар ифодаланган адабиётлардан фойдаланиб, ўқувчиларда меҳнат малакасини шакллантириш.

Узвийлик ва узлуксизлик принципи ўқиш ва билимни ўзлаштириш маълум тартибда ва узвийликда бўлишни талаб этади. Бу принципда мазмун ва, умуман, таълим мантиқан тўғри қурилишда бўлади. Яъни:

— ўрганиладиган материал режалаштирилади, мантиқий мавзуларга бўлинади, улар билан ишлаш тартиби ва методи белгиланади;

— ҳар бир мавзудаги асосий мазмун, муҳим тушунча, ғоя ажратилади, материални ўтиш йўллари аниқлаб олинади;

— курсни ўрганишда назария, қонун, далиллар ўртасидаги ички ва ташқи алоқаларга эътибор берилади.

Таълимда узвийлик ва узлуксиз таълимнинг мазмунан, яъни ҳар бир дарс мантиқан олдингисининг давоми, ўқув материалининг мазмуни, хусусияти, ўқув-

чиларнинг ўқув — англаш фаолияти, бажариш қобилиятига мос бўлишига эътибор берилади.

Узвийлик ва узлуксизлик принципи янги материални олдин ўзлаштирилган материалдан кейин, у билан уйғунликда ўрганишни талаб этади.

Бу принципда ҳар бир мавзу, бўлим, умуман, ўқув фанни бир бутун ҳолда ўқитишда асосий эътибор маълумотлар мужассам бўлган бош, асосий масалага қаратилади, у ўрганилгандан кейин фикр яқунланади.

Тушунарли бўлиш принципи ўқувчилар ривожига хусусиятини ҳисобга олишни, материални таҳлил қилиш ва педагогик жараёни ташкил қилиш, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ўқувчиларга ортиқча юк бўлмаслиги талаб этади.

Мазкур принцип ўрганиладиган материал мазмун, ҳажм ва қўлланадиган методи жиҳатидан ўқувчиларнинг ёши ва тайёргарлиги, жисмоний кучи ва англаш қобилиятига мос бўлишини ҳам талаб қилади.

Бу принципга мувофиқ ўқитувчи таълимда оддийдан мураккабга ўтади.

Кўргазмалилик принципи — қадимий ва ҳозирги даврдаги дидактикада муҳим ўринда туради, таълимнинг самарадорлигини сезги аъзоларини тарбияга жалб қилиш ва ўқув материални қайта ишлаш мақсадга мувофиқлигини билдиради.

Таълим жараёнида болаларга кузатишга, тажриба ўтказишга, амалий ишлар қилишга имконият бериш, шу орқали уларни билимга олиб кириш керак.

Кўргазмалилик принципида, агар ўқувчиларда маълум сезиш, яъни амалий тажриба бўлса, уларда билимни онгли равишда эгаллаш, илмий тасаввур ва тушунчани шакллантириш мумкинлиги тасдиқланади.

Таълимнинг кўргазмалилик принципида ўқувчи билимни нарса ва ҳодисаларни бевосита кўриш, сезиш йўли билан ўзлаштириши айтилади.

Я. А. Коменский кўргазмалиликни таълимнинг олтин қондаси ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, агарда олдин сезгичга ҳеч нарса берилмаган бўлса, онгда ҳеч нарса бўлмайди.

Коменский кўргазмалиликни ва унинг аҳамиятини куйидагича аниқлади:

— агар биз ўқувчиларга ҳақиқий ва мустаҳкам билимни, умуман, нарсани сингдирмоқни истасак, уларга

ҳамма нарсага шахсан кузатиш ва сезгирлик билан қарашни ўргатишимиз керак;

— шунинг учун, мактаблар ҳамма нарсани кўрсатсинлар, ўқувчилар шахсан ҳис қилсинлар, эшитсинлар, ушлаб кўрсинлар, еб кўрсинлар, нарсаларни кўриш, эшитиш мумкинлигини, улар инсоний табиатни чексиз, аниқ бўлмаган ва миянинг чалғиши натижасида йўқ нарсаларнинг бордек туюлишидан қутулишни билсинлар;

— ким бирор марта инсон танаси анатомиясини жиддий кузатган бўлса, кенг тушунтиришга нисбатан барча нарсани тўғри тушунади ва хотирасида сақлайди, у барча нарсани ўз кўзи билан кўрсин.

Коменский кўргазмалиликни фақат таълим принципи деб эмас, балки таълимни осонлаштириш деб ҳам тушунади. Кўргазмалиликни амалга оширишда:

— аниқ нарсани бевосита кузатишдан;

— бу мумкин бўлмаса, нарсанинг модели ва нусхасидан;

— нарса ёки ҳодиса акс эттирилган расмдан фойдаланишни тавсия этади.

Кўргазмалилик билимни пухта ўзлаштиришга, уни ҳаёт ва меҳнат тажрибаси билан уйғунлаштиришга ёрдам беради. Машғулот жараёнида турли хил кўргазма қуроолардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини оширади, диққат-эътиборини билимга йўналтиради.

Бошланғич таълимда ўқувчиларда дастлабки тушунчалар, ўрганаётган фан бўйича ҳаётий тажриба шаклланган даврда кўргазма воситаларидан фойдаланилади. Таълим жараёнида кўргазмалиликдан фойдаланишда машғулот мақсади ҳисобга олинган ҳолда метод танланади, ўқитувчи ўқув жараёнига раҳбарлик қилади, дарсда ортиқча кўргазмалилик бўлмайди.

Таълимда ўқувчиларнинг онглилик ва фаоллик принципи — ҳозирги давр дидактика тизимида муҳим принцип бўлиб, унда таълимда ўқувчиларнинг онгли фаолият кўрсатишларига алоҳида эътибор берилади.

Таълимда фаоллик ва онглиликка эришиш мумкин, агарда:

— ўқувчиларнинг қизиқишига суянилса ва бир вақтнинг ўзида уларда онгли қизиқиш ва касбга мойиллик бўлишининг сабаби шакллантирилса;

— ўқувчилар муаммоли вазият, муаммоли таълимга, илмий ва ҳал қилишдаги изланиш жараёнига жалб қилинса;

— дидактик ўйин, мунозара каби машғулотлардан фойдаланса;

— биргалик шаклдаги ишларга рағбат уйғотилса.

Онглилик ва фаоллик принципи билимни ҳаётга тадбиқ этишга, билимли одамни ривожлантиришга, ижтимоий тарбиялашга йўл очади.

Таълимда онглилик ўқувчиларнинг аниқ тушунчага эга бўлишларида, ўз ўқув ишларининг аниқ мақсадини билиб олишларида муҳим ўринда туради.

Таълимда онглилик бўлса, ўқувчилар жавобгарликни ҳис қилган ҳолда, ўқишга онгли муносабатда бўладилар, ўқитувчи топширган топшириқни ўз вақтида, мустақил ва ижодий тарзда бажаришга ҳаракат қилдилар. Ўқувчилар фаоллиги назарий материалларни эгаллаш ва ўқув-меҳнатга доир ижодий ишни синфда, лабораторияда бажардилар.

Ўқувчиларнинг англаш фаолияти дарсда ўқитувчининг сўзлари, уларнинг ҳиссий қабул қилишлари, амалий фаолияти орқали амалга оширилади.

Таълим жараёнида онглилик ва фаоллик принципи ўқувчиларда ўйлаш ва нутқни ривожлантиришни талаб этади. Мустақил фикрлаш турли йўللار билан яратилади. Уни шакллантириш йўлларида бири, мустақил фикрлаш учун муаммоли вазифа қўйишидир.

Биргалик ва якка шакл ҳамда ўқув-иш йўлини мақсадга мувофиқ принципи. Бунда ўқитувчи таълимнинг турли хил шакллари: дарс, экскурсия, тажриба, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг якка ҳолдаги ва биргаликдаги ишларини ташкил қилиш мумкин.

Мустаҳкамлик принципида билим ўқувчилар хотирасида мустаҳкам қолиши, ўрнашиши учун, билиш улар тушунчасининг бир қисми сифатида одат ва хулқларининг асоси бўлиб қолиши талаб этилади.

Эслаш ва ўқув материални ишлаб чиқиш фақат материалга боғлиқ бўлмай, унга бўлган муносабатга ҳам боғлиқ. Чунки материални мустаҳкам ўзлаштириш учун, эҳтиёткорона муносабат ва ўрганиладиган материалга қизиқиш шакллантирилиши керак.

Бу принципда қонунлар ҳам бор. Улар қуйидагилар:

— мустаҳкам ўзлаштиришга ўқувчи ақлий, онгли фаолият кўрсатгандагина эришади;

— мустаҳкам ўзлаштириши учун, ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятга эгаллиги ҳисобга олинган ҳолда, вақт-вақти билан ўқув материаллини такрорлаб туриш керак;

— билим мустаҳкам бўлиши учун, ўқув материали маълум қурилишга келтирилиши, асосий қисми аниқланиши, улар ўртасида бўладиган мантиқий боғланиш белгиланиши лозим;

— билим мустаҳкам ўзлаштирилиши учун таълим натижаси доимий равишда назорат қилиниши, текшириб ва баҳолаб борилиш керак.

Такрорлаш ва машқ принципи ҳам таълим каби қадимийдир. Энг қадимги даврда Хитой файласуфи Конфуци таълим таркибини такрорлаш ва машқ принципида тузди. Бу принцип ўрта аср ўргаларида таълимнинг универсал модели ҳисобланди.

Коменский машқ ва такрорлаш тушунчасига янги мазмун киритди, бу тушунчалар олдига онглиликка ва ўқувчиларнинг фаоллигига асосланган вазифани қўйди. Унинг таъкидлашича, одамлар ҳамма нарсада машқ қиладилар. Демак, мактабда барча синфларда ўқувчилар тажрибада, ўқишда, ёзишда, такрорлашда, мунозара, декломацияда машқ қилсинлар. Коменскийнинг фикрича, бу турдаги машқлар қуйидагида амалга оширилади:

- ҳис қилишда;
- ақлда;
- хотирада;
- тарихда;
- услубда;
- тилда;
- товушда;
- ҳуқуқда;
- шон-шарафда.

Коменский машқни хотира билан боғлайди. Унинг таълимотича, хотира машқи тинимсиз қилиниши керак. Яхши тушунарли бўлган, хотира ва хотирага эътибор билан мустаҳкамланган нарса ақлга тадбиқ этилади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг билимни мустаҳкам ўзлаштиришларига, билиш ва малакани эгаллашларига барча таълим принципларини — тушунарли-

лик, узвийлик ва узлуксиз, назариянинг тажриба билан боғлиқлиги, кўргазмалилик, онглилик ва ўқувчилар фаолиятини амалиётга тадбиқ этиш билан эришилади.

Юқорида қайд қилинган принципларнинг барчаси қамровли (комплекс) тарзда қўлланилмайди. Уларнинг ҳар бирига сезгирлик билан ижодий тарзда ёндашилади.

Умуман дидактик олимларнинг келгуси ёш ўқитувчиларнинг қуйидаги амалий тавсияларга риоя этишларини маслаҳат берадилар:

1. Ўқитувчи фақат бир таълим принципига суянмаслиги керак. Асосан уларнинг тартибига, илмий асосланган мақсад танлашга, методларни белгилашга ва ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш воситаларини ажратишга, кўнгилдагидек шароит яратиш ва ўқув жараёнини ташкил қилишга эътибор бериш лозим.

2. Ўқитувчи ҳар бир принцип ва уларнинг тартибини, асосий қонунлар тартиби ҳамда стратегик қонунларни ҳаётга тадбиқ этувчи, ҳозирги давр мактаб таълими концепциясининг негизи деб билиши керак.

3. Ўқитувчи педагогик жараённинг ўзаро таъсир этувчи қисмларини билиши ҳамда таълим принципи қонуниятларига суянган ва педагогик жараённинг уйғунликда бўлишига эришган ҳолда, қисмларнинг ўзаро таъсирини тартибга солиши керак.

3. ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

ДИДАКТИКАДА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ НАЗАРИЯСИНИНГ РИВОЖИ

Метод — ўқув-таълим жараёнининг негизи. У таълимда режалаштирилган мақсадни охириги хулосага боғловчи таркибий қисм. У таълимнинг мақсад, мазмун, шаклларни, воситалар тизимини аниқлашга ёрдам беради.

Таълим методи мураккаб тушунча. «Метод» сўзи грекча бўлиб, тадқиқот, усули, йўл демакдир (масалан, мақсадга эришиш усули, йўли). Бу сўзнинг келиб чиқиши (этимологияси) илмий даража сифатида талқин этилади.

«Метод» сўзи фалсафий луғатда мақсадга эришиш усули, аниқ тартибга солинган фаолият деб айтилган.

Демак, метод таълим жараёнида ўқув-тарбиявий мақсадга эришишда ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини ўзаро боғловчи усул, йўл. Шу нуқтаи назардан, дейиш мумкинки, ҳар бир ўқув методи ўзида ўқитувчининг ўқитиш, таълим бериш, янги-янги билимларни баён қилиш, тушунтириш, ўқувчиларда англаш фаолиятини эгаллашга рағбат уйғотиш ва ривожлантиришни муҳим ҳисоб қилади.

Таълим приёми таълим методининг узвий қисми (бир бўлаги). Приём ўқувчиларда амалий билиш ва кўникмани ҳосил қилишда, ўрганиладиган билимни амалиётда қўллашни кўрсатишда қўлланади.

Таълим методидида объектив қонуниятлар, мақсад, мазмун, асослар (принциплар), таълим шакллари ўз ифодасини топади. Таълим методлари тузилишида, аввало, объектив ва субъектив қисмлар мавжудлиги яққол кўринади. Таълим методидидаги объективлик барча методларда мавжуд. Барча дидактик ҳолатлар, қонун талаблари, қонуниятлар, асослар (принциплар) ва қоидалар, шунингдек, мақсад мазмун, ўқув фаолияти шакллари унда муҳим ҳисоб қилинади.

Таълим методидидаги субъектив қисмда ўқитувчи шахси, ўқувчиларга хос ҳолат аниқ шароит билан узвийликда мавжуд.

Таълим методлари — тарихий туркум (категория). Турли даврлардаги ҳукмрон ижтимоий тузум мақсад ва дунёқарашига мос тарзда мактаб тарихи, таълим мақсади ҳам ўзгариб, ривожланиб боради.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, таълим-тарбия янги мазмун, янги шаклда ривожланиб, ўқувчининг мустақиллиги, билиши, ижодкорлиги ривожланиб, у янги мазмунга эга бўлган билимни ола бошлади. Маълумки, педагогикада таълим методи муаммоси тезликда ҳал қилинадиган муаммо эмас. Уни ҳозир ҳам бутунлай ҳал қилинган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Дидактик назариянинг ривожи, такомиллашуви таълим методлари назарий асосининг мувафаққиятли шаклланиб боришида ёрқин кўринади. «Педагогик энциклопедия»да (1929) ва 20—30 йилларда нашр этилган илмий ишларда «метод — олдиндан белгиланган мақсадга эришиш учун қўлланилган йўл» деб таърифланади. Рус олимлари М. А. Данилов ва Б. П. Есипов

таълим методини, ўқитувчи ва ўқувчининг иш усули сифатида талқин этганлар, И. П. Зверов, И. Т. Огородников таълим методини, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолият усули, деб таърифлаганлар.

Ҳозир кўпчилик дидактик олимлар методни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёни вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган ўзаро алоқа фаолиятлари сифатида таърифламоқдалар.

ТАЪЛИМ МЕТОДИ ТУРЛАРИ, МАЗМУНИ, МОҲИЯТИ

Таълим методларини туркумларга бўлиш — бу, уларнинг тизимини белгиларга қараб тартибга солишдир.

И. П. Подласий таълим методлари туркумини қуйидаги 6 туркумга бўлади.

1. Таълим методларини анъанавий туркумлаш, қадимдан фалсафий ва педагогик тизимда бошланади ҳамда ўша давр шароитига мосланади, умумий методлар негизи еифатида эътироф этилди. Бу негиз қадимдан маълум бўлган тажриба, кўргазмалилик, сўздан иборат учта туркумдир. Ижтимоий ҳаётдаги маданий ривожланиш билан бу уч туркумга яна битта туркум — компьютер тизимига мосланган видео, оғзаки сўз туркуми қўшилди. Бу беш туркум — тажриба, кўргазмалилик, сўз, дарслик билан ишлаш, видео методлардан иборат бўлди. Бу умумий методнинг ҳар бири қуйидаги туркумга эга (1-жадвал)

1-жадвал

И. П. Подласий белгилаган методлар

Амалий	Кўргазмали	Оғзаки	Китоб билан ишлаш	Видео метод
Тажриба Машқ Ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати	Расм кўрсатиш Намойиш қилиш Кузатиш Ўқувчилар	Тушунтириш Аниқлаш Ҳикоялаш Сухбат Маъруза Мунозара Баҳс	Ўқиш Ўрганиш Ўзгартириш Оддий тарзда кўриш Баён қилиш Режа тузиш Матн мазмунини қисқача ифодалаш	Кўриш Ўргатиш «Электрон ўқитувчи» назорати остида машқ қилиш Назорат

1. М. Данилов, Б. П. Есиповнинг таъкидлашича, метод дарсада содир бўладиган таълим жараёни орқали умумий туркумнинг изчил босқичи сифатида намоён бўлади. Бу қуйидаги методлардир:

- билимни эгаллаш;
- билиш ва кўникмаларнинг шаклланиши;
- билимни тадбиқ этиш;
- ижодий фаолият;
- мустаҳкамлаш;
- билим, билиш, кўникмаларни текшириш.

Бу методлар туркуми ўқув машғулотининг сифатли бўлишига, тарбия жараёнини амалга оширишга ёрдам беради.

Методларни туркумлаш ҳақида И. Я. Лернер, М. Н. Скаткин ва бошқалар ҳам фикр билдирдилар. Улар тавсия этган туркумлар маълум даражада таълим методларининг моҳиятини англаб олишга ёрдам беради.

М. И. Маҳмутов қуйидаги таълим методларини таклиф этди:

- ўқитиш;
- ўрганиш.

Ўқитиш методлари	Ўрганиш методлари
Хабар — ахборот Тушунтириш Кўрсатма — амалий Тушунтириш — рағбат- лантириш Рағбатлантириш	Бажариш Репродуктив Самарали — амалий Қисман — изланиш Изланиш

Аммо, дидактик жиҳатдан М. А. Данилов ва Б. П. Есиповнинг белгилаган таълим методлари туркуми диққатга сазовордир.

Бу метод таркиби тушунтириш, ҳикоя, маъруза, суҳбат, ўрганилаётган билимни оғзаки баён этишда расмлар кўрсатишдан иборат. Бу методларда биринчи тўрттаси «вербалний» (грекча «Verbalis» оғзаки демак) деб ҳам аталади.

Ўқитувчи оғзаки сўзлаш ёрдамида ўқувчилар онги-

да инсониятнинг ўтмиши, ҳозирги ва келгуси ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилади. Оғзаки нутқ ўқувчиларнинг тушунча, хотирасини, ҳиссиётини фаоллаштиради.

Ҳикоя ва тушунтириш ўқув ишларини ташкил қилишда кенг қўлланиладиган методлардир. Ҳикояда ўқув методларининг мазмуни оғзаки баён қиланади. Бу метод мактаб таълимининг барча босқичларида қўлланилади. Ҳикоя қилишда унинг хусусияти ва ҳажмини, давомийлигини ўзгартириш мумкин.

Ҳикоя, белгиланган мақсадга кўра, ҳикоя-кириш, ҳикоя-баён, ҳикоя-яқун турларида бўлади.

Ҳикоя-киришнинг мақсади ўқувчиларни суҳбат методи билан ўтказиладиган янги билимни ўзлаштиришга тайёрлайди. Бу турдаги ҳикоя қисқа, ёрқин, қизиқарли баён тарзда бўлади, ўқувчиларда мавзуга қизиқиш, уни ўзлаштириш ҳиссини уйғотади. Бу ҳикоя вақтида ўқитувчи ўқувчиларга улар бажарадиган вазифаларни ҳам баён қилади.

Ҳикоя-баён ўқитувчи режа асосида янги мавзунинг расмлардан фойдаланиб, ишончли мисоллар билан мантиқий изчилликда баён қилади.

Ҳикоя-яқун, одатда, машғулот охирида амалга оширилади. Яқунда асосий фикрлар умумлаштирилади, ўқувчиларга келгуси мустақил ишлар бўйича топшириқлар бериллади.

Ҳикоя методини қўллашда эътиборни фаоллаштириш, хотирани тезлаштириш, мантиқий қиёслаш усуллари билан фойдаланилади. Янги билимни баён қилишда ҳикояга қуйидаги педагогик талаблар қўйиллади:

— ҳикоя, ўқитишнинг ғоявий-ахлоқий йўналишни таъминлаши керак;

— ҳикоя, фақат, ишончли ва текширилган илмий далиллар асосида бўлиши лозим;

— ҳикоя, илгари сурилган фикрнинг исботловчи аниқ ва ишончли далил, мисолларни ўзида қамраб олган бўлиши керак;

— баён аниқ, мантиқий изчилликда бўлиши лозим;

— ҳаяжонли бўлиши керак;

— воқеа оддий ва тушунарли тилда баён қилиниши керак;

— баёнда далил ва воқеаларга ўқитувчининг шахсий муносабати акс этган бўлиши лозим.

Тушунтириш — бу баённинг монологик шакли. Бу метод назарий билимни ўрганишда, аниқ фанлар — кимё, физика, математикага доир теорема ва вазифаларни тушунтиришда, табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари, қонуниятлари ҳақида маълумот беришда қўлланади.

Тушунтириш методидан фойдаланишда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

— муаммо моҳиятини, вазифани тўғри ва аниқ ифодалаш;

— ўзаро алоқалар сабабини ёритиш ва исботлаш;

— солиштириш, қиёслашдан фойдаланиш;

— аниқ мисоллар келтириш;

— билимни мантиқий изчилликда баён қилиш.

Суҳбат — билимни ахборот тарзида баён этиш методи. Янги билимни ўрганиш олдидан қилинадиган баён «сўз боши» ёки «кириш» деб аталади. Бу баённинг мақсади ўқувчиларда янги билимни билиб олишга қизиқиш уйғотишдир. Мустаҳкамловчи суҳбат янги билим ўрганилгандан кейин ўтказилади. Суҳбат яқка ўқувчи ёки бутун синф ўқувчилари билан савол-жавоб асосида уюштирилади. Бу суҳбат юксак савияда бўлиши учун саволлар тўғри, жиддий ўйлаб тузилган бўлиши керак. Саволлар жавобга тайёрланишлари учун барча ўқувчиларга берилади. Саволлар қисқа, аниқ, мазмунли, ўқувчиларда фикр уйғотадиган бўлиши керак.

Умуман, суҳбат методининг моҳияти шундаки, у:

— ўқувчиларни фаоллаштиради;

— ўқувчиларда хотира ва нутқни ривожлантиради;

— ўқувчилар билимини аниқлаб олишга ёрдам беради;

— катта тарбиявий аҳамиятга эга.

ЎТИЛГАН МАТЕРИАЛНИ МУСТАҲКАМЛАШ МЕТОДЛАРИ

Ўқитувчининг билимни оғзаки баён қилиши дастлабки қабул қилиш ва тушуниш билан боғлиқ. Дидак-

тик М. А. Даниловнинг фикрича, дастлабки қабул қилиш таълимнинг биринчи босқичидаги натижа бўлиб, ҳали ўқувчиларнинг мустақил фикри ва фаолияти ҳисобланмайди. Таниқли методист — биолог Н. М. Верзилин ҳам бу ҳақда фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, материални ўзлаштириш бўйича (мустақамлаш, хотирага келтириш ва чуқур фикрлаш) қилинган баён дидактикада муҳим аҳамиятга эга.

Суҳбат методи. Суҳбат методида билим ўзаро сўзлашув (диалог) йўли билан ўрганилади. Суҳбат методининг моҳияти шундаки, унда ўқувчилар ўқитувчининг саволларига жавоб бериш билан ўрганилаётган матнда ифодаланган воқеаларни мантиқий изчилликда таҳлил қилиш, улар ҳақида мустақил фикр юритиш, фикрларини назарий жиҳатдан умумлаштиришни ўрганиладилар.

Оғзаки баён методи. Бу методда билим кўргазмали воситалар асосида баён қилинади. Ушбу методнинг моҳияти шундаки, у билимни кейинги билим манбаи сифатида ифодалайди. Оғзаки баён қилиш методи ўқувчида янги билимни ўзлаштириш ва у ҳақида фикрлаш фаолиятини ҳосил қилиш билан ҳам муҳимдир.

Таълимда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш методидида қуйидаги талабларга эътибор берилади:

— кўргазма воситаларининг ўқувчилар ёшига мос бўлишига;

— дарсда маълум меъёрда, керакли ўринда қўлланишига;

— барча ўқувчиларнинг намоиш этилаётган кўргазма қуролларни аниқ кўриб туришларига;

— мавзу мазмунига доир кўргазма воситаларни, улар асосида маълум қилинадиган тушунчаларни белгилаб олишга.

Дарслик билан ишлаш. Маълумки, ҳар бир ўқувчани курсида маълум даражада ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мураккаб мавзулар бор. Шунга кўра, ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлашга берилади. Шундан кейин ўқувчилар билан суҳбат ўтказилади.

Дарслик ва китоб билан ишлаш — таълимда муҳим

ҳим метод ҳисобланади. Бошлангич таълимда ўқув китоблари билан ишлаш, асосан, ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилади. Юқори синфларда дарслик ва ўқув қўлланмалар билан ўқувчилар мустақил ишлайдилар. Нашр этилган китоблар билан мустақил ишларнинг бирмунча намуналари бор. Улардан асосийлари:

— конспект олиш — ўқилган китоб мазмунини қисқача баён қилиш, қисқача кўчириш;

— матн режасини тузиш;

— цитата олиш — матндан сўзма-сўз (айнан) парча кўчириш;

— аннотациялаш — ўқилган китобда ифодаланган асосий мазмунни қисқача баён қилиш;

— рецетироват этиш — ўқилган китоб ҳақида қисқача фикр билдириш;

— справка тузиш — ўрганиш, изланишлардан сўнг статик, биографик маълумот ёзиш;

— расмий жиҳатдан — мантиқий модел тузиш — ўқилган китобни сўзма-сўз схематик (қисқача) тарзда баён қилиш;

— Тематик тезаурус тузиш — китоб бўлимлари — мавзулар бўйича тушунчалар луғатини тузиш;

— ғоялар матричасини тузиш — турли муаллифлар асарларида ифодаланган нарса, ҳодисаларга қиёсий тасниф бериш.

Табиийки, ҳар бир дарсда ўқитувчи тушунча, маълумот бергандан кейин ўқувчиларга мустақил ишлашга имконият бериши керак. Аммо, айрим ҳолларда бунга вақт етишмаслиги ҳам мумкин. Шунга кўра, бундай вақтда қуйидаги усул қўлланади:

— дарслик билан ишлашда аниқ мақсад белгилаб қўйилади;

— ўқувчилар ўзлаштириши керак бўлган масалалар кўрсатилади;

— мустақил ишлар ва мустақил усуллар тартиби аниқланади;

— мустақил ишларнинг бориши кузатиб борилади ва айрим ўқувчиларга ёрдам берилади;

— янги материални мустаҳкамлаш бўйича суҳбат ўтказилади;

— яхши диагностик — аниқлаб олиш воситаси ҳисобланади.

Маъруза. «Маъруза» (лекция) сўзи лотинча бўлиб, русча таржимада «ўқитиш» дейилган.

Маъруза — бу, ўқитувчи томонидан билимни баён этиш. Маърузада кенг ҳажмли билим монологик йўл билан баён қилинади. Қоидага кўра, маъруза методи юқори синфларда қўлланади. Маърузанинг моҳияти шундаки, у ўқувчиларнинг билимни тўлиқ ва тугалланган, мантиқан, ўзаро боғлиқ ҳолда ўзлаштиришига ёрдам беради.

Ҳозирги давр педагогик тажрибада ҳам, маъруза-баҳс методи қўлланилмоқда. Бу метод ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, ўз мулоҳазаларини исботлаш, асослашни билишларида муҳим омил бўлаяпти. Зеро, пухта тайёргарлик билан уюшгирилган баҳс ўқувчиларнинг таълим ва тарбияда муаммони чуқур тушуниш йўлларини, унга нисбатан бўлган ўз фикр-мулоҳазаларини ҳимоя қилишни, бошқалар фикри билан ҳисоблашиш одобини эгаллашларида алоҳида аҳамиятга эга.

Маъруза методида кўзланган асосий мақсад — ўқувчиларда билимни мустақил эгаллаш қобилиятини ҳосил қилишдир.

Мактабда қилинадиган маъруза янги билимни ўтишда унинг қисмларини умумлаштиришда, мураккаб қонун-қоидаларни яқунлашда, муаммоли масалаларни ўрганишда, ўқув фанлари ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишда қўлланилади.

Маърузанинг мазмунли, самарали бўлиши учун:

— аниқ, ўйлаб тузилган режани ўқувчиларга таъинлаштириш;

— режанинг ҳар бир қисми бўйича берилган маълумотни яқунлаш;

— баён ўқувчиларга тушунарли ва кўргазмали, ёрқин бўлиши;

— баён ўқувчиларда муҳим ўринларни билиб олишга қизиқиш уйғотадиган бўлиши керак.

Маъруза мавзу бўйича қилинадиган суҳбат, семинар бўлиб, бу ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиладиган амалий машғулот ўқувчиларда мустақил фикрлаш,

мустақил фаолият кўрсатиш, дарслик билан мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш қобилиятининг ривож топишига ёрдам берадиган даражада бўлиши лозим.

МУСТАҚИЛ ИШ МЕТОДЛАРИ

Таълим жараёнида янги материални англаш ва ўзлаштиришда ўқувчиларнинг мустақил ишлаш методлари алоҳида ўринда туради.

Бу методнинг моҳияти шундаки, ўқувчи мустақил ишлаш билан янги билимни пухта эгаллайди, назарий хулосаларни бир вақтнинг ўзида ўзлаштиради, дарслик билан ишлаш кўникмасини эгаллайди.

Дарсда дарслик билан ишлашнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи қуйидаги талабларга риоя қилиши керак:

— дарслик билан ишланадиган мавзунини аниқ белгилаб олинади;

— кириш сўхбати ўқувчиларнинг дарслик билан ишлашидан олдин уюштирилади;

— машғулот жараёнида ўқувчилар амалга ошираётган мустақил ишлар кузатиб борилади;

— ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмасининг ҳосил бўлишига ва янги билимни ўзлаштирилишига эътибор берилади;

— дарслик билан ишлашдан кейин билимни ўзлаштириш сифати текширилади, ўқувчиларга билим ва кўникмалар билан боғлиқ бўлган машқлар топширилади.

Янги билимни эгаллаш бўйича лаборатория машғулот. Бу — ўқитувчи раҳбарлигида ва белгиланган режа асосида янги билим бўйича тажриба ўтказиш жараёнида амалга ошириладиган аниқ амалий вазифалардир.

Янги билимни эгаллаш бўйича ўтказиладиган лаборатория машғулотини қуйидаги методик приёмлар орқали амалга оширилади:

— машғулот мавзуини ва амалга ошириладиган вазифаларни аниқлаш;

- машғулот тажриба-босқичларини аниқлаб олиш;
- машғулотнинг боришини, ишнинг техник хавфсизликка роя қилинган ҳолда бажарилишини кузатиб бориш;
- машғулотни яқунлаш, асосий хулосани баён этиш.

Лабораторияда ўтказиладиган машғулот-тажриба ўқувчиларнинг ҳозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини, тажрибада қўлланадиган асбобларга онгли муносабатда бўлиш кўникмасини, техник билимни эгаллаб олишларига замин яратади.

БИЛИМНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ

Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш методлари.

Ўқувчиларда таълим жараёнида эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Машқ методи. Бу метод ўқувчиларда билим ва кўникмани ҳосил қилишда қўлланади. Унинг моҳияти шундаки, уни қўллашда ўқувчилар доимий равишда ҳаракатда бўладилар, яъни эгаллаган билим ва кўникмаларини амалда қўллашни машқ қиладилар ва шу йўл билан ўз билим ҳамда кўникмаларини мустақамлайдилар, ўзларида билим ва кўникмалар ҳосил қиладилар, ўз хотира ва ижодий қобилиятларини ривожлантирадилар.

Машқ ўз хусусиятига кўра, оғзаки ва ёзма, график (жадваллар-диаграммалар), ўқув-меҳнат иш турларига бўлинади. Ўқувчилар уларни бажариш орқали ўз ақлий ва меҳнат фаолиятларини такомиллаштирадилар.

Оғзаки машқ ўқувчида мантиқий фикрлашни, хотирани, нутқ ва эътиборни кучайтиради.

Ёзма машқ билимни ҳаётга тадбиқ этишни билишни, мантиқий фикрлашни, меҳнатда мустақиллик қобилиятини ривожлантиради. Ёзма машқ оғзаки машқ, график машқ билан узвийликда ҳам амалга оширилади.

График машқда ўқувчилар жадвал, чизма, диаграмма, техник харита, альбом, плакат, расмлар ишлаш

билан шуғулланадилар. График машқ, одатда, ёзма иш билан бир вақтда, ўқув топшириқларини ҳал қилишда амалга оширилади.

Ўқув-меҳнат машқида, асосан, ишлаб чиқариш меҳнатига, ўқувчининг амалий меҳнат фаолиятини ривожлантиришга эътибор берилади.

Ўқув-меҳнат машқида кўзланган асосий мақсад — ўқувчиларда эгаллаган назарий билимларини меҳнат жараёнига тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдир.

Бу методни қўллашда:

— ўқитувчи, назарий билимларига суянган ҳолда, ўқувчиларга мазкур машқнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради;

— билимни амалиётда қўллаш йўлларини кўрсатади;

— машқнинг ўқувчилар эгаллаган билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга, ўқувчилар ижодий фаолиятига мос вазифани амалга ошириш йўлларини излашни талаб этадиган бўлишига эътибор берилади.

Лаборатория машғулоти. Бу машғулотда ўқувчилар ўқитувчининг топшириғи бўйича асбоблардан фойдаланиб, бирор ҳодисани режа асосида тадқиқ этадилар. Амалий машғулотларда мавзунинг йирик қисмлари ўрганилади. Бу — умумлаштирувчи тарзда бўлади. Мазкур иш фақат синфда эмас, балки синфдан ташқарида ҳам амалга оширилади.

Лаборатория машғулоти қуйидаги приёмлардан ташкил топади:

— машғулот мақсадини белгилаш;

— бажариладиган ишни, унга раҳбарлик қилиш тартибини белгилаб олиш;

— иш тугагач, уни яқунлаш.

Лаборатория машғулоти жараёнида ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланишлари, ўқитувчи билан маслаҳатлашишлари мумкин.

Бу метод ўқувчиларнинг билим, билиш ва кўникмаларини текшириш, яъни таълимий жараён таркиби ва принциплари билан боғлиқ ҳолда қўлланади. Шу асосда билимни текшириш ва баҳолашнинг турлари белгиланади. Масалан:

- кундалик ўқув машғулоти давомида билимни текшириш ва баҳолаш;
- ҳар бир чорак охирида билимни текшириш ва баҳолаш;
- йил охирида ўқувчининг йил давомида эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш;
- мактабни битиришда ва синфдан-синфга ўтказишда у эгаллаган билим даражасини текшириш ва баҳолашда, асосан, йил давомида таълимий вазифаларнинг қай даражада ҳал қилинганига, яъни ўқувчилар эгаллаган билим ва кўникмалар, унинг дунёқарashi, ахлоқий-эстетик фикр-ғоялари, ижодий фаолияти даражасига эътибор бериледи.

Ўқувчиларнинг ўқув ишларини мунтазам кузатиб бориш

Бу метод ўқитувчига ўқувчиларда билимни ўзлаштириш, фикрлаш, хотира, билим, кўникма ҳосил қилишга, уларнинг билимни эгаллашга хоҳиши, истаги, қизиқиши, мустақил фикрлаши, қобилияти даражасини аниқлашга, билимларини холисона баҳолашга имконият яратеди.

Оғзаки-якка, фронтал сўраш. Бу методда машғулот бир ўқувчига, бир гуруҳ ўқувчиларга саволлар бериш тарзида бўлади. Бу метод одатда, билимни текшириш ва баҳолашда кенг қўлланади. Бу методнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи уни қўллаш билан ўрганилаётган матн бўйича ўқувчиларга саволлар бериб, уларни жавоб беришга тайёрлайди, шу йўл билан билимни пухта, тўлиқ ўзлаштиришларига эришади.

Оғзаки сўров методининг моҳияти шундаки, ўқитувчи ўрганиладиган матнни қисмларга ажратади ва ҳар бир қисм бўйича ўқувчиларга саволлар беради, ўқувчилар билимини текшириш имкониятига эга бўлади.

Назорат методи. Бу метод ўқувчиларнинг билимини, билим ва кўникмасини, ижодкорлик қобилиятини текшириш ва баҳолашда қўлланади. Ўқитувчи бу метод ёрдамида айрим мавзунини ёки ўқув дастурининг айрим бўлимини ўтгандан сўнг, ўқувчилар билими, билиши ва кўникмасини ёзма ёки амалий шаклда текширади.

Назорат ишини ўтказишда куйидаги дидактик та-
лабларга риоя қилинади:

— назорат ишни ўқувчиларнинг билимини пухта ўзлаштирганларига тўлиқ ишонч қилгандагина ўтказиш;

— бир-икки ҳафта олдин ўқувчиларни навбатдаги назорат иши ўтказилишидан хабардор қилиш ва унга тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаш;

— ўқувчиларга ўз фикр ва тасаввурларини намоён этиш назарда тутилган топшириқлар бериш;

— назорат иши ўрганиладиган матннинг асосий мазмунини ўқувчилар тасаввур этадиган, ижодкорлик қобилиятларини намоён эта оладиган, саволларнинг ўқувчилар масалани ҳал қила оладиган даражада бўлиши;

— назорат иши топшириқларни мустақил бажаришни таъминлайдиган бўлиши;

— назорат ишни қоида сифатида, ҳафтанинг биринчи ярмида ёки иккинчи, учинчи дарсда ўтказиш;

— бажарилган ишларнинг сифатини, йўл қўйилган хатоларни туркумлаш ва келгусида бундай хатоларни бартараф этиш йўллари кўрсатиш, тушунтириш.

Ўқувчиларнинг уй ишларини текшириш. Ўқувчиларнинг билимини ўзлаштиришларини текшириш ва баҳолашда уйга берилган топшириқнинг бажарилишини текшириш муҳим аҳамиятга эга.

Уй ишини текшириш ҳар бир дарсда амалга оширилади. Ўқитувчи вақти-вақти билан ўқувчилар дафтари олиб, уй ишларининг бажарилишини текширади, бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ишларини доимий равишда текшириб боради.

Дастурли назорат. Бу метод ўқувчилар билимини текширишда қўлланади, таълимда «алтернатив» (фран. «alternative» — танлов) методи деб ҳам аталади. Бу методнинг моҳияти шундаки, уни қўллашда ўқувчиларга саволлар бирилади, ҳар бир саволга бир неча ўқувчи жавоб беради ва жавобларидан тўғриси аниқланади.

Умуман, таълим тизимида юқорида қайд қилинган методлар билим, билиш, кўникмани текшириши ва баҳолашда ўз ўрнида қўллаб борилади.

4. ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ

ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИНГ ДИДАКТИК ВАЗИФАЛАРИ

Тўғри ташкил қилинган таълим жараёнида ўқитувчи ўрганилаётган воқеа ва объектлар ҳақида, ўқувчилар чуқур тасаввурга эга бўлишлари учун зарур имконият яратиши керак.

Таълим воситалари — жадвал, расм, сурат, модел, фотосуратлар билимни пухта ўзлаштиришни таъминлайди.

Ўқувчиларнинг амалий мустақил ишларида, она тили, чет тили, адабиёт ва бошқа ўқув дарсларда фойдаланадиган дарслик, маълумотномалар, луғатлар, илмий ва бадиий адабиётлар, жадвал, расм, фото суратлар таълим воситалари ҳисобланади ва улар билимни пухта ўзлаштиришга ёрдам беради.

Физика, электротехника, радиотехника дарсларида ўқитувчи ўқувчиларни, масалан, схема, диаграмма, макет, диафильм ва кинофильм воситасида, масалан, «Технология» курсини ўтишда схема, диаграмма, макет, диафильм, кинофильм воситасида «транзистор»нинг ташқи кўриниши ва тузилиши билан таништириш имкониятига эга бўлади.

Ўрганиладиган ҳодиса ва объект ўрганилгач, ўқитувчи ўқувчиларга ўқув воситаларни амалда қўллаш йўллари кўрсатади.

Умуман, таълим воситалари ўқувчилар учун таълим жараёнида атроф-муҳитни чуқур англашга ёрдам беради. Ўқитувчи учун, ахборот негизи сифатида, таълим жараёнини ташкил қилишда ва билимни назорат қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таълим воситаларининг дидактик вазифалари қуйидагилардан иборат:

— ўрганиладиган ҳодиса ёки объект ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборот бериш, шу билан таълим сифатини оширишга имконият яратиш;

— ўқувчиларнинг англашга бўлган қизиқиши юқори даражада ривожланишига ёрдам бериш;

— таълимнинг кўргазмалли бўлишини кўтариш, ўқув-

чилар учун қийин бўлган материалларни тушунишини таъминлаш;

— ўқувчилар меҳнатини унумли қилиш, шу асосда ўқув материаллини ўрганишни тезлаштириш;

— дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишларини кўпроқ уюштириш. Барча таълим воситаларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

— таълим мақсади учун мўлжалланган ташқи оламдаги табиий объектлар;

— ҳаракатдаги машина моделлари, аппаратлар, қурилишлар;

— техник қурилмалар макети, ўсимликлар ва уларнинг ҳосили;

— физика, кимё дарсларида ўтказиладиган ўқув тажрибаларига доир асбоблар;

— график воситалар (суратлар, расмлар, жадваллар, географик хариталар);

— техник таълим воситалар (диапозитив, диафильм, кинофильм, чизма ва товушли аппаратлар, аудио ва видео ёзувлар);

— ксерокопчирма ўқув материаллари;

— дарслик ва ўқув қўлланмалар;

— ўқувчилар билими ва билишини назорат қилиш қурилмалари.

Таълим воситаларини қўллаш соҳасида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, улар ахборот манбаи сифатида ўқитувчининг техник меҳнатдан маълум даражада озод қилади.


Таълим воситалари ўқув материали мазмунини тўлиқ ва чуқур баён этишга имконият яратади, ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантиради.

Таълимнинг техник воситалари кўргзмали ва қулай восита сифатида дидактик принциплардан самарали фойдаланишга имконият яратади.

Ахборот техник воситаси машғулотни мазмунли ташкил қилишга ёрдам беради ва объект ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишни, ўқув материалининг мазмунини баён этишни, ўқув жараёни маданиятининг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Таниқли тадқиқотчи Н. В. Лисенконинг таъкидлашича, таълим техник воситаларни қамровли (ком-

Дидактик материал турлари



плекс) тарзда қўллаш маъруза материалларини чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради.

Таниқли олим К. Е. Кошкиннинг фикрича, таълим техник воситалардан ўқув материалларини ўрганишда зарурият бўлган пайтдагина фойдаланиш керак.

Таълим техник воситалардан фойдаланиладиган машғулотга ўқитувчи жиддий, мақсадга мувофиқ тарзда тайёргарлик кўриши керак. Таълим техник воситалар асосидаги машғулотни ташкил қилиш ва ўтказишда ўқитувчи етакчи мавқеда туради. У ўқувчилар таълим ва тарбиясида марказий шахс ҳисобланади.

Дидактик техник воситаларни туркумларга ажратиш намоиш этиладиган ҳар бир материални англаб олишни таъминлайди, техник восита тури ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишга имконият яратади.

Таълим воситалари — телевидения, графопрокторлардан қамровли (комплекс) фойдаланиш видеоматериалларини юксак даражада намоиш этишни таъминлайди.

Таълимда техник воситаларини қамровли қўллаш — бу ижодий иш. Ўқитувчи ўқув ахборотини кўргазма воситаси сифатида мантиқий изчилликда баён қилади. Бунда у турли педагогик вазифаларни бажаради. Масалан, ўқитувчи машғулотни бошлашдан олдин расмларни кўрсатиш билан ўқувчилар эътиборини янги ўқув материалга жалб этади. Машғулот давомида дидактик материални намоиш қилиш билан ўқувчиларда ўрганиладиган объект ҳақида тушунча ҳосил қилади, ўқитувчи қиладиган оғзаки баёнга имконият яратади. Дарс охирида ўқитувчи дидактик материални кўрсатиш билан уни яқунлайди, навбатдаги машғулот учун вазифа, мустақил ишлашга топшириқ беради.

Таълим жараёнида кинофильм ва кинофильмдан парча намоиш этишда қуйидаги тавсиялар эътиборга олинади:

— кўп серияли кинофильм мазмунини баён қилиш учун, курсни ўқишдан олдин ва ўқув материални умумлаштириш учун, курс охирида кинофильм кўрсатиш;

— фильм мазмуни ҳақида берилган маълумотни англаш ва ўзлаштириш учун фильмни намоиш қилиш-

дан олдин ва суҳбатдан кейин ўқитувчи кириш сўзи қилиши керак;

— агар кинофильмдан олинган парча аниқ бир воқеа, масалага бағишланган бўлса, у ўқув материалини таҳлил қилиш, баён қилиш давомида уни кўрсатиш давомидан ошмаслиги лозим.

Таълимнинг бошқарув техник воситаларидан таълимнинг барча соҳасида фойдаланилади.

Ҳозирга вақтда ЭҲМ негизда амалдаги тизим муҳим аҳамият касб этмоқда. Олий ўқув юртларида турли ўқув фаолиятда компьютердан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, курс ва диплом ишини режалаштиришда, турли ўқув топшириқларнинг бажарилиши ҳисоботини ташкил қилиш ва ўтказишда, талабаларнинг илмий тадқиқотларни ўтказишда ва лабораториядаги тажрибаларда, маъруза ўқиш ва семинарларда, талабаларнинг мустақил изланиш-ахборотларида.

Олий ўқув юртларида ўқув жараёнининг самарали бўлишида ўқишнинг муҳим қисми бўлган компьютердан кенг фойдаланиш алоҳида ўринда туради.

Аммо, ЭҲМдан фойдаланишда салбий ҳолатлар ҳам бўлади. Жумладан, матнни ўқишда толиқиш бўлади, шунда матннинг айрим қисмини қоғозга ёзилганини ўқишга зарурият юзага келади;

— таълим жараёнида мукамал таълим бўлмайди. Бу эса, ўқувчининг умумий ривожига ва ўз фикрини эркин баён этишни билишнинг шаклланишига салбий таъсир этади; фикрни мустақил баён этиш эса, гуманитар фанларни ўрганишда ғоятда муҳим; ўқувчининг ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқотда бўлиши сустрлашади, натижада кўпчиликка бирлашув секинлашади, гуруҳ бўлиб мунозара ўтказишни билиш бўлмайди.

Юқорида қайд қилинган баёнлардан шундай хулосага келиш мумкин: таълимда компьютерли таълимни эҳтиёткорлик билан жиддий, пухта ўйланган ҳолда ўтказиш керак. Асосан, компьютер воситасида ўқитиш лозим бўлган ўқув материалини аниқлаб олишга эътибор бериш керак. Аммо, таълимни компьютерлаштириш келгуси учун кераклигини ҳам унутмаслик лозим. Келгусида таълимни ташкил қилишда ахборотлар, видео-

дисклар ва компактдисклар таълим тизимининг узвий қисми сифатида унинг ривожини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бунда энг муҳим масала — ўқувчининг ўқитувчи билан мулоқотда бўлишига эътибор беришдир.

5. ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ

Одамлар орасида мулоқот қуйидаги тўртта тузилишда амалга оширилади:

- ўзаро мулоқот (асосан ёзув, нутқ орқали)да;
- икки одам ўртасидаги мулоқотда;
- гуруҳ ўртасидаги мулоқотда;
- кўпчилик (коллектив) ўртасидаги мулоқотда.

Ўқув жараёнида бу тўрт хил мулоқот тузилишини қўллаш таълим жараёнининг тўртта шаклида бўлади:

- якка ҳолда;
- икки одам ўртасида;
- гуруҳ ҳолда;
- кўпчилик (коллектив) ўртасида.

Бу тўртта шакллар исталган барча таълимда ташкил қилинади. Бу — таълим жараёнининг асосий, доимий шаклидир. Таълимда бу шаклларни қўллаш гурли ёшдаги ўқувчилар фаолиятини ташкил қилишда юзага келади.

Техник воситалар бу шаклларни такомиллаштиради ва тўлдирди.

Таълим йўллари қуйидагича туркумланади:

- алгоритмик;
- эвристик.

Таълимий алгоритм ва унинг бошқа турлари бир хил вазифани бажаради. Алгоритм ўқувчи ва талабаларда аниқ фикрлашни, кўчириб ёзиш ва қоида, малакани тарбиялайди, топшириқни ҳал қилиш йўллари кўрсатади. Таълим жараёнида алгоритмни қўллашнинг асосий шакли — топшириқ ва машғулотларни ташкил қилиш йўллари кўрсатилган дастур тузиш. Дастурий таълим талабаларнинг мустақил иш шакллари-дан бири бўлиб дастурий топшириқ бўйича ўқув фа-

нини ўрганиш ҳисобланади. Эвристик метод қўйилган вазифани бажаришдаги изланишларни амалга оширишга имконият яратади.

Эвристик методнинг асосий мақсади — ўқув вазифаларини бажаришда илгари амалиётда татбиқ этилган қоида ва изланиш йўлларини, шахсан ўқувчилар ўтказган тажриба, кузатиш ишларини баҳолаш. Бу ишлар ўқувчиларнинг билимни мустақил изланишлари ва қилган таҳлилларини хулосалаш, яқунлашга имконият беради.

ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ

Ҳозирги вақтда дарсга психологик-педагогик талаблар ҳам қўйилмоқда. Ўқувчи шахсини ривожлантиришда маълум натижага эришиши учун, ўқитувчи ўз олдига аниқ ривожлантириш мақсадларини қўйиши, уларни ўқувчилар онгига етказиши ва қўйилган мақсадни англаб олишларига ҳаракат қилиши керак.

Ривожланиш мақсадлари, агарда уларни режалаштириш мураккаб объект ва уларни бошқариш методологик тахмин каби тизимли ёндашишни аниқлайдиган бўлса, маълум натижага олиб келади.

Ривожланиш мақсадлари:

1. Ривожланиш мақсади аниқ бўлиши керак. Масалан, тушунчанинг муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ажратиш, тушунчани аниқ шакллантириш, дарс мавзусига мос ўқув материални ажратиш.

2. Ривожланиш мақсади объекти (ўқувчи шахснинг ривожланиши)ни назарда тутувчи, бир бутун, қисмлари ўзаро узвийликда (психологик жараён, хусусият, шахсий йўналиш, фаолият психологияси, коллектив фаолияти) бир тартибда бўлиши керак.

3. Ўқитувчи раҳбар сифатида ривожланиш, ривожлантиришда бош мақсад — шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва унга аниқ мақсадни итоат эттириши керак. Бош мақсад омиллар тартибини ташкил этувчи сифатида юзага келади.

4. Тартибнинг ҳар бир қисми (масалан, англаш жараёни) ўз хусусиятини сақлаган ҳолда, ўзаро боғланган ва бошқа қисмлар билан ўзаро алоқада бўлади.

Ҳар бир тартиб атроф-муҳитда бор ва шунинг учун қисмларда қисм ёки янада катта тартибда тартиб бўлади. Мураккаб тартиб шундай тартибда юзага келади.

Турли даражадаги тартиблар бир-бирини тўлдирувчи, қисман мустақил тарзда ҳосил бўлади. Бундай ўзаро боғланиш бир бутун тартибни таъминлайди.

С. Н. Подчеварова ва В. А. Подчеваров ўқувчилар ривожини қуйидаги режалаштириш намунасида тавсия этади.

НАМУНАВИЙ ДАСТУР

Умумий тавсия:

1. Эслаш лозим бўлган материал ҳажмини, мавзу масалаларини аниқ кўрсатиш.

2. Ушбу ўқув материални хотирада сақлаш мақсадининг ўзига хос объекти аҳамиятини ёритиш.

3. Узоқ вақт, доимо ёдга олинадиган вазифалар қўйиш.

4. Янги материал билан олдин ўтилган материал ўртасида узвийлик ўрнатиш.

5. Материални мазмунига кўра гуруҳларга, эсландиган материалда мантиқан кичик ва йирик қисмларга ажратиш.

6. Материални қайта ишлаш йўллари кўрсатиш: ўзининг сўзи билан қайта ҳикоялаш ёки ундаги асосий фикрни белгилаш ёки кичик ҳажмда режа тузиш, коспект, тезис тузиш.

7. Материални пухта ўзлаштириш, хотирада сақлаш учун доимий такрорлашни ташкил қилиш.

8. Ўрганиладиган материалга онгли қизиқишни ўстириш.

9. Асосий эътиборни ўрганиладиган материалга қаратиш.

10. Ўқувчига ўз хусусиятига мос мақсадга мувофиқ усул, приёмларни аниқлаб олишни таъкидлаш.

11. Эслаш ва хотирада сақлашнинг тўғрилигини ва ўз-ўзини назорат қилишни кузатиш.

Айрим тавсиялар:

1. Ҳикояни аста, диққат билан ўқи.

2. Унинг асосий қисмини белгила.

3. Ҳикоя қисмларига сарлавҳа қўй ва уларни ўз сўзингиз билан ёки матн сўзи билан ифодала.

4. Китобни ёпиб қўйиб, режа бўйича ҳикояни қайта сўзлаб бер.

5. Ўзингни текшир, ҳикояга берилган барча саволларга жавоб бер.

Ёдлаш йўллари:

1. Матнни тўлиқ (эсда қолгунга қадар) ўқиш.

2. Матн қисмларини ўқиш ва қайта ҳикоялаш.

3. Қамровли — аввал матниқий узвийликда бўлган қисмларни ажратиш ва қайта ҳикоялаш, сўнгра бутун матнни ўқиш.

НАМУНАВИЙ ДАСТУР

Оғзаки ва ёзма нутқ маданияти

1. Матнни ўқишни, ўқилганни тушунишни, мантиқий қўйилишини, таҳлил қилишни ўрганиш.

2. Матнни мантиқий узвийликда, қисқа ва кенг равишда қайта ҳикоя қилиш.

3. Матнни тўғри ва тез кўчириш, оғзаки айтилаётганни ёзиб олишга улгуриш.

4. Фанларни, расмларни оғзаки ва ёзма ифодалаш, улар асосида ҳикоя тузиш.

5. Саволларга тўлиқ ва қисқа жавоб бериш, матнга, ўқувчилар жавобига, ўқитувчи ҳикоясига саволлар тузишни билиш.

6. Мустақил равишда ҳикоя тузиш.

7. Режа асосида хабарлашиш, қўшимча равишда ахборот манбаларидан фойдаланиш.

8. Кўпчиликнинг муҳокамаларида иштирок этиш.

9. Турли соҳалардан олинган, турли ахборот манбалари асосида маъруза қилиш, иншо ёзиш.

10. Мавзу, мақсад, фараз, усул, вазифаларни ифодалашда тадқиқот ишларнинг бориши ва натижасини белгилаш, ажратиш.

11. Ўз фикрини асослаш, далиллашни билиш.

12. Ўқув материалига, ўртогининг жавобларига тақрир ёзишни билиш.

13. Ўз маданий нутқини ўстириш устида ишлаш.

НАМУНАВИЙ ДАСТУР

Ўқув жараёнида ўқувчи эркинлигининг ривожланиши

1. Эркинлик тарбияси мақсадини қўйиш.
2. Таълим жараёнида ўқувчиларда эркинликни ривожлантиришни ўрганиш — бу таълим жараёнини юқори даражада фаоллаштириш.
3. Эслаш маданиятини, ақлий меҳнат маданиятини, нутқ маданиятини эгаллаш.
4. Оғир, лекин мураккаброқ ўқув меҳнатини бажариш.
5. Кун тартибига, меҳнат режасига риоя қилиш.
6. Амалий ҳаракатда бўладиган қийинчиликни бар-тараф этишни машқ қилиш.
7. Ишни мустақил бажариш. Бунда уч турдаги мустақил иш бир-биридан фарқ қилади:
 - а) мақсадни қўйиш ва топшириқларни режалаштиришни ўқувчилар ўқитувчи билан бирга бажарадилар;
 - б) мақсадни ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширадилар, топшириқни ва уни режалаштиришни мустақил бажарадилар;
 - в) ўқитувчи топшириқ беради ва унга доир манбани, адабиётларни тавсия этади, қўйилган мақсадни англаш, режалаштириш ишларни ўқувчилар мустақил амалга оширадилар.
8. Мақсад мазмунини ёритиш йўли билан ўқувчиларда эркинликни ривожлантиришга бўлган талаб, фаолият тартиби (машқ қилиш) тарбияланади.
9. Мунтазам равишда ўқувчилар фаолиятини ва хулқини назорат қилиш ҳамда баҳолаш (рағбатлантириш, талаб қилиш, кўнгил кўтариш, танбеҳ ва бошқалар).

НАМУНАВИЙ ДАСТУР

Ўқувчиларнинг билиши ва малакаси ривожланиши

1. Билиш ва малакага мос бўлган мақсад ва топшириқни қабул қилиш.
2. Билиш ва малакани эгаллаш зарурлигини тушу-

ниш — кўрсатилган фаолиятнинг ижобий датили, ишоти.

3. Мазмунни, узлуксизликни ва ҳаракат хусусиятини ўзлаштириш, билиш, малакани эгаллаш, фаолиятни бажариш учун зарур.

4. Билиш ва малака ҳосил қилиш бўйича амалий машқ, ҳаракат қилиш.

5. Билиш ва малакани эгаллаш жараёнини ва ўз-ўзини назорат қилиш.

6. Билим ва малакани эгаллашга тўғри таъсир кўрсатиш.

7. Билим ва малакани айнан ҳолда қўллаш.

8. Билим ва малакани хулқий фаолиятда ҳаракат қилиш билан такомиллаштириш.

ТАХМИНИЙ ДАСТУР

Ўқувчиларнинг онгли қизиқиши ривож

1. Ўқув фанни англаш, билиш ва боланинг ташқи оламга янгича муносабатда бўлиш мақсадида қилган аниқ фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш.

2. Машғулот жараёнида ўқиш (меҳнат) ва меҳнат натижаси бўйича болага қувонч бахш этиш учун уни ақлий (жисмоний) фаолиятга жалб қилиш.

3. Ўқитувчи, жамоа томонидан ўқувчи меҳнатининг натижаси ва сифати билан бирга муваффақиятининг натижаси ҳам ижобий баҳоланади.

4. Ўқувчининг онгли қизиқишларининг мазмуни ва йўналишини чуқурлаштириш.

5. Қизиқишни ўқув, ижтимоий, меҳнат, фаолият жараёнида муаммоли масалани ижодий ҳал қилиш, назарий умумлаштириш билан боғлиқ ҳолда чуқурлаштириш.

6. Қизиқишни ўқувчининг ҳаётий режаси, муаммоли масалани мустақил бажариш билан боғлиқ ҳолда чуқурлаштириш.

7. Қизиқишни топшириқни бажариш жараёнидаги ақлий фаолиятни топшириққа тадқиқот тарзида муносабатда бўлишда ривожлантириш.

8. Ўқувчини кўпчилик фаолиятига жавобгарликни сезгани ҳолда жалб қилиш.

9. Турли ижтимоий топшириқларни фаоллик билан бажаришларида ўқувчиларнинг онгли қизиқишларини ривожлантириш.

10. Ўз-ўзларини назорат қилишларини ва топшириқларни бажариш йўллари, эришган натижаларини баҳолаш орқали қизиқишни ривожлантириш.

11. Ўзининг билими ва ўзини тарбиялаш дастури асосида ўқувчининг билишга жиддий қизиқишини ривожлантириш.

ДАРС ТУЗИЛИШИ

Дарсни режалаштириш босқичлари ва ўқитувчининг тайёрланиши.

1. Мавзу ёки унинг қисмлари бўйича дарс тартиб-ини ишлаб чиқиш.

2. Дастур, дарслик, методик қўлланма, ёрдамчи адабиётлар асосида дарснинг таълим-тарбиявий вази-фаларини аниқлаш.

3. Дарс мазмунига мувофиқ материал танлаш, уни мазмунан тугалланган қисмларга бўлиш, муҳим аҳамиятга эга бўлган билимни белгилаш.

4. Ўқувчи тушунадиган ва эслаб қоладиган асосий материални ажратиш.

5. Дарс тузилишини ишлаб чиқиш, унинг тури ва таълим мақсадига мувофиқ бўлган методларни белгилаш.

6. Мазкур материалнинг бошқа ўқув фанлари материали билан узвийлигини аниқлаш, ўқувчиларда янги билим ва билишни шакллантиришда бу узвийликдан фойдаланиш.

7. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарснинг барча қисмларида — янги билим ва билишни эгаллашларида, уларни амалда тадбиқ этишда қиладиган ишларини режалаштириш.

8. Дарсда фойдаланиладиган дидактик воситаларни (кино, диафильм, расм, харита, жадвал ва қўшимча адабиётларни) аниқлаш;

9. Дарсда ўқувчиларнинг мустақил бажарган ишла-

ри мазмунини, шакли ва ҳажмини аниқлаш, мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.

10. Дарсда ва уйда эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш йўли ва шаклларини аниқлаш ҳамда уларни умумлаштириб тартибга солиш.

11. Уйга бериладиган вазифа ва топшириқлар мазмунини, ҳажмини ва шаклини, методини аниқлаб олиш.

12. Мавзу бўйича синфдан ташқари ишларни ривожлантириш:

— таълим вазифаларини ва уларнинг тарбиявий вазифалар билан узвийликда бўлишини, дарсларнинг умумий таълим тизимида тутадиган ўрнини аниқ белгилаб олиш:

— ўқувчилар тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда, ўқув дастурида қўйилган мақсадга кўра, дарс мазмунини белгилаш;

— ўқувчиларнинг дарс босқичларида билимни ўзлаштириш, билиш маҳоратининг шаклланиш даражасини ҳисобга олиш;

— дарс жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш, билимни эгаллашда уларда мустақилликни оширишга ёрдам берадиган метод, йўл ва воситаларни белгилаб олиш;

— дарсда барча дидактик принциплардан фойдаланиш;

— ўқувчилар ўқишининг самарали бўлиши учун шароит яратиш.

Дарснинг психологик мақсади:

— аниқ ўқув фанини ва аниқ дарсни ўрганишда ўқувчиларнинг ривожланишини лойиҳалаштириш;

— бутун дарс давомида олдин ўтилган мавзунини ўрганишда, эришилган ютуқлар натижасини таҳлил қилишда психологик вазифаларни ҳисобга олиш;

— айрим воситаларнинг психологик-педагогик таъсирини назарда тутиш.

Дарс услуби:

1. Ривожланган таълим принципларига мувофиқ бўлган дарс мазмуни ва тузилишини аниқлаш:

— топшириқларнинг ўқувчилар хотирасига ва фикрлашига мослиги;

— ўқувчиларнинг ўзлаштириш ва ижодий фаолияти даражасини аниқлаш;

— ўқувчилар фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, баҳолаш.

2. Ўқитувчининг ўз-ўзини бошқариш хусусияти:

— дарсга тайёр бўлиш ва энг муҳими, дарсни амалга ошириш учун психологик мақсадни англаш ва жиддий тайёргарлик кўриш;

— дарс бошланишида ва уни ўтишда фаол бўлиш;

— педагогик одоб ва хушмуомала бўлиш;

— дарсда психологик шароит (хурсандлик, чин тотувлик, ишчан мулоқот) бўлиш.

1. Ўқувчиларнинг фикрлашлари ва тасаввур қилишлари учун шароит яратиш:

— ўқувчиларда ўрганиладиган соҳа ва ҳодисалар, уларни тасаввур қилиш йўлларини режалаштириш;

— ишонтириш, уқтириш шаклларида фойдаланиш.

2. Янги билим ва билишни амалга ошириш жараёнида ўқувчиларда фикрлаш ва тасаввур қилиш фаолиятини ҳосил қилиш:

— ўқувчилардаги билим ва билишнинг шаклланиш даражасини аниқлаш;

— ўқувчиларда фикрлаш ва тасаввур қилиш фаолиятини ҳосил қилишда психологик қонунларга риоя қилиш;

— турли иш шаклларида (суҳбат, ўқувчидан сўраш, такрорлаш бўйича машқ уюштириш) фойдаланиш;

— ўқувчиларда фаоллик ва мустақил фикрлашни таъминлайдиган усул ва ишларни режалаштириш;

— ўқувчиларнинг турли ижодий ишларидан (материал танлаш ва тартибга солиш, натижаларни қайта ишлаш ва умумлаштириш ва ҳ.к.) фойдаланиш.

3. Иш натижасини мустаҳкамлаш:

— кўникмаларни машқ йўли билан шакллантириш;

— олдин ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни янги иш шароитда амалга оширишга ўрганиш.

— ўқувчиларнинг ўқишга муносабатини, ўзаро ҳамкорлиги ва ақлий фаолиятини ривожлантириш.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиш:

— дарсда ўқувчиларнинг шахсий ва ёш хусусиятини ҳисобга олиш;

— кучли ва кучсиз ўқувчиларни ҳисобга олган ҳолда дарс ўтиш;

— кучли ва кучсиз ўқувчиларга, билим даражаларини ҳисобга олган (табақалаштирилган) ҳолда, муносабатда бўлиш.

4. Синф хоналардаги шарт-шароитни, ҳолатни назорат қилиш:

— синф хонасининг иссиқ-совуқлиги;

— ҳавоси тозалигини кузатиб бориш;

— ўқувчиларни чарчаш ва толиқишдан сақланиш ҳақида огоҳлантириш;

— фаолиятни турли шаклда намоён этиб бориш;

— ўз вақтида бир-икки дақиқалик жисмоний машқ ўтказиш;

— ўқувчиларнинг ўқишга, ишга тўғри муносабатда бўлишини кузатиб бориш;

— синф жиҳозларининг ўқувчилар ёшига мос бўлишини кузатиб бориш.

— дарс ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, билимга эҳтиёж ҳиссини уйғотадиган тарбиявий хусусиятга эга бўлиши керак;

— дарс тезлиги ва вазни бир меъёردа, ўқитувчи хатти-ҳаракатига мувофиқ бўлиши керак;

— дарсда ўқитувчи ва ўқувчининг муносабати, мулоқоти ўзаро уйғунликда бўлиши керак;

— дарс мактабда ўрнатилган тартиб-қоидага риоя қилинган ҳолда бўлиши лозим;

— ўқитувчи ўқувчининг билимни фаол ўрганишини таъминлаши керак.

6. ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМИ БАҲОСИ

Ўқитувчининг баҳолаш фаолиятидаги асосий мақсад — ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш ва уларда ўзлаштирганларини ўзлари баҳолаш кўникмасини шакллантириш.

Ўқувчининг билим ва кўникмалари, билим ҳамда билиш фаолияти предмети бўлиши билан бирга, баҳолаш фаолиятининг предмети ҳамдир.

Ўқувчининг ўқув фаолияти натижаларига қўйилган баҳо иш хулосаси бўлиб, у ишга бўлган муносабатни ақс эттиришига қараб амалга оширилади.

С. Л. Колотел томонидан амалга оширилган назарий таҳлил бўйича, педагогик баҳолаш жараёнлари таълим-тарбия жараёни эмас, балки ўқитувчининг ўқувчини ўрганишга йўналтирилган фаолияти жараёнидир.

В. А. Якуниннинг фикрича, таълим натижаларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган муҳим педагогик билиш ўртасидаги муҳим масала қуйидагилардир:

— қўйилган мақсадни ҳаётга татбиқ этилишини ва қабул қилинган педагогик қарорнинг бажарилишини кузатиш;

— турли шакл, тур ва йўлларни, ўзаро назорат, ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилишини амалга ошириш;

— ўқувчиларнинг кичик ва катта ўқув муваффақиятларини объектив баҳолаш;

— уларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ва хулқларини (ахлоқларини) назорат қилишларини кузатиб бориш;

— ўқувчиларнинг қийналишлари сабабини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш;

— уларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш асосида уларда шахсий фаолиятни шакллантириш.

БАҲОЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Бу масала ҳақида С. Л. Рубиненштейн, Б. Г. Ананьев, В. М. Полонский, Ш. А. Амонашвили, Г. А. Щукина, Н. А. Батурин каби олимлар ўз фикрларини билдирганлар. Уларнинг фикрлари ўрганилганда, шу нарса маълум бўлдики, психология — педагогик адабиётларда баҳонинг моҳияти ва аҳамияти деган иборада ўқувчининг ўзига хос хусусияти ва унинг ўқув фаолияти тушунилади.

Ўқувчи ўқув фаолиятининг ютуғи баҳоси қуйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин:

— кичик шаклда (имо-ишорада, овознинг турлича ўзгаришида, ўзлаштириш ҳақида бериладиган танбеҳда);

- ўқувчиларнинг умумий хатти-ҳаракатида (хусусиятида);
- баҳода;
- фикрни баён этишда (ўқувчи билан якка суҳбатда, ота-оналар мажлисида);
- мактабнинг ички тартиби назарда тутилганда.

Педагогик баҳонинг вазифаси

Педагогик баҳо ўқувчи шахсига, ўқувчи, ва синф ўқувчилари ўртасида бўлган муносабат ва фикрнинг ўзгаришига таъсир этади. Баҳолаш таъсири натижасида ўқувчиларда ўз-ўзига баҳо бериш ва талабчанлик шаклланади.

Кейинги вақтларда ўқувчилар фаолиятининг муваффақиятлигини баҳолаш муаммоси бўйича яратилган психологик-педагогик адабиётларда баҳо вазифалари қуйидагича кўрсатилади:

- ижтимоий;
- таълимий;
- ҳаяжонли (эмоционал);
- тарбиявий;
- ахборотли;
- йўналтирувчи;
- асосли;
- ибратли.

Ўқитувчи педагогик маҳоратининг муҳим қисмларидан бири баҳони айтиш оҳангини танлаб олишдир. Ўқитувчи баҳолаш билан ўқувчининг келгуси ўқиши ҳақида ўйлайди, баҳолаш билан маълум мақсадни кўзлайди. Педагог билим ва билиш, тажриба ўқитувчининг педагогик мавқеи, яъни жавобгарликни сезиш — ўсиб келаётган ёш авлод ва жамият олдидаги жавобгарликка мос бўлиши керак.

Таълим-тарбия жараёни ўқитувчи раҳбарлигида болади, ўқувчининг ўқув меҳнати билан боғлиқ кечинмалари ўқитувчи билан ўзаро муносабатларида ифодланади, бу ифода ўқитувчининг педагогик маҳоратга эгаллигига ёрқин кўрсаткичдир.

Ўқитувчининг маҳорати ўқувчиларда ижодий маҳоратни ривожлантиришида ҳам намоён бўлади.

Педагогикага «баҳо»ни тўғри татбиқ этиш ҳам муҳим педагогик санъат. Бу, фақат, объективлик эмас. Баҳонинг психологик самаралилигини ҳисобга олиш, ўқитувчининг бу самарадан ўқувчиларга таъсир кўрсатиш мақсадида фойдаланиши, бу санъатнинг муҳим жиҳатидир.

Баҳо объектив бўлиши керак. У таъсирли бўлиши ва ўқувчиларга муваффақият келтирувчи бўлиши учун, ўқитувчи онгли равишда ҳаракат қилиши лозим.

БАҲОНИНГ ОБЪЕКТИВЛИГИ

Баҳо муаммосининг объективлиги — мактаб таълими назарияси ва амалиётида бирдан-бир муаммо ҳисобланади. Бу муаммо методик жиҳатдан умумий ўрта таълим мактаб дастуридан ўрин олган айрим ўқув фанлари бўйича баҳо мезонини ишлаб чиқиш билан ҳал қилинади. Баҳонинг дастурий меъёри, аниқ ўқув предмети назарда тутилган ҳолда, ўқувчиларнинг ҳар бир ўқув фаолияти учун «алгоритм» принципи бўйича қурилади. Бу муаммо ҳақида В. И. Михеев, А. Г. Ковалев, В. В. Усанов, А. А. Кузнецов, С. И. Гореславский, В. М. Полонский ва бошқа педагог олимлар ўз фикрларини билдиришган.

Умуман, баҳонинг объективлиги масаласи педагогикага яқин бўлган барча соҳа мутахассисларининг тадқиқ предмети бўлиши керак. Бунда бирон бир тадқиқотни асос деб бўлмайди. Бу масалани ёритиш методистлар, психологлар, педагог олим ва ижодкор, тажрибали ўқитувчиларнинг ҳамкорлигини тақозо қилади.

И Л О В А

Мактаб ҳақида

Мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир.

Маҳмудхўжа Бехбудий

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир.

Абдурауф Фитрат

Халқ учун нондан сўнг муҳими мактаб.

Жорж Дантон

Дарс ҳақида

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир.

Абдулла Авлоний

Ўқитувчи ҳақида

Билимни гўзал тарзда ўқитиш — илоҳий санъат!

А. Франс

Ўрнак кўрсатиш ваъз-насиҳатга қараганда ҳар доим кучлироқ таъсир этади.

С. Жонсон

Намуна кўрсатган ҳолдагина инсон энг юксак натижага эришади.

С. Цвейг

Таълимнинг сири ўқувчига ҳурматда бўлишдир.

Ральф Уолд Эмерсон

Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, муътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз.

И. Каримов

Китоб ҳақида

Токи китоб бор экан, ҳеч қачон ўтмиш эскирмайди.

Э. Бульвер-Литган

Яхши китобни ўқиш билан одам ўзини янада кучли, билимли, номусли сезади.

Я. Судрабкали

Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидоси.

С. Цвейг

Китоб фикрлаш қобилиятимизни ҳаракатга келтирувчи ихчамгина қуролдир.

Э. Фаге

Китоблар — ақл фарзандлари.

Ж. Свифт

Китоблар мангулик хусусиятига эга. Улар инсон фаолиятининг энг умрбоқий меваларидир.

С. Смайлис

Яхши китоб муаллифнинг одамзод учун амалга тортиги саналади.

Ж. Аддисон

Кутубхоналар инсоният барча маънавий бойликларининг дурдоналари бўлиб келган.

Г. Лейбниц

Ахлоқ-одоб ҳақида

Одамлар билан уларнинг ақлига монанд гаплаш.
Оқиллар наздида гар ўлтириш одобдир,
Маслаҳат ташлаганда сўзга кўрсатгил ҳиммат.
Икки нарса ақлга сигмайди гар билсанг,
Сўзлаш пайти сукуту кераксиз жойда суҳбат.

Саъдий Шерозий

Ҳамма ишда ва ҳар қандай суҳбатларда сабр-қаноатли бўлинг.

Ж. Леббок

Ақл ҳақида

Инсон табиатининг икки асосий бисоти ақл ва фикридир.

Плутарх

Ақл — инсоннинг маънавий қуроли.

В. Г. Белинский

Ер юзида ақлчалик чинакам эътиборга лойиқ ҳеч нарса йўқ.

К. Гельвеций

Ақлли кишилар — бебаҳо қомус.

Амалий мақсадни кўзлаган кучли ақлгина дунёдаги энг мақбул ақл саналади.

И. Гёте

Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

И. Каримов

Ақл қўлами ғояларнинг кам ва кўплиги ҳамда уларнинг уйғунлиги билан ўлчанади.

К. Гельвеци

Илм ҳақида

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

Имом ал-Бухорий

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар.

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шундан билурсанки илм бепоён.

Фирдавсий

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

Абу Наср Форобий

Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғатга ҳеч бир заҳматсиз етказди.

Абу Лайс ас-Самарқандий

Қийин фан йўқ, қийин баён қилиш бор.

А. И. Герцен

Умрнинг бутун маъноси мавҳумликни тўхтовсиз забт этиш, тобора ва ҳамиша кўпроқ билишга интилишдир.

Эмил Золя

Биз билган барча нарса — чегараланган,
Билмаган нарсамиз — чегарасиз.

П. Паплас

Билимга элтувчи ягона йўл, бу — фаолиятдир.

Бернард Шоу

Фан олға силжиган сайин бетўхтов янгиланиб бо-
ради.

Виктор Гюго

Кимки ўрганишни уят, ор демас, сувдан дур топа-
ди, тошдан лаъл, олмос.

Низомий Ганжавий

Суҳбатлашиш маҳорати ҳақида

Бирдан-бир ҳақиқий неъмат одамларнинг бир-бири
билан мулоқотидир.

А. Сент-Экзюпери

Суҳбатда вазминлик ва ўринли гапириш гапга че-
чанликдан юқори туради.

Ф. Бекон

Суҳбатни шундай олиб бориш керакки, суҳбатдош-
ларнинг ҳар бири ундан наф олсин, билими янада
бойисин.

Гераклит

Ҳақиқатни билишни истасанг, гапни охиригача
эшит.

Публилий Сир

Баҳс, мунозара ҳақида

Баҳс — фикрларни англиштиришнинг фавқулодда қулай усули.

Ф. М. Достоевский

Баҳслашганинда сўзинг майин, далилинг қатъий бўлишига интил.

Ж. Вилькис

Баҳслашганда қайсарлик қилиш ва ҳаддан ташқари қизишиб кетиш нодонлик аломати.

М. Монтень

ДАРСЛАРДА КЎРГАЗМАЛИЛИК

Асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни расмлар, образлар орқали жонлантириб, қайта эсга солиш кўргазмалилик деб аталади. Матнни ўзлаштиришда тасвирий санъат, мусиқа, кино, телевидение каби воситалар ёрдам беради. Санъатнинг бу турлари ахборот манбаи бўлиб, ўқувчида эстетик туйғуни уйғотади, ёзувчи яратган образларни чуқур англаб олишга хизмат қилади. Дарсларда санъатнинг бу турлари билан бирга, кўргазмали восита сифатида график материаллардан (чизма, жадвал, расм ва бошқалар) ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда кўрсаткичлар, телевизор, эпидиаскоп, фильмоскоп, магнитофон каби техник воситалар мактабларда бор, дарсни уларсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди.

Кўргазмали қурооллар дарсда ва синфдан ташқари ишларда маълум мақсадда қўлланилади. Ўқитувчи улардан тўғарак ва бошқа машғулотларда ҳам фойдаланади. Ўқитувчи ўз олдида тасвирий санъат, мусиқа асарлари билан, ўқув ёки кинофильм асосида ўқувчиларнинг санъат турлари ҳақида тасаввурини ўстиришни мақсад қилиб қўйса, улардан фойдаланиш асарни чуқур ўзлаштиришга, ўқувчиларнинг адабий ривожига кучли таъсир кўрсатади.

Дарсда кўргазмалиликнинг фойдаси ўқувчиларнинг асарларни пухта ўзлаштиришларига ёрдам бериши билан белгиланади.

КЎРGAЗМАЛИЛИКНИНГ ВАЗИФАСИ

Дарсларда кўргазмалиликни мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш билан ўқувчиларнинг ёзувчи ижоди ва унинг бадиий асарларини, адабий-назарий билимларни англаб, билиб олишларига адабий-маданий нуқталарини ўстиришга эришиш ўқитувчининг олдида турган муҳим вазифалардир. Бу вазифалар турли ҳолат, вазиятда турли характерда амалга оширилади.

Кўргазмалилик амалга оширилган дарсда ўқувчиларда фаоллик ошиб бориши зарур. Агар уларда ана шу фаоллик бўлмаса, бундай кўргазмалиликнинг аҳамияти ҳам бўлмайди.

Ўқувчининг материални баён қилиш жараёнидаги ҳикояси — изоҳи ҳам кўргазмалилик ҳисобланади. Ҳикоялаш кўргазмалилигини қўллашда дарсда шундай вазиятни яратиш лозимки, ўқувчилар ҳам ўқитувчи суҳбатига қатнашиб, мустақил ишларни бажарсин. Шундагина кўргазмали воситалар ёрдами билан ўқувчилар адабий асардаги янгиликни пайқаб, билиб оладилар.

Ўқувчиларда фаолликни ошириш турли рассомлар яратган асарларни бир-бири билан таққослашни талаб қилади. Бу тур машғулот ўқувчиларнинг ёзувчи ва улар яратган қаҳрамонлар тўғрисидаги тасаввурини бойитишда, асарда тасвирланган ҳаётни тушунишга, мавзудаги яқинликни билиб олишга ёрдам беради.

Кўргазмалилик ёрдамида билимни мустақамлаш ва умумлаштириш ўқувчилар фаоллигини оширишни талаб қилади. Бу ўринда ўқувчиларни жалб қилиш мумкин.

Умуман, кўргазмалиликнинг вазифаси хилма-хил бўлиб, у ўқувчиларда ҳис-ҳаяжон уйғотади, фаолликни оширишда, ўтмишдаги маданий-маиший ҳаёт тўғрисида олган билимларини тўлдиришда, ёзувчи ва унинг асарлари, қаҳрамонлари ҳақидаги тасаввурини бойитишда, табиий, тарихий, назарий билимларини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга. Таълимда кўргаз-

малиликнинг муҳим аҳамият касб этиши учун ҳар бир дарсда унинг вазифаси аниқлаб олиниши керак.

КЎРГАЗМАЛИЛИК ТУРЛАРИ

Ҳозирги даврда ўқитувчилар ихтиёрида кўрғазмалиликнинг хилма-хил турлари — бадий-расм ва график материаллар, радио эшиттириш ва грампластинка ёзувлари, кинофрагментлар, ўқув ва кинофильмлар, телефрагментлар, диафильмлар ва бошқалар мавжуд. Улар кўрғазмалиликнинг экран, эшитув, синтетик турига киради.

Экран кўрғазмалилиги: Бу кўрғазмалилик адабиёт ўқитишда муҳим аҳамиятга эга. Дарсда ёзувчи портрети, асарларига ишланган расмлар, турли жанрдаги асарларга доир суратлар, ёзувчининг ҳаёти, яшаган жойларига доир фотосуратлар, асар қаҳрамонларининг макети ва ҳайкалини намойиш этишда экрандан фойдаланилади.

Дарсда расмлардан фойдаланишда расм ҳажмининг техника воситасига мос бўлишига эътибор берилади.

Одатда расмлар (откреткалар) тўплами тарқатма материал деб номланади. Бу номланишда унинг қўлланниши ҳам ўз ифодасини топган. Яъни, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва имкониятини ҳисобга олиб, уларга турли хилдаги откреткаларни тарқатади.

Кўрғазмали альбом тасвирий материалларгина эмас, ҳужжатли материаллар — тақризлар, ёзувчи ёки унинг замондошлари билдирган фикрлар, ёзувчиларнинг ўзаро ёзишган мактубларидан иборат бўлади. Бу тасвирий ва ҳужжатли материаллардан дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда, мустақил ишларда фойдаланилади.

Бадий расмлар — диафильм ва диапозитивларга яқин туради. Диафильмлар биографик-обзор характерида бўлиб, унда ёзувчининг расми, унга яқин бўлган кишилар расми, ҳужжатли материаллар, тарихий-маиший характердаги расмлар шунингдек, асарларига, график қўлланмаларга чизма, жадвал ва плакатлар киради. График кўрғазмани ишлашда унинг эстетик талабалар даражсида бўлишига, илмий-методик жиҳатдан тўғри ва саводли, ўқувчиларнинг билимни чуқур ўзлаш-

тиришга ёрдам берадиган бўлишига эътибор берилади. Дарсда график кўргазмалилигидан фойдаланиш, ўз навбатида, ўқитувчидан моҳирлик билан иш кўришни талаб этади.

Товуш кўргазмалилиги: Товуш кўргазмаси ўқувчи асарни, айниқса, поэтик асарни чуқур идрок қилишларига ёрдам беради.

Дарсда ўқитувчи матнни ўзи ўқиганда, табиийки, ифодали ўқиш қоидаларига риоя қилади, айрим мисралар мазмунини тушунтиради, баъзи сўз ва ибораларга изоҳ беради, ўқувчидан сўрайди. Бу ишларни у ўқувчиларни ифодали ўқишга ўргатиш ва уларда ижрочилик қобилиятини шакллантириш мақсадида амалга оширади. Бу иш, ўз навбатида ўқитувчидан товуш кўргазмалилигини пухта эгаллашни талаб этади.

КЎРГАЗМАЛИЛИКНИНГ СИНТАКТИК ВОСИТАЛАРИ

Кинофильм ва телевидениеда экран ва товуш кўргазмалилиги мужассамлашган бўлиб, уларда воқеа кишилар образи орқали ифодаланади. Шу жиҳатдан ҳам кино ва телевидение таълим ва тарбияда муҳим аҳамиятга эгадир. Улардан дарсда самарали фойдаланиш ўқитувчининг техника воситаларини қанчалик яхши билиши ва уларни амалда қўллай олишига боғлиқ. Ушбу экран кўргазмалари ўқувчиларда ҳаётий воқеа ва кишилар ҳақида катта таассурот уйғотади, ҳаётда ўз ўринларини белгилаб олишларига ёрдам беради.

ДАРСДА КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланиш усули

Ўқитувчи кўргазмали воситалардан фойдаланишни режалаштирганда, аввало, дарс жараёнида, дарснинг ҳар бир босқичида унинг дидактик вазифасини белгилаб олиши керак.

Мактабларда ўтказилган тажрибаларда бадиий асарни ўрганишнинг барча босқичларида ҳам кўргазмали воситалардан фойдаланиш яхши натижа берганини кўрсатади. Масалан, «Узум» шеърини ўрганишда, шу шеър асосида яратилган диафильмни намойиш этиш

билан ўқитувчи синфда кўтаринки руҳ яратди, ўқувчиларни фикран поэтик оламга олиб кирди.

Материал танлаш: Кўргазмали материал танлаш дарс олдига қўйилган вазифа талабига кўра амалга оширилади. Материал танлашда ўқитувчи унинг сифатига эътибор беради, ундан фойдланиш меъёри ва усулини белгилаб олади.

Дарсда санъат турларининг ўзаро алоқадорлиги уларга ғоятда эҳтиёткорлик билан ёндашишни, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятга эътибор беришни талаб қилади.

ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Ҳар қандай илмий тадқиқотнинг муваффақиятли бўлиши мақбул усулларни танлаш ва уларни моҳирона қўллашга боғлиқ.

Педагогика фани усуллари мактаб олдига қўйилган вазифаларга қараб белгиланади. Мактаб олдига қўйилган ҳар бир вазифа ўзига хос усулларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Педагог олим М. А. Данилов педагогика фани усулларини уч гуруҳга — мазмун, шакллантириш, назарий таҳлил ва синтез усулларига бўлади.

1. Мазмун усули кузатиш, тажриба, суҳбат, сўровнома ёрдамида текшириш, эксперимент, ҳужжатларни ўрганиш усулларидан ташкил топади.

2. Шакллантириш усулининг таркибини ҳодиса ва жараёнларни миқдор жиҳатдан моделлаштириш усуллари ташкил этади.

3. Назарий таҳлил ва синтез усулининг таркиби нарсани, уни текшириш, тадқиқот натижаларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш усулларидан иборат.

Юқоридаги уч усулнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлса ҳам, улар ўзаро бир-бирига боғлиқдир. Ҳар бир фан, жумладан педагогика фани муттасил ривожланиб боради, унинг усуллари ҳам ривожланиб боради. Маълумки, педагогик янгиликларни фақат бир хил кузатишлар ва экспериментлар асосида ўрганиб, ёритиб бўлмайди. Педагогик янгиликлар

кузатиш ва эксперимент натижалари, тўпланган материаллар атрофлича ва назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган ҳолда аниқланади, шу асосида илмий аҳамиятга эга бўлган хулосалар чиқарилади. Илмий ишларда тадқиқот усуллари муайян мантиқий боғланишда қўлланади.

КУЗАТИШ УСУЛИ

Психологларнинг таърифича, кузатиш маълум соҳадаги ҳодисаларни изчилликда идрок қилишдир. Бу — воқеликни бевосита идрок этиш асосидаги билиш усули саналади.

Кузатишдан асосий мақсад: кузатиладиган ҳодиса юз бераётган шароитни ўрганиш, ҳодисани аниқ тавсифлаш, тушунтириб бериш, яъни кузатилаётган ҳодиса билан у содир бўлаётган шароит ўртасидаги боғланишни аниқлашдан иборат.

Кузатиш таълим-тарбиядаги турли алоқа ва боғланишларни аниқлашни таъминлаши керак. Бу эса, ўз навбатида тадқиқотчидан ана шу алоқа ва боғланишлар ҳақида етарли даражада назарий тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Бунинг учун тадқиқ қилинадиган мавзуга доир илмий-методик адабиётлар, архив материаллари, мактаб ва ўқитувчиларнинг амалий иши акс эттирилган ҳужжатлар таҳлил қилинади.

Педагогик кузатиш тадқиқотчидан юксак маданиятли бўлишни ҳам талаб қилади. Тадқиқотчи педагогик жараёни тўлиқ ўрганиб олиши, мақсадга мувофиқ томонларига жиддий эътибор бериши керак. У педагогик жараёнда юз бераётган ҳодисаларни дафтарга мумкин қадар аниқ ва тўлиқ қайд қилиб бориши лозим.

Кузатиш таълим-тарбиянинг ўзаро бирлигини, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятини аниқлашни таъминлайди. Тадқиқотчи ўзи олиб борган кузатишларга суянган ҳолда, таълим-тарбияда қўлланилаётган усулларнинг ижобий ва салбий томонларини, ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний фаолиятига кўрсатадиган таъсирини аниқлайди.

ТАЖРИБА УСУЛИ

Педагогик тажриба ўқитувчининг муайян мақсадда ўқувчиларга таъсир этиш жараёнидир. Бу мураккаб жараён ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятига турли воситалар орқали таъсир кўрсатиш натижасида юзага келади.

Таълим ва тарбия узоқ давом этадиган жараён бўлиб, билим ва кўникма, малака, одат, ахлоқ каби шартли рефлекслардан иборат. Рефлекслар узоқ вақт давомида ҳосил бўлади. Шу сабабли ўқувчиларда уларни ҳосил қилиш ҳам кузатиш ишларини узоқ вақт давом эттиришни талаб этади.

Ўқувчидаги ривожланиш билим олиш, кўникма ва малакани эгаллашидан ташқари, руҳиятидаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда давом этади, шу асосда ўқувчи тафаккури ва фаолиятида янги, мураккаб ўзгаришлар юз беради. Тажрибада ўқувчи ривожда бу мураккаб, диалектик жараён қандай юз бераётганига, уларни ҳал қилишда ўқитувчи қўллаётган усулларга эътибор бериледи ва илмий ишда улар аниқ кўрсатилади.

Тажрибани ўтказиш учун ижодкор ўқитувчи танланади ва педагогик тажрибада у, тадқиқотчининг яқин ёрдамчиси бўлади. Ўқитувчи дарс ўтишда таълим ва тарбия қонун-қоидаларига қатъий амал қилади ва дарсни юқори савияда ўтказеди.

Тажриба дарси учун методик тавсия тузилади. Тавсия тузишдан олдин тадқиқотчи ўқитувчи билан биргаликда дарсда ўтказиладиган материални, кўргазмали воситаларни ва ўқитиш материални ўрганеди, кўрсатмали воситаларни ва ўқитиш усулларини, улардан фойдаланиш йўлларини, дарс шаклини белгилайди.

Илғор тажрибада ижодий изланиш сезилиб туриши керак. Илғор тажриба натижаси ўқувчида билим ва малаканинг шаклланишида, унинг дунёқараши ва умумий ривожда, ахлоқ-одобида аниқ сезилади.

Педагогик тадқиқотда ўқувчилар ва ўқитувчининг иш-ҳаракати, ўқувчиларнинг руҳий фаолиятидаги ўзга-

ришлар, таълим усуллари ва педагогик ҳодисалар кузатиш объекти ҳисобланади.

Маълумотлар тўплашга қаратилган кузатиш, қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши, объект миқдорига қараб ўтказилиши мумкин.

Маълумотлар тўплашга қаратилган кузатиш қуйидаги турларда бўлади:

А. Бевосита кузатиш. Бу кузатишда тадқиқотчи объектни бевосита ўзи кузатади, кўрганларини ёзиб олади.

Бевосита кузатиш турли асбоблар ёрдамида олиб борилади. Кузатишнинг бу гури, одатда, физиологияда, психологияда қўлланади. Бу йўл билан олинган маълумотларнинг аниқ ва тўғри бўлиши асбобларнинг ишонarli ва сифатли бўлишига боғлиқ.

Б. Воситали кузатиш. Бу кузатишда тадқиқотчи объектнинг бошқа кишилар томонидан кузатилишини ташкил қилади, уларнинг кузатишларига қараб хулосалар чиқаради.

Кузатишнинг қисқа ва узоқ бўлиши ўрганиладиган муаммо ва объектга боғлиқ.

Объект миқдорига қараб кузатиш бир синф бўйича ўтказиладиган кузатиш саналади. У муайян талабларга жавоб бериши, мақсад аниқ бўлиши керак. Мақсаднинг аниқ бўлиши кузатиладиган ҳодисани аниқ ўрганишга, ёзиб боришга имконият яратади, кузатишни аниқ ва тўғри йўналишда олиб боришни таъминлайди.

Кузатиш режа асосида ўтказилади. Режада кўрсатилган масалалар, синфлар, кузатиш жараёнида ўтиладиган мавзулар, олинган маълумотларни қайд этиш йўллари, ўқитувчи ва ўқувчилар билан ўтказиладиган суҳбат саволлари, дарсда ўқувчилар билимларини оғзаки ва ёзма равишда текшириш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўллари кўрсатилади. Кузатиш режаси мактаб ва синфлардаги шароит, ҳолат ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Кузатиш олиб бориладиган мактаб ва синфлар миқдори аниқ кўрсатилади. Кузатиш изчилликда олиб борилади, тўпланган материалларнинг ишончли бўлишига аҳамият берилади.

Кузатиш жараёнида ўқувчилар билимини тўғри баҳолинишига алоҳида эътибор берилади. Кузатиш муайян синфларда маълум муддатда қайта такрорланади.

Кузатиш таққослаш, таҳлил, синтез ва фараз (гипотеза), умумлаштириш билан боғлиқ ҳолда ўтказилади. Бунда тадқиқотчидан дарс жараёнидаги педагогик ҳодисаларнинг ўзаро боғлианишини, ўқитувчи қўллаётган воситаларнинг ижобий ёки салбий таъсирини изоҳлаб бериш талаб этилади.

СУҲБАТ УСУЛИ

Илмий тадқиқотда суҳбат усули ҳам қўлланади. Бу усул янги дастур, дарслик, қўлланмаларни тажрибада синаб кўришда муҳим аҳамиятга эга. Суҳбатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан қатнашувчиларнинг бири-бирини яхши тушунишига, ҳамфикрлигига боғлиқ. Бунда тадқиқотчининг суҳбат учун пухта, аниқ саволлар тузиши алоҳида аҳамиятга эга. Саволлар оғзаки берилади. Тадқиқотчи жавобларни ёзиб олади, зарур бўлган тақдирда қўшимча саволлар беради.

САВОЛ ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ УСУЛИ

Бу усул текширишларда кенг қўлланади. Савол қисқа вақтда кўп материал тўплашга имконият беради. Бирок, бу усулдан фойдаланишга ортиқча берилиб кетмаслик керак. Чунки, у ҳодисанинг моҳиятини чуқур очиб бермайди. Педагогик текшириш фақат далилларни қайд қилишни эмас, балки уларни вужудга келтирган ва уларнинг ривожланишига таъсир қилаётган сабабларни аниқлашни талаб қилади. Савол ёрдамида тўпланадиган далиллар материал сифатида тадқиқотни умумлаштиришга ёрдам беради.

ЭКСПЕРИМЕНТ УСУЛИ

Эксперимент усули педагогик тадқиқотда муҳим ўринда туради. Эксперимент оддий кузатишга нисбатан бирмунча афзалликка эга:

- эксперимент белгиланган жойда янги вазият ва янги ҳодисани юзага келтиради;
- ҳодисанинг бошқа ҳодисалар билан алоқадорлигини аниқлашга ёрдам беради;
- мўлжалланган ҳодисани кузатиш имкониятини яратади;
- ҳодисани таҳлил қилишни енгиллаштиради.

Эксперимент усулида тадқиқ этилаётган ҳодисани кузатишни зарурият бўлганда, бир неча бор такрорлаш мумкин.

Эксперимент ўтказишдан олдин тадқиқот мавзусига доир адабиётлар ўқиб, ўрганилади. Ўқув юртларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари кузатилади, илғор тажрибалар аниқланади, таҳлил қилинади.

ЭКСПЕРИМЕНТ ТУРЛАРИ

Эксперимент бир неча турларда бўлиши мумкин:

1. Табиий ва лаборатория эксперименти. Табиий эксперимент табиий шароитда — синфда ва синфдан ташқари машғулотда ўтказилади. Лаборатория эксперименти айрим ўқувчи ёки бир гуруҳ ўқувчилар (талабалар) билан ўтказилади. Бу экспериментда ўрганилаётган муаммонинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда, муайян шароитда ўқувчилардаги ўзгариш мунтазам кузатиб борилади. Бу кузатишдаги энг муҳим масала — ўқувчиларнинг умумий ривожланишга ёрдам берадиган таълим-тарбия тизимини яратишдан иборат.

2. Қайд қилиш ва таълим бериш эксперименти. Қайд қилиш эксперименти таълим жараёнига киришишдан олдин ўтказилади. Бу эксперимент ўқувчиларнинг билими, кўникмаси ва малакаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради.

Таълим бериш эксперименти ўқув юртида, мактабда таълим-тарбия беришда самарали усулларни аниқлашга ёрдам беради.

3. Дидактик ва методик эксперимент. Дидактик эксперимент муайян ўқув фанининг мазмунига боғлиқ ҳолда, мустақил суратда ўтказилади. Дидактик экспе-

римент таълим ёки унинг бир босқичидаги умумий қонуниятларни аниқлайди. Эксперимент дидактик экспериментнинг узвий қисми бўлиб, ўқилаётган фан мазмуни асосида амалга оширилади.

ДАЛИЛЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Экспериментни ўтказиш жараёнида аниқланган далил ва маълумотлар ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари ривожланиш даражаси ифодаланган миқдор кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади. Миқдор кўрсаткичлар махсус диаграмма, схема ва жадвалларда акс эттирилади. Далилларни таҳлил қилишда эксперимент ўтказган ўқитувчилар берган ҳисоботлар ҳам инобатга олинади.

Эксперимент натижаларини яқунлашда асосий эътибор олинган маълумотларни мантиқий-мазмуний жиҳатдан таҳлил қилишга қаратилади. Чунки миқдор таҳлили, гарчи муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, ҳодисаларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Мантиқий-мазмуний таҳлил ҳодисаларнинг пайдо бўлиш сабабларини, ички ўзгариш қонуниятларини аниқлашга имконият беради, мантиқий-мазмуний таҳлил илмий-методик, назарий хулосалар чиқаришнинг асоси ҳисобланади.

ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Дарсни ўрганиш, таҳлил қилиш педагогик тадқиқот усулининг асосий қисми ҳисобланади. Шу сабабли тадқиқотчи дарсни таҳлил қилиш йўллари мукамал билиши керак.

Дарс таҳлили — ўқув машғулотини таҳлил қилиш ва уни баҳолаш саналади. Дарс таҳлилда ўрганилаётган муаммо билан бевосита боғлиқ бўлган қонуниятларни аниқлашга алоҳида эътибор берилади. Масалан, дарсни кузатиш вақтида ўқувчиларга билим бериш жараёнида кўрсатмали воситалардан фойдаланиш усулини аниқлаш мақсад қилиб қўйилса, ўқитувчининг ҳикоя, суҳбат ва бошқа усуллар билан бирга, кўрсатмали воситаларни намойиш қилиш усулига, бу усулнинг би-

лимини ўзлаштиришга кўрсатган таъсирига аҳамият берилади.

Дарснинг барча қисмлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлади. Шунинг учун, тадқиқотчи ўз илмий ишида дарснинг, бутун ўқув машғулотининг бир бутунлигини сақлашга ҳам эътибор беради. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, таҳлилнинг муваффақиятли бўлиши тадқиқотчининг ҳозирги замон дарсига нисбатан қўйилаётган талаблардан хабардорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ ВА СИНТЕЗ

Ҳар қандай илмий тадқиқотда таҳлил ва синтез ўзаро чамбарчас боғланади. Илмий тадқиқотнинг ҳар бир босқичида ҳодисани таҳлил қилиш — айрим қисмларга ажратиш ва синтез қилиш — қисмларни янгидан бирлаштиришдир.

Кузатиш, тажриба, суҳбат, эксперимент усуллари тадқиқотчига қимматли далиллар тўплаш имкониятини беради. Лекин далиллар йиғиндиси ҳали фанни вужудга келтирмайди. Тўпланган аниқ далиллар тадқиқотчининг мантиқий тафаккури орқали қайта ишлаб чиқилади ва умумлаштирилади.

Ўрганилаётган объект ва ҳодисанинг моҳиятини билиш учун назарий таҳлилнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунга кўра тадқиқотчи ўрганилаётган ҳодисани таҳлил қилиб, яқунлайди ва уйғунлаштиради.

ДАРС НАМУНАЛАРИ

IX синфда «Алишер Навоий» мавзуини ўтиш жараёнида ўқувчилар бу ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлади, албатта. Бунда «Фарҳод ва Ширин» достонининг бош қаҳрамони образини суҳбат усулида ўрганиш, машғулотни тасвирий санъат ва ахборот воситалари билан уйғунликда ташкил этиш ўқувчиларда Фарҳод баркамол шахс эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам бери.

Маълумки, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Ҳиротда яшаб, вазирлик вазифасини

бажариб турган йилларда мамлакат ободонлиги, халқ фаровонлиги ва осойишталиги, илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчиликнинг ривожига эътибор берди.

У шоҳ ва шаҳзодаларнинг тож-тахт учун курашиб, ўзаро урушиш натижасида темурийлар давлатининг ҳалокатга юз тутаётганини кўриб, уларни яраштиришга, келиштиришга ҳаракат қилди. Аммо унинг бу ҳаракатлари зое кетди. Шунда у юртда тинчлик, осойишталик, фаровонлик бўлиши учун ҳаётда чин инсонпарвар, халқпарвар, дўст, маърифатпарвар жасур инсон — шахс образини яратиш кераклигини чуқур ҳис қилди.

Алишер Навоий Фарҳод образида мужассам бўлаган инсоний фазилатларни ўзаро уйғунликда, манتيқий изчиллик ва ўзвийликда акс эттириш, ҳар бир фазилатни аниқ воқеа-ҳодисалар воситасида кўрсатиш тизимини яратди.

У таълим-тарбия бирлигига эътибор бериб, дарсда ўқувчиларда Фарҳод фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида, қуйидаги масалаларни режалаштирди:

- Фарҳод болаликдан ақлли, зеҳнли бўлиб ўсади.
- Зўр ҳавас билан ўқийди.
- Жисмоний ва ҳарбий машқлар билан шуғулланади.
- Ўзини оддий одамларнинг бири деб ҳисоблайди.
- Меъморлик, наққошлик ҳунарларини ўрганади.
- Тож-тахтга қизиқмайди.
- Илм, ақл, ирода ижодкорликка эришади.
- Юнонистонга (Греция) кета туриб, йўлда учраган ёвуз кучларни ҳалок қилади, Искандар тилсимини очади, денгизда қароқчилар билан курашиб, йўловчиларни ҳалокатдан қутқаради.
- Арманистонда дарё мисол катта ҳовуз қазिशга бошчилик қилади.
- Дўстга, севгилисига садоқатда бўлади.
- Арманистон халқини Хисрав хужумидан ҳимоя қилади.

Дарс савол-жавоб асосида суҳбат усулида ўтказилди.

Ўқитувчи: Алишер Навоий нима мақсадда Фарҳод образини яратди?

Ёшликдан нималарга қизиқди?

Ўқувчи: Алишер Навоий ўз даврида Фарҳоддек ҳар томонлама баркамол, инсоний фазилатларга эга ёшлар — инсонлар бўлишини орзу қилди, шу мақсадда дostonда унинг образини яратди.

Фарҳод ёшликдан аниқ фанларни — тиббиёт, математика фанини ўрганди, ақлий тарбияга қизиқди, жисмоний ва ҳарбий машқлар билан шуғулланади. 10 ёшида ўзининг ақл ва жисмоний куч-қудрати билан одамларни ҳайратда қолдирди. Шаҳзодаликка, молдунёга қизиқмади, ўзини оддий кишиларнинг бири деб ҳисоблади, мазлум халқни чин қалбдан севди. У меъмор Бонийдан меъморликни, Монийдан наққошликни, тош йўнишни ўрганди. Натижада билимли, касб-ҳунарли, ижодкор бўлиб етишди.

Ўқитувчи: Фарҳод Юнонистонга келаётганда қандай воқеаларга дуч келади? Бу воқеаларда қандай қаҳрамонликлар кўрсатади?

Ўқувчи: Фарҳод Юнонистонга кета туриб, ёвуз кучларга қарши курашади, мислсиз қаҳрамонлик кўрсатади. У оғзидан ўт сачраб турган аждарни, Аҳраман номли девни ўлдиради, «темир одамлар» билан курашда уларни енгиб, Искандар тилсимини очади.

Фарҳод денгизда Яман шаҳари томон кетаётган кемага дуч келади. Кемада савдогарлар бор эди. Кемада Фарҳод улар билан суҳбатлашганда, ўзи шаҳзода эмас, оддий бир савдогар эканини айтади. Савдогарлар унинг оқилона сўзларини тинглаб, ҳурмат қиладилар. Шу пайтда савдогарлардан бири узоқдан бир неча қайиқлар келаётганини кўради. Кемада қароқчилар эканини билган савдогарлар қўрқувга тушиб, бир-бири билан видолашадилар. Фарҳод уларни тинчлантириб қароқчилар томон ўқ ёйлар отиб, уларни ҳалок қилади. Фарҳоднинг ҳалоскорлигидан савдогарлар ҳайратда қоладилар, унга тасаннолар айтадилар.

*Бу иш ул кема аҳлин айлабон лол,
Бири хушҳол бўлса, ўни беҳол.
Бири бошин кўйиб қошига онинг,
Кўнубон эврилиб бошига онинг...*

Бу байтларда Фарҳод кўрсатган фидокорлик ва мардликнинг мукофоти ўз ифодасини топди.

Ўқитувчи: Фарҳод кўрсатган бу қаҳрамонликларида ким унга мададкор бўлди?

Ўқувчи: Фарҳоднинг бу ишларида ўзига кўмакдош бўлган бошқа элатга мансуб Шопур билан самимий дўстлашади. Чунки, Шопур Фарҳодни мурод-мақсади-га етказишда фидойилик кўрсатади, уни Арманистонга олиб боради, тоғ-тошларни қазишда кўмаклашади. У энг қийин дамларда дўстга чин дўст бўлишни, ёрдам беришни ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Ўқитувчи: Фарҳод Арманистонда қандай ишларни амалга оширди?

Ўқувчи:

Хунарни асрабон нетгумдир охир,

Олиб тупроққами кетгумдир охир. —

Фарҳод шундай деб, ўз юртида эгаллаган билим, ҳунаrlари асосида Арманистон тоғларида қийналиб ариқ қазийтганларга ёрдам берди, эгаллаган ҳунарини ишга солиб, ишлаётганлар меҳнати ва машаққатини енгиллаштирди. Унинг бошчилигида катта ариқ қазилди, ҳовуз бунёд этилди. Ариққа «Нахр ул ҳаёт» («Ҳаёт дарёси»), ҳовузга «Бахр ул нажот» («Нажот денгизи») деб ном қўйилди.

Фарҳод севгилиси Ширин юрти Арманистонга ҳужум қилган Хисрав аскарларининг бошига тош ёғдирди. Хисрав билан бўлган савол-жавобда Фарҳод уни енгади, мағлубиятга учратади.

Фарҳод эл-юртнинг йиллар давомида қилган орзусига — сувга эришувида қилган хизматлари, кўрсатган қаҳрамонлиги туфайли халқнинг ва севгилиси Шириннинг меҳри, ҳурматига, олқишига сазовор бўлади.

Ўқитувчи ўқувчилар билдирган фикрларидан қониққанлигини айтиб, қуйидаги мазмунда тўлдириб, яқунлади:

Алишер Навоий Фарҳоднинг ҳар бир хатти-ҳаракатини инсонларга хос хислат тарзида тасвирланади, унинг ички оламини одамларга, табиатга бўлган муносабати ва мулоқотида намоён этади. Асарда Фарҳод

ҳаётига боғлиқ бўлган ҳар бир воқеанинг бир-бирига боғлиқ бўлишига, бу боғланиш мантиқий жиҳатдан мустақкам бўлишига алоҳида аҳамият берган.

Достонда Фарҳод каби идеал қаҳрамонлар образини яратиб, у садоқатда инсонларга ибрат бўлиб қолишларига ҳам ишонди. Демак, инсоният барқарор экан, Фарҳод инсонийликни шарафловчи шахс намунаси бўлиб яшайди.

Ўқитувчи бу якуний маълумотини Президент Исом Каримов ўз нуқталарида бугунги ёшлар Фарҳод каби баркамол бўлиб етишишлари кераклиги ҳақида айтган сўзларини эслатиши, республикамизнинг «Навоий» вилоятида «Фарҳод» ҳайкали ўрнатилгани, халқимизда кўпгина болаларга Фарҳод исми қўйилгани хусусидаги маълумотлар билан тўлдиради. Бу уйғунлик ўқувчиларда Алишер Навоийга ҳурмат ҳисси ортишида, Фарҳод образи улуғ шоирнинг баркамол шахс ҳақидаги идеали эканлигини тўлиқ англаб олишларига ёрдам беради.

5-синфда Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан» ўрганишга бағишланган машғулот қуйидаги тартибда ташкил этилди:

Ўқитувчининг кириш сўздан кейин, ўқувчилар олдинги дарсда берилган топшириқ-режа асосида шеър устида мустақил ишлаб, қилган таҳлиллари натижаларини мисоллар келтириб баён этади. Ўқитувчи улар билдирган фикрни баҳолаб, машғулотни яқунлайди.

Ўзбек халқи иккинчи жаҳон уруши йиллар ғарбий ўлкалардан республикамизга кўчириб келтирилган турли миллат вакиллари оғаларча кутиб олди, ота-оналаридан ажралган болаларни боғчаларга жойлаштирди, айрим ота-оналаримиз бир қанча болаларни уйларига олиб, ўз фарзандларидек, парваришлаб ўстирдилар. Масалан, Тошкентдаги «Ривож» артелининг ишчиси (темирчи) Шоаҳмад Шомаҳмудов ва рафиқаси Баҳри Акрамова 14 болани ўз қарамоғига олган.

Шоир Фафур Фулом республикамиз ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган бу воқеалардан таъсирланиб, «Сен етим эмассан» шеърини ёзди, унда халқимизга хос бу инсонпарварликни акс этгирди.

Бугунги дарсда олдинги режа бўйича ўз фикрингизни шошмай айтинг. Режа қуйидагича тузилган:

— ўзбек халқининг меҳр-оқибатлилигини айтиб, болаларни тинчланишига даъват этилиши;

— ўзбек диёрида офат эмас, муҳаббат, шафқат барқарор;

— жанг чогида қайғули кунлар ҳам бўлади;

— ўтмишда етимлар аҳволи аянчли бўлган;

— уйқудан чўчиб уйгонган боланинг руҳий ҳолати;

— болаларни қайғули аҳволга солган душман;

— бола кулгуси — ёруғ кун келиши;

— боланинг эрта тонгда эркаланиб туриши — «оппоқ тонг» яқинлиги;

— «Сен етим эмассан» шеъри, унда ифодаланган асосий ғоянинг тасвирий санъатда, кинофильмда ифодаланган ғоя билан бирлиги.

1-ўқувчи: Фафур Фулом болаларга тасалли бериш учун, Ватанимиз, халқимизга хос хусусиятларини шундай ифодалайди:

*Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор.*

2-ўқувчи: Фафур Фулом Ўзбекистон диёрида «Одамзод шакли»даги «Девлар намоиш эта олмас»лигини айтиб, болаларда хотиржамлик ҳиссини ҳосил қилишга ҳаракат қилади:

*Бу ерда музлаган
Аждар ҳалқумли
Ваҳшат тўғларининг
Қаҳқаҳаси йўқ.
Бу ерда — одамзод
шаклида юрган
лаънати девларнинг
Манфур, юқумли,
мараз намоиши
тополмас ҳуқуқ.*

3-ўқувчи: Ғафур Ғулом ҳаёт-мамот учун олиб бо-
рилаётган жанг беомон, хатарли эканлигини шундай
ифодалайди:

*«Отанг ўлган бўлса,
Қайгурма қўзим,
Қўзим усти
Миннатинг бошимга дурра,
Шу соғлом ҳавода
Саломат — омон,
Хўрсинмай, эркинлаб
Олабер нафас.*

Ватанимиз улурлигини айтиб, уларга ўз оталик меҳ-
рини изҳор этади:

*Эй улуг наслимнинг
Юраги, жони
Кипригинга илинмас
Йиғидан зарра.*

4-ўқувчи: Ғафур Ғулом ўзининг етимликда ўтказ-
ган ғамли кунларини баён этиб дейди:

*Мен етим ўтганман...
Оҳ у етимлик...
Бошимни силашга
Бир меҳрибон қўл,
Бир оғиз ширин сўз
Нондек арзанда.
Мен одам эдим-ку,
Инсон фарзанди...
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.*

Шоир бу билан болаларда ҳақиқий етимлик қандай
эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, уларни ғам-
аламни йироқлатишга интилади.

5-ўқувчи: Ғафур Ғулом ухлаб ётган болаларга ота-
лик меҳри билан боқади:

*Қўзимга ўқувчининг
Мудроқ овчиси*

*Турин солмасдан,
Биринчи гудокка
Икки соат бор.
Ота ҳиссининг
Бебаҳо, лазиз
Тулқинлари ичра
Ғарқ бўлиб кетиб,
Азиз бошинг устида
Термулмакдаман.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.*

6-ўқувчи: Фафур Фулом уйкуда ором олиб ётган болаларни меҳр билан кузатиб ўтирганда, бир бола чўчиб уйғонади. Фафур Фулом унинг тепасида парвона бўлиб унга:

*«Нега чўчиб тушидинг?
Мурғак тасаввур,
Гўдак хаёлингга нималар келди?».*

деб мурожаат этади. Ўзича, бола тушида «Шўрлик онанинг пажмурда гавдасини кўрган», шунинг учун у уйғонган, деб ўйлади, болаларни шундай аҳволга солган фашистларни лаънатлайди:

*«Сут кўр қилгур, ҳароми
гитлер оқпадар —
Фарзанднинг қадрини
Қаердан билсин?..
Наҳотки одамлар
Кезар дарбадар..
Онанг хўрландими,
Отанг ўлдими,
Сен етим қолдингми,
Қайғурма, кўзим,
Кўзим усти
Миннатинг бошимга дурра.*

7-ўқувчи: Болалар тинчликда ором олиб ётган ҳолда, жилмайиб кулади. Фафур Фулом бу севинчли ҳолатни кўриб қувонади. Бола кулгуси унга ҳам қувонч бахш этади:

*Сен кулаётибсан
Балки бу кулги
Сўнги ойлар ичра
Биринчи чечак.
Лаъли лабингдаги
Фунча табассум,
Албат толеинга
Муҳр бўлади.
Ва бунда акс этар,
Порлоқ келажак.
Тонг яқин,
Тонг яқин,
Оппоқ тонг яқин.*

Адиб болада ҳам бахтли кунлар, «оппоқ тонг» яқинлигига ишонч ҳосил қилади.

8-ўқувчи: Бола «Оқ ойдин, тонг олди»да роҳатланиб ухламоқда. Лаблари шивирланиб, ниманидир изҳор этмоқчи бўлади. Фафур Фулом бола руҳиятидаги бу севинчни кўриб, унга меҳр билан боқиб:

*Тонг яқин,
Тонг яқин,
Оппоқ тонг яқин.
Бир нафас ором ол,
Ухла, жигарим.*

дея, бола лабларидаги шивирлашни, онасини соғиниб, уни бир ўпишини истаётгандир деб ўйлайди, унга хитобан дейди:

*Улуғ ошланинг
гудак фарзанди,
билиб қўй энди:
Сен тезда улғайиб,
Олам кезасан.
Манглайда порлаган
Толенинг — қуёш
Бутун ер юзини
Қилур мунаввар,*

деб ҳақорат емирилиб зулм янчилишига, жаҳонда озодлик бўлишига ишонч билдириб, бола етим эмаслигини айтиб, унга севинч бахш этади.

Таҳлилни ўқитувчи маъқуллаб, дарсни қуйидаги мазмунда яқунлади.

Ғафур Ғулом халқимизга хос инсонпарварликни ҳаётий воқеа ифодаланган ушбу шеърнинг ҳар бир қисмида баён этилган фикр, ҳодисалар ўзаро уйғун, мантиқан узвийликда боғланган. Шеърнинг ҳар бир қисми меҳрибонлик ифодаси бўлган «Сен етим эмассан, тинчлангин жигарим» сўзлари билан тугалланган. Шеър олижаноб халқимиз қалбимизнинг ифодаси бўлганидек, бу асар зўр тарбиявий ибрат кучига ҳам эга.

Урушдан кейинги йилларда Тошкентда «Халқлар дўстлиги» мйдонида Шоаҳмад Шомаҳмудов, рафиқаси Баҳри Акрамованинг бағрида ўтирган етти миллат болалари ифодаланган ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди.

«Сен етим эмассан» кинофильми.

Фильмда Маҳкам аканинг ўз ҳовлисида ўнта болани атрофига олиб ўтиргани акс этирилган. Маҳкам ака ролини артист Обид Жалилов, она ролини Лутфи-хоним Саримсоқова ижро этган.

Шеърни ўқиган ҳар бир ўқувчи халқимизга хос инсоний фазилатлар яхши ўзлаштирилиб, меҳр-оқибатли, раҳмдиллик, меҳрибонлик хислатига эга бўлишга ҳаракат қилиши керак. Шунда унинг шеър мазмунини, Ғафур Ғулом улуг шоир эканлигини билгани аниқ сезилиб туради.

ТЕЗАУРУС (ЛУФАТ)

Адаптация — кўникиш, шахс ёки гуруҳнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсир этиш жараёни.

Акмеология — катталарнинг ўз-ўзини мустақил ривожланиши, уларнинг мустақил билим эгаллаши, касбни такомиллаштириш ҳақидаги фан.

Акселерация -- ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таъсирида боланинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишининг тезлашиши.

Педагогик аксиология — таълим, тарбия ва шахс ривожланишидаги (педагогик) кадриятларни ўрганадиган педагогика бўлими.

Таълимда фаоллик — таълим жараёнида ўқувчи шахсининг фаоллигини ва у таълим жараёнининг субъекти эканлигини, акс эттирувчи дидактик жараён.

Машғулот ўтказишининг фаол шакллари — ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг ўзаро таъсир этишини муҳокама қилишига мўлжалланган таълим жараёнини ташкил этиш шакллари.

Дарс таҳлили — ҳисобга олиш машғулотининг ёки унинг маълум қисмларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Андрогогика — катталарнинг таълим олиш қонуниятларини ўрганадиган педагогиканинг бўлими.

Аудирование — нутқни оғзаки қабул қилиш ва тушуниш, сўзлашув, ёзув, ўқиш билан бир қаторда нутқ фаолиятининг бир тури.

Сухбат — педагогик мулоқот методларидан бири; у эвристик, индивидуал, ахборот, мустақамлаш методларидан фарқ қилади.

Валеология — саломатлик педагогикаси.

Таълим тури — таълимнинг маълум назарий концепциясини акс эттирувчи ёндашувлар, усул ва воситалар йиғиндиси.

Тарбияловчи (таълим) — дунёқарашни шакллантирувчи, ахлоқий, эстетик тасаввурларни ва эътиқодни шакллантирувчи таълим.

Таълимнинг тарбияловчи характери — ўқитиш жараёнида

ўқувчилар орттирган билим ва кўникмалар билан уларнинг дунёқараши, инсоний фазилатларини ривожлантириш орасида боғланишларга эришилишини таъкидловчи педагогика қонунияти.

Билимнинг чуқурлиги — ўқувчи томонидан маълум билимнинг бошқа унга алоқадор билимлар билан боғланишини онгли равишда англаш даражаси.

Генез — келиб чиқиш, вужудга келиш, пайдо бўлиш ва тараққиёт жараёни.

Глобал — тўлиқ, умумий, универсал.

Гносеология — англаш назарияси.

Гностик фаолият — педагогик фаолиятнинг натижаларини текшириш ва баҳолаш, унинг кечиши ва самарадорлигини таҳлил қилиш.

Децелерация — ижтимоий ва экологик омиллар таъсирида боланинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишининг секинлашуви.

Диверсификация — турлилик; ҳар хилда ривожланиш.

Таълимнинг дедуктив усули — ўқув материалининг мазмунини мантиқий жиҳатдан очиб берувчи восита, усуллар йиғиндиси.

Дедукция — билишда умумийликдан хусусийликка ва бирликка (алоҳидаликка) ўтиш, умумийдан бирини ажратиб олиш.

Педагогик-диагностика — ривож даражасини, ўзига хос хусусиятини аниқлаш мақсадида ўқувчини тадқиқ этиш, ривожланишида бўладиган ўзгаришини ва келгусида шахс сифатида ривож топишини тахминан белгилаш.

Дидактика — таълим назарияси, педагогика фанининг назарий ва меъёрий-амалий соҳаси. Билим, билиш ва кўникмаларни ўзлаштириш ва ишончнинг шаклланиши қонуниятларини аниқлайди; таълим мазмунининг ҳажми ва таълим мазмуни тузилишини белгилайди; таълим методлари ва ташкил этиш шакллари такомиллаштиради; таълим жараёнининг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирни ўрганadi.

Дидактик тамойиллар (принциплар) — умумий мақсади ва қонунларига мувофиқ ўқув жараёнининг мазмунини, ташкилий шакллари ва услубларини белгилаб берувчи асосий қоидалар.

Дидактик материал — дарсда ва мустақил иш учун фойдаланишга мўлжалланган методик қўлланмалар, аудио ва видеотасма ёзувлар, луғатлар, маълумотномалар ва дарсликлар.

Дастурли ўқитиш — куйидаги белгиларга эга ўқитиш тизими:

— ўқув материалининг мантикий тартибда жойлашган кичик қисмларга бўлишини;

— саволлар орқали ўқувчига бир қисмнинг ўзлаштиришини текшириш учун имконият берилади ва кейинги қисмга ўтилади.

— ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларига мос материални ўзлаштириш тезлиги белгиланади.

Дидактогения — педагогик этиканинг бузилиши, салбий тарбиявий таъсирлар — педагогик хатоларнинг ноҳуш асорати.

Дискуссия — ўқув жараёнининг таркибий қисмларидан бири; муҳокама, баҳс юритиш.

Дифференциал ўқитиш — дастурни ўзлаштириш мақсадида алоҳида ўқувчилар ёки гуруҳга уларнинг тайёрланганлик даражаси, билиш қобилиятларининг ривожланиш даражасига қараб ёндашишни кўзловчи ўқитиш.

Педагогик вазифа — ўқув-тарбия жараёнида қўйилган ва ҳал этиладиган вазифа; ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳида ижобий фазилатларни шакллантиришга қаратилган.

Ўзлаштириш сифати — «4», «5» га ўқийдиган ўқувчиларнинг умумий ўқувчиларнинг умумий ўқувчилар сонига нисбатан фоиздаги кўрсаткичи.

Педагогикадаги кибернетик усуллар — бошқариш ва ахборот узатиш жараёнлари нуқтаи назаридан педагогик ҳодисаларнинг умумий қонунлари усуллари.

Ўқитиш усулларининг **классификацияси** — у ёки бу асосда уларни маълум гуруҳ ёки бўлимларга ажратиш.

Ўқитишнинг коллектив (жамоа) усули — ўқитаётган ва ўқитилаётганларнинг навбатма-навбат динамик жуфтликларда мулоқоти.

Концепция — нарса ва ҳодисаларга нисбатан қараш ва етакчи ғоялар йиғиндиси, билиш ва амалий фаолият характери

ни белгилайди; бирор назариянинг асосий ғояси.

Креативный — ижодий.

Критерий (мезон) — бирор ҳодисага баҳо бериш учун ёки бирор нарсани туркумлаш (классификация қилиш) учун зарур белги; баҳолаш ва фикрлаш уун ўлчов.

Метод (усул, услуб) — фалсафий ва илмий билимларни яратиш ва асослаш усули; воқеликни амалий ва назарий жиҳатдан ўзлаштиришга қаратилган, маълум тарзда йўналтирилган усул ва тажрибалар йиғиндиси.

Мактабга тайёргарлик — мақсадли тарбиялаш шароитида катта мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий-шахсий ривожланишининг қўшилиб бир бутун ҳосил қилиши (пайдо бўлиши).

Мактаб баҳоси — ўрта умумтаълим мактаблари Низоми орқали белгиланадиган, ўқувчи ўзлаштиришини кўрсатадиган рақам (балл) кўрсаткичи.

Таълим методологияси — фалсафа, илмий билиш манбаи ва таълим идеологияси.

Ўқитиш услублари — турли дидактик вазифаларни ҳал қилишда ўқитувчи олиб борадиган ишлар, ўқувчилар ўқиш — билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари.

Модул ўқитиш — ўқитиш жараёнини ташкил этиш турларидан бири. Бунда ўқувчи ўз ичига қуйидаги модулларни олувчи ўқув дастури бўйича ишлайди ва мақсадли, ахборот, операцияли билимни текшириш. Ҳар бир модул тугалланган, нисбий мустақилликка эга. Модул ўқитиш олий таълим тизимида кўпроқ, ўрта таълимда камроқ қўлланилади.

Таълим мониторинги — таълимдаги бирор жараённи баҳолаш мақсадида махсус ташкил этилган мунтазам кузатиш ва назорат қилиш.

Ўқишнинг сабаблари — янги билим ва қўникмаларни қабул қилишга, ўрганишга қаратилган барқарор майл, истаклар тизими.

У ўқишга нисбатан ижобий муносабатни, ўқишнинг муваффақиятлигини белгилайди.

Ўқиш-ўқитиш — таълимнинг мақсадларига эришиш ва шахсни ривожлантиришга қаратилган, ўқитувчи раҳбарлигида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолият.

Ўқитиш муаммоси — таҳлил, талқиқот талаб этувчи билиш вазифасини илгари сурувчи ўқув жараёни қўйилган муаммони ҳал этишни фараз қилувчи;

Муаммони вазиятни юзага келтириш муаммонинг ечимини излаш, умумий ҳулосага эга жараён.

Ривожлантирувчи ўқитиш — ўқув жараёнининг инсон ички (потенциал) имкониятларига ва уни қўллашга қаратилганлиги (йўналганлиги).

Ўрганилган — ўзлаштирилган ахборот ва шаклланган қўникмалар сони ва сифатини кўрсатадиган аниқ натижа.

Билимларни объектив назорат қилиш — зарур аниқликка эга, назорат топшириқларни бажариш ва ўлчов бўйича аниқланадиган назорат тури билим сифати ҳақида тасаввур беради.

Онтология — борлиқ ҳақидаги фалсафий илм.

Ўқув жараёнини оптимизациялаш — ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кам вақт ва ҳаракат сарф қилиб яхши натижаларга эришишга имкон берадиган чора-тадбирлар тизими (мажмуи).

Таълим парадигмаси — таълимнинг концептуал модели.

Перцепция — қабул қилиш, сезиш, объектив борлиқнинг сезги органлари орқали акс этиши.

Принцип — асосий фундаментал гоя, хулқ қоидаси.

Таълим асослари (принциплари) — ўқув жараёнига қўйиладиган асосий талаб. Бу ўқув жараёнининг моҳияти, мазмуни, тузилиши, унинг қонуниятларини билиш бўлиб, у фаолият меъёрлари ва амалиёт учун тавсияларда акс этади.

Рейтинг — ҳодисаларни диагностика (ташхис) йўли билан ўлчаш; фикр ва баҳони танлаш.

Педагогик рейтинг — таълим муассасаларида ўқитувчининг фаолияти, дастури, ўқув режаси, обрўсини баҳоловчи индивидуал рақам кўрсаткичи.

Ўқитишнинг репродуктив усули — ўқув ахборотини фаол қабул қилиш ва эслаб қолишни мўлжаллаган билим ва кўникмаларни бойитувчи, айрим фикрлаш операцияларини шакллантирувчи, лекин ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожлантириш кафолатини бермайдиган усуллар.

Ретроспектив — ўтмишга қаратилган.

Рефлексия — шубҳа ва зиддиятларга тўла фикрлаш; ўзининг руҳий ҳолатини таҳлил қилиш.

Семантика — сўз ва сўз бўлагини маъноси.

Синкретизм — бирон нарсанинг қўшилганлиги, бўлинмаслиги.

Социализация — шахснинг ижтимоий тузумга киришиб кетганлиги натижасида унга мослашиши.

Сўров, сўроқ — фақат ўзлаштирилган маълумотларни тиклабгина эмас, балки уни исботлаб ва тушунтириб беришдан иборат.

Ижтимоий адаптация (кўникиш) — шахснинг ижтимоий муҳитга фаол мослашиши, унинг ҳатто фавқулодда ҳолатларда ҳам (омон қолиш) чидаш қобилияти.

Таълим стандарти — таълимни ўзлаштириш сифат ва мазмунига қўйиладиган ва назоратнинг стандарт усулларига тўғри келадиган минимал талабларнинг диагностик таърифлари.

Тезаурус — тўлиқ маъно ахборотига эга луғат.

Ўқув тезауруси — ўқитиш давомида йиғилган интеллектуал багаж (жамгарма).

Тест — аниқ педагогик тадқиқот учун ишлатиладиган сўровнома синалаётган ўқувчининг психологик ва интеллектуал тавсифини, унинг билим, тушуниш, уддалаш, кўникмаларини ўлчашга имконият берувчи стандартлаштирилган топшириқлар.

Тьютор — консультант, маслаҳатчи.

Фурқация — ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари ўқув режасини гуманитар, физик-математик, биология, эстетик, техник йўналишларда тузилиши.

Ўқитиш шакли — маълум тартибда амалга ошириладиган ўқувчи ва ўқитувчининг келишилган фаолиятини ташқи ифодаси.

Ўқитишнинг мақсади — барча ўқув жараёнининг пировард мақсадлари.

Эвристик усул — ўқув машғулотининг унинг режаси, тузилиши ва айрим қисмларини аввалдан тайёргарликсиз ташкил этиш (яъни ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам экспромт-дарс). Аввалдан фақат дарснинг мавзуси, мақсади, топшириқлар ҳажмигина аниқ бўлади.

Экзистенциализм — инсонни руҳий асосга эга деб қаровчи бир йўналиш.

АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 1992.

2. *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий томоиллари Т.: «Ўзбекистон», 1996.

3. *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2. Т.: «Ўзбекистон», 1996.

4. *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.: «Ўзбекистон», 1996.

5. *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996.

6. *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.

7. *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.

8. *Каримов И. А.* Тарихий хоғирасиз келажак йўқ. Т.: «Ўзбекистон», 1998.

9. *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.

10. *Каримов И. А.* Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: «Ўзбекистон», 2000.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т., 1997.

12. Ўзбекистон Республикасининг: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. Т., 1997.

13. *Абдурасулов М.* Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Т.: «Ўқитувчи», 1972.

14. *Абдурауф Фитрат.* Чин севги. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996.

15. *Абу Али ибн Сино.* Ҳикматлар, Т.: «Ўзбекистон», 1980.

16. *Авлоний А.* Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: «Ўқитувчи», 1972.

17. *Авлоний А.* Тошкент тонги. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1979.
18. *Алишер Навоий.* Хамса. Т., 1960.
19. *Алишер Навоий.* Маҳбуб ул-қулуб, Т., 1939.
20. *Алиқулов Х., Омонова Г.* Жомий ва Довоний таълим-тарбия ҳақида. «Ўқитувчи». Т., 1981.
21. *Акмалова С.* Таълим назарияси — дидактика масалалари бўйича ўқув қўлланма. «Наманган», 1993.
22. *Аҳмад Дониш.* Наволурул-вақое. Т., 1984.
23. *Абулханова К. А.* Психология и педагогика. Учебное пособие. М., 1998.
24. Баркамол авлод — Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1997.
25. Баркамол авлод орзуси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.
26. *Баратов Н., Алиқулов Х.* Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Т.: «Ўзбекистон», 1974.
27. Донишмандлар тарбия хусусида. Т.: «Ўқитувчи», 1982.
28. *Жўраев Н.* Ўзбекистон тарихи. Т.: «Шарқ», 1998.
29. *Зуннунов А.* Халқ педагогикаси — инсон камолотининг асоси. Тошкент, 1992.
30. *Зуннунов А.* Педагогика тарихи. Т.: «Шарқ», 2004 й.
31. *Икрамов Д.* Математическая культура школьника. Т.: «Ўқитувчи», 1967.
32. *Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И.* Ўрта Осиёлик қирқ олим. Т.: «Фан», 1961.
33. Конфуцианство в Китае. Проблема теории и практики. М.: «Наука», 1982.
34. *Коджаспирова Г. М., Коджаспиров А. Ю.* Педагогический словарь. М.: «Академия», 2001.
35. *Кайковус.* Қобуснома. Т.: «Истиқлол», 1994.
36. *Кукушкин В. С.* Дидактика. М. — Ростов-на Дону. Изд. Центр. Март, 2003.
37. *Кубесов А.* Педагогическое наследие аль-Фараби. Алмата, «Мектеп», 1989.
38. *Латышина Д. И.* История педагогики. М., 2003.
39. *Лернер И. Я.* Философия дидактики и дидактика как философия. М., 1995.
40. *Мавлонова Р., Тўраева О., Холиқбердиев К.* Педагогика. Т.: «Ўқитувчи», 2001.

41. *Маҳкамов У. И.* Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари, Т.: «Фан», 1995 й.
42. *Маҳмудов Т.* Мустақиллик ва маънавият, Т.: «Шарқ», 2001.
43. Муҳаммад пайгамбар алайҳиссалом қиссалари. Ҳадислар. Т.: «Камалак», 1991.
44. *Очилов М.* Муаллим — қалб меъмори. Т.: «Ўқитувчи», 2001.
45. *Очилов М.* Ўқитувчи одоби. Т., 2002.
46. *Очил С.* Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1995.
47. *Оконь В.* Введение в общую дидактику. М.: «Высшая школа», 1990.
48. *Пунский В. С.* Формирование у школьников понимания закономерности исторического процесса. М.: «Просвещение», 1972.
49. *Полат Е. С.* Новые педагогические технологии. (Пособие для учителей). М.: 1997.
50. *Пустильник И. Г.* Теоретические основы формирования научных понятий у учащихся. Екатеринбург, 1997.
51. *Рахимов С. Р.* Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сино. Т.: «Ўқитувчи», 1979.
52. *Розиқов О. Р., Огаев С. Ю., Маҳмудова М. М., Азизов Б. Р.* Дидактика. Т. «Фан», 1997.
53. *Савдий.* Гулистон. Т., 1960.
54. *Смирнов С. А.* Педагогика: педагогические теории, системы, технологии. Учебное пособие. М.: «Академия», 1998.
55. *Толипов Ў., Усмонбоева М.* Педагогик технология: назария ва амалиёт. Т.: «Фан», 2005.
56. *Ушинский К. Д.* Танланган асарлар. Т., 2005.
57. *Философский словарь.* М., изд. Полит. Лит. 1963.
58. *Фитрат А. А.* Раҳбари нажот. Истамбул, 1915.
59. *Форобий А. Н.* Рисолалар. Т.: «Фан», 1995.
60. *Хайруллаев М.* Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия ҳақида. Т.: «Ўқитувчи», 1967.
61. Халқ педагогикаси — инсон камолотининг асоси. Т. Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ офсет лабораторияси, 1992.
62. *Хоруженко К. М., Курепина А. В.* Краткий педагогический словарь-справочник. Таганрог: изд. ТГПИ, 2001.

63. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. Т.: «Фан», 1996.
64. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. Т.: «Фан», 1999.
65. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э., Қуронов М., Аҳлиддинов Р., Мажидов И. Миллий истиқлол ғоясининг шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Т.: «Академик», 2002.
66. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т.: «Фан», 1995.
67. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржимада Т.: «Чўлпон», 1992.
68. Ҳикматлар гулдастаси. Т.: Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1. Дидактиканинг методологик асослари	
Таълим тушунчаси	5
Таълим мақсади	8
Таълим вазифалари	10
Таълим мазмуни	10
Таълим назарияси	13
Педагогик жараён тизимининг хусусиятлари	20
Педагогик жараён қатнашчилари	24
Педагогик жараён қонуниятлари	25
2. Таълим принциплари	
Таълим принципларининг шаклланиши	36
3. Таълим методлари	
Дидактикада таълим методлари назариясининг ривожини	57
Таълим методи турлари мазмуни, моҳияти	59
Ўтилган материални мустақамлаш методлари	62
Мустақил иш методлари	66
Билимларни ҳаётга тадбиқ этиш методлари	67
4. Таълим воситалари	
Таълим воситаларининг дидактик вазифалари	71
5. Таълим шакллари, турлари ва йўллари	
Таълим шакллари	76
Таълим турлари (дарс турлари)	76
Дарс тузилиши	82
6. Ўқувчи ва талабаларнинг билими баҳоси	
Баҳоларнинг моҳияти ва аҳамияти	86
Баҳонинг объективлиги	88
Илова	89
Тезаурус	115
<i>Адабиётлар</i>	121

ДИДАКТИКА

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2006

Муҳаррир *Р. Бойтура*
Бадий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Саҳифаловчи *Т. Огай*
Мусахҳиҳлар *Ж. Тоирова, М. Зиямуҳамедова*